

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ**

МИРЗИЯТОВ Ш., МИРЗИЁТОВ И.

**МАЪРИФАТ: ОДОБ
ВА ТАРБИЯГА ОИД
ҲИКМАТЛАР
(ҲИКМАТЛИ ДУНЁ)**

Тошкент - 2021

Мустақиллик улуг ва эзгу ниятларимизнинг амалга ошиши, улкан имкониятларимизнинг воқеликка айланиши учун шароит яратар экан, бу борада ҳал этилиши зарур бўлган вазифаларни ҳам аниқ белгилаб берди. Шундай вазифалардан бири баркамол авлод тарбияси экани барчага маълум. Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Болаларимизни ватанпарвар, жамиятга керакли инсон қилиб тарбияламасак, келажакка хиёнат қилган бўламиз», – деб куюниб таъкидлаши ҳам бежиз эмас.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма эса олий ўқув юртларидаги мураббийлик соатлари ва диний ўқув юртлари ўқитувчилари учун, шунингдек, маҳалла фуқаролари йиғинлари, ёшлар билан ишлаш бўйича мутахассисларига ёрдамчи услубий қўлланма бўлиб, халқимизнинг асрий маърифати ва маънавиятидан фойдаланган ҳолда пок ниятли, соф қалбли, фикри теран, соғлом эътиқодли, гўзал хулқ-атворли, комил инсонларни вояга етказишга ҳамда мурасасизлик, тоқатсизлик, тажавузкорлик каби иллатларга қарши иммунитетни шакллантиришга хизмат қилишидан умидвормиз.

Масъул муҳаррир:

п.ф.д., проф. **М. Қуронов**

Такризчилар:

п.ф.д., проф. **Ш. Абдуллаева**

ф.ф.д., проф. **З. Исломов,**

ф.ф.д., проф. **Б. Валиев,**

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2021.

“МАЪНАВИЯТ ЭНГ ТАЪСИРЧАН КУРОЛИМИЗДИР”

КИРИШ

Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждони, маънавияти бор инсон Ватанни албатта яхши кўради. Виждон, маънавият дегани – халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир.

Шавкат Мирзиёев

Одоб ва ахлоқ маънавий қадрият сифатида инсоният тарихининг барча даврларида муҳим аҳамият касб этган. Буюк бобокалонларимиз ҳам асрлар синовидан ўтган, сайқал топган, инсонийлик фазилатлари камол топишига хизмат қиладиган юксак маънавий хислатларни сақлаб қолиш, авлодларга тўқис етказиш масаласига алоҳида эътибор берганлар. Айни пайтда уларнинг ўзлари ҳам бу йўналишда самарали ижод қилганлар. Юксак маънавият ва маърифатга эга бўлган улуғ алломаларимиздан: Алишер Навоий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Термизий ва Нажмиддин Кубро ўз замонасининг етук олимларидан сабоқ олиб, бизга одоб-ахлоқ бобида тенги йўқ дурдоналарни қолдирганлари бунинг исботидир. Алишер Навоийнинг «Маҳбубул қулуб», Ибн Синонинг «Тадбирал манозил», Маҳмуд Замахшарийнинг «Атвоқуз заҳаб», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббатул ҳақойиқ», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи муҳсинин», Имом Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад», Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» каби беназир асарлари фикримизнинг ёрқин ифодасидир.

Одамзод бу дунёга икки маротаба келмайди: бир туғилади, бир ўлади. Бинобарин, инсоннинг роҳат-фароғатда яшаб ўтмоғи, ҳаловатда бўлмоғи кўп жиҳатдан бошқаларга эмас, аввало ўзига боғлиқ бўлади. Буни англаб етишда эса, ҳикматли сўзлар, мазмундор нақл-ривоятлар жуда асқотади. Агарда китоб ўқиб, маъносига етиб, шуларга амал қилинса одам фойда топади. Шунинг учун ҳам ўқув-услубий қўлланмада дурдона ҳадислардан, ибратли нақл-ривоятлардан бир шингилдан келтирдик. Уларни ўқиган ва уқиган кишилар - оз бўлса-да фойда кўрсалар, деган ниятдамиз.

Абу Ҳомид Ғаззолий қаламига мансуб “Мукошафат – ул қулуб” асарида илм фазилати тўғрисида таъкидланадики:

- Кимки олимлар билан бирга юриб, бирга ўтирса тили бийронлашади, зеҳни очилади, зеҳнига ўрнашган нарсалардан бениҳоя сурурланади, билганларидан фойдаланишда кучли бўлади, билганларини бошқаларга ифодаб бера олади.¹

Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ҳам айтадилар:

- Аллоҳ агар хоҳласа, бандасининг зеҳнини илм билан тўлдиради.

- Жаҳолатдан ачинарлироқ қашшоқлик йўқ.²

Жаҳолат – инсон умрининг кушандаси. Жаҳл келганида ақл қочади, деб бежиз айтмаган халқимиз. Жаҳл эса нафсга боғлиқ ҳаракат. Нафснинг кучайиши ҳаёт гулларини сўлдиради. Албатта, нафсини ўйламаган инсоннинг ўзи йўқ. Бироқ, нафс меъёридан ошмаслиги даркор. Моддий бойликка ортиқ даражада ружу қўйилса, маънавият бир чеккага чиқариб қўйилса, бунинг зарари кўп. Бинобарин, аждодларимиз асрлар мобайнида амал этган анъаналар унутилмаслиги даркор.

Бир донишмандга: Ақл устунми, ёки пул? – деб савол берган эканлар. Донишманд дебдики: Ақл устун. Чунки, ақл билан пулни йиғиб бўлади, пул билан ақл йиғиш мумкин эмас.

Шунга қиёсан айтиш жоизки, ақл биринчи ўринда турадиган неъмат. Бироқ, ақлнинг ўзи билангина иш битмайди. Ақлни ишга туширмоқ, ундан фойдалана билмоқ даркор. Ақлли кишилар учун ҳозирги кунда давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Ўз тараққиёт йўлидан одимлаётган, янгиланаётган Ўзбекистонда ахлоқ-одоб илмига, маънавият масалаларига жуда катта эътибор бериб келинмоқда. Аждодларимиз яратган ана шундай бебаҳо маданий мерос одамларимиз маънавий дунёсининг узвий қисмига айланиб бормоқда. Соғлом фикрловчи, маънавий баркамол инсонларни тарбиялаш ислохотларнинг бош вазифаларидан бири қилиб белгиланди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон

¹ Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат-ул қулуб (Миразиз Аъзам таржимаси). –Т.: «Адолат», 2002. –Б. 251.

² Ўша асар. –Б. 251.

шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айти пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. “Биз киммиз? Қандай улуғ зотларнинг авлодимиз?” деган савол уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”.¹ Шу сабабдан мактабларимизда ёш авлод қалбига юксак маънавият, эзгулик, одоб ва ахлоқни сингдиришга хизмат қилиши кўзда тутилган «Тарбия» фанининг ўқитилиши йўлга қўйилди.

Биз тайёрлаган “Маърифат: Одоб ва тарбияга оид ҳикматлар” номли ўқув-услубий қўлланма орқали китобхон она Ватанинг муқаддаслиги, халқимизнинг бой тарихи, маданий ва маънавий мероси, миллий, диний ва умумбашарий қадриятларимиз ҳақида қўшимча маълумотга эга бўлади.

Мазкур қўлланма ўз шарафли вазифаларини амалга оширишда маҳалла фуқаролари йиғинларидаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда диний таълим муассасалари мутахассисларига ўзига хос манба бўлиб хизмат қилади. У турли манбалардан олинган, халқимиз орасида кенг тарқалган мақоллар, ривоятлар, оят ва ҳадис намуналари ва аждодларимиз ўғитларидан тузилган. Улар нафақат миллий ва диний, балки чуқур ахлоқий-маънавий мазмунга ҳам эга бўлиб, ўзида умуминсоний қадриятларни мужассамлаштиргандир. Умуминсоний фазилатларга эга шахс эса ҳеч қачон қабих ниятларни кўзламайди, бошқалардан яхшилигини аямайди, ҳақиқий инсон бўлиб камол топади.

Қўлланма соҳа мутахассисидан ҳар бир мавзуга маҳорат билан ижодий ёндашишни талаб этади. Зеро, ундаги ғоя ва тушунчаларни кишиларнинг ёши, руҳияти, билим савиясини ҳисобга олган ҳолда кундалик ҳаётини воқеалар билан бойитиб тушунтириб бериш, мақсадга мувофиқдир.

¹ Мирзиёев Ш.М. 15 июнь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби" мавзuidaги анжуманда сўзлаган нутқидан.

МАВЗУ: ОДОБ – ИНСОННИНГ КЎРКИ

1. Одоб – инсоннинг кўрки.
2. Саломлашиш одоби.
3. «Ассалому алайкум» ҳикмати.
4. Салом бермаслик ёки жавоб қайтармаслик.

Калит сўзлар: одоб, гўзал хулқ, ахлоқ, инсоний фазилят, муомала маданияти, саломлашиш одоби, ислом дини, ҳадис, ажру мукофот.

*Одабийзод агар одобсиз бўлса, одам эмас
Ҳайвон ила одамнинг фарқи одобидир!*
Шайх Саъдий Шерозий

Одоб – инсоннинг кўрки. Хулқнинг яхшилиги деганда, энг гўзал инсоний фазилят одобнинг имкони борича кўпроқ намоён бўлиши тушунилади. Масалан, ўзгалар билан яхши муомалада бўлиш, камчиликларини кечириш, азият ёки зарар етганда ҳам ўч олиш ўрнига сабр-бардошли бўлиб, уларга маслаҳат бериш, бировни ғийбат қилмаслик, ёлғон, бўхтон, тухматдан узоқда бўлиш, инсонларга фақат яхшилик қилишга интилиш, ўзига раво кўрган нарсани ўзгаларга ҳам раво кўриш, ўзига ёқмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрмаслик, бир сўз билан айтганда, эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал бирлиги - олижаноб хулқни намоён этувчи фазилятлардандир.

Бу фазилятнинг қанчалар аҳамиятли экани ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу мисраларида ҳам акс этган:

*Айш, Навоий, неча дилкашдурур,
Лек адаб бирла ҳаё хушдурур.*

Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Каримда ҳам «Эй Пайғамбар, Сиз энг олижаноб хулқ соҳибисиз» ояти билан жамики инсонларни яхши хулқли, одобли бўлишга ва бу борада ўзининг расули Муҳаммаддан ўрнак олишга ундалган (Қалам, 4-оят).

Абдуллоҳ бин Амр¹ мен Расулуллоҳдан икки ёки уч марта «Сизларнинг менга энг маҳбуброқларингиз ва қиёматда менга энг

¹ Абдуллоҳ бин Амр – машҳур саҳоба Амр ибн Оснинг ўғли, ҳадис ровийларидан.

яқинларингиз ҳақида хабар берайми?» деганларида, саҳобалар «айтинг, ё Расулуллоҳ», дедилар. Жаноб: «Хулқлари яхши бўлганларингиз», деганларини эшитдим, дедилар (Имом Аҳмад¹ ва Ибну Ҳиббон² ривоятлари).

Донишмандлар бисотидан келтирилган ҳикматларда айтилишича, инсоннинг одобида муҳит ва атрофидаги, жамоанинг аҳамияти жуда катта .

Яхшиларнинг суҳбатин қилгил талаб,

Боадаб бўл, боадаб бўл, боадаб.

Саломлашиш одоби. Салом бериш борасида халқимизда «аввал салом, сўнгра калом» деган ҳикматли гап бор. Яъни ҳар қандай кишига мурожаат қилишдан олдин, албатта, унга салом бериш лозим.

Бу ҳақда Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади: «Қачон сизларга салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки (ҳеч бўлмаса) ўша иборани қайтаринглар» ёки «Эй мўминлар, ўз уйингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз».

Зеро, Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарида айтганларидек: «Салом бериш одам учун эминлик ва омонликдир».

Муҳаммад пайғамбар (САВ) ҳамиша биринчи бўлиб, ҳатто ёш болалар олдидан ўтганда ҳам улардан олдин салом берганлар. Нега ул зот саломнинг нақадар зарурлигини ва тартибини кўп уқтирганлар? У кишидан шундай ҳадис етиб келган: «Ас-Салом – Аллоҳнинг ердаги исмларидан биридир. Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Зеро, мусулмон киши одамлар олдидан ўтиб бораётиб, уларга салом берса, улар ҳам алик олишса, уларга саломни эслатгани учун бир даража кўп савобга эришади. Мабодо алик олишмаса, унга зарари йўқ. Чунки улардан яхшироқ ва афзалроқ зотлар (яъни, фаришталар) алик олишади».

Учрашганда салом бериш қанчалик яхши бўлса, хайрлашганда самимий сўзлар айтиш ҳам шунчалик мақсадга

¹ Имом Аҳмад – унинг тўлиқ номи Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал, исломда эътироф этилган «ҳанбалия» мазҳабининг асосчиси.

² Ибну Ҳиббон – ҳадис тўплами яратган машҳур муҳаддислардан бири.

мувофиқдир. Чунки «салом» сўзи арабча бўлиб «тинчлик, сиҳат-саломатлик» деган маънони англатади.

Шундай қилиб, салом бермоқлик инсон ахлоқ-одобининг зарур бир кўриниши экан. Ҳозир айрим кишилар ўртасида урф бўлган «Салом», «Салом бердик» шаклида ёки бошни-бошга уриб саломлашиш, қучоқлашганда ўпишишлар одобсизлик бўлиб, ўзбекона ахлоқ қоидаларига тўғри келмайди.

«Ассалому алайкум» хикмати. Бир муборак ҳадиси шарифда: «Эй мўминлар, то имон келтириб мўмин бўлмагунингизча ҳаргиз жаннатга кирмайсизлар, то бир-бирингизга меҳру муҳаббатли бўлмай туриб мўмин бўла олмайсизлар. Сизларга бир амални ўргатайми, уни қилсанглар муҳаббатли бўласизлар. Ўзаро саломни ошкор беринглар», дейилган. Демак, саломлашиш – инсонлар ўртасида ўзаро ҳурмат, иззат-икром топиш, шунингдек, бир-бирларига нисбатан меҳрли ва раҳм-шафқатли бўлишдек юксак инсоний фазилатларнинг камол топишига хизмат қилар экан.

Ҳадислардан яна бирида шундай дейилади: «Мусулмоннинг мусулмон биродарида қуйидаги ҳақлари бор: салом бериш, меҳмонга чақирса бориш, маслаҳат сўраса билганча тўғри маслаҳат бериш, ...касал бўлиб қолса, бориб кўриш, мазлум бўлса, ёрдам беришдур».

Кўриниб турибдики, кишиларнинг бир-бирларидаги энг биринчи ҳаққи салом бериш экан.

Шунингдек, салом тўғрисидаги диний кўрсатмаларга кўра:

– Учрашганда қайси бирларингиз биринчи бўлиб салом берсангиз, ўша одам Тангрига ҳам итоатлироқдир.

– Бир-бирингиз билан саломлашиб юринг. Шунда ўрталарингизда меҳр-муҳаббат уйғонади.

– Отлиқ-уловли киши пиёда кетаётганга, пиёда киши ўтирганга, озчилик кўпчиликка, кичиклар катталарга салом берсин. Саломга алик олса-ку яхши, бордию алик олмаса, салом берувчига зарари йўқ.

– Агар бир жамоа бошқа жамоанинг ҳузурига кирса-ю, салом бермаса, ҳаммалари гуноҳкор бўлишади. Агар улардан бирортаси салом берса, ажрга¹ мушарраф бўлади, бошқалардан салом бериш

¹ Ажр – мукофот.

зарурати соқит бўлади. Лекин ҳаммалари салом беришса яхшироқ.

Демак, салом тинчлик, хотиржамлик, соғлик-саломатлик маъноларини билдиради. «Ассалому алайкум» деганимизда мазкур хислатларни, яъни сизга тинчлик, хотиржамлик бўлсин, сизга соғлик, омонлик тилайман, деб яхши ниятлар билдирамыз.

Салом бермаслик ёки жавоб қайтармаслик. Ўзбек халқи феъл-атворида асрлар давомида шаклланган саломлашиш фазилатларини кўриб ўтдик. «Одобнинг аввали саломдир», дейди доно халқимиз. Шунинг учун бўлса керак жамиятимизда муомала маданиятининг таркибий қисми доимо салом билан бошланади. «Каломдан олдин салом (аввал салом, бадъаз калом)» иборасининг эл орасида машҳурлиги ва унга амал қилиниши ҳам шундандир. Қуръоннинг «Нур» сурасида марҳамат қилинадики: «Эй имон келтирганлар! Ўз уйлариңгиздан ўзга уйларга то изн сўрамағуниңгизча ва эгаларига салом бермағуниңгизча кирмангиз! Мана шу сизлар учун яхшидир. Зора, (бу гапдан) эслатма олсангизлар». «Агар бир киши жамоат олдидан ўтса ва жамоатга салом берса, аммо ҳеч ким жавоб қайтармаса, бу жамоатдан Аллоҳнинг раҳмати кўтарилади ва ҳаммаларининг муқаддас руҳлари нопок бўлиб қолади». Мазкур оятларда саломнинг аҳамияти таъкидланиб, кишиларнинг саломга жавоб бермасликлари номаи аъмолларига¹ бир гуноҳнинг ёзилиши сабаб бўлиши уқтирилади. Демак, алик олмаслик гуноҳ иш ҳисобланади.

Юқоридагилар билан бир қаторда айрим ҳолларда салом бериш лозим эмаслигини ҳам унутмаслик лозим. Хусусан, жума куни хутбаси, азон ва такбир айтилаётганда, Қуръон ўқилаётганда, ҳадис айтилаётганда, илмий мунозара вақтида, мажлис ва дарс ўтилаётган вақтда, ҳаммомда, таҳоратхонада салом бериш дуруст эмас.

Кўриниб турибдики, салом фақат инсон манфаатига, кишилар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат қарор топишига хизмат қилар экан. Демак, «Салом» - тинчлик, осойишталик, сиҳат-саломатлик» сўзи инсонларнинг ҳам дилида, ҳам тилида бўлиши зарур.

¹ Номаи аъмолларига - (қилинган) ишларни сарҳисоб китоби.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Қандай инсон одобли ҳисобланади?
2. Ҳадисларда ҳулқлари яхши бўлганларга қандай мукофот ваъда қилингани ҳақида биласизми?
3. Саломлашиш одоби ҳақида нималарни биласиз?
4. Нима учун салом беришга даъват қилинади?

МАВЗУ: ОИЛА – МУҚАДДАС ДАРГОҲ

1. Ота-онага ҳурмат масаласи.
2. Ака-ука, опа-сингилларга муносабат.
3. Қариси бор уйнинг – париси бор.
4. Дастурхон атрофида ўтириш одоби.
5. Кийиниш одоби.

Калит сўзлар: оила, аждод, авлод, тарбия ўчоғи, иззат ва ҳурмат, ота-она ризоси, қариндошлик алоқаси, кексаларни ардоқлаш, кийиниш одоби.

Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас даргоҳ, насл давомчилари бўлган янги авлод тарбия қилинадиган асосий тарбия ўчоғи, деб билади. Фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни катта экани халқимизнинг «Қуш уясида кўрганини қилади» деган ҳикматида ҳам ўз ифодасини топган.

Аввало оила, фарзанд, аҳлу аёллар буюк омонат экани, уларни турли ноўрин ва нотўғри хатти-ҳаракатлардан сақлаш, ақл-заковатли, ор-номусли қилиб тарбиялаш оила раҳбарларининг масъулиятидир. Бу масъулиятнинг нақадар улуғлиги ҳақида Муҳаммад (с.а.в.): «Сизларнинг ҳар бирингиз раҳбарсиз ва ҳар бир раҳбар ўз қўл остидагиларга масъулдир», деганлар.

Оилани муқаддас билиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Зеро, оила муҳити қанчалик мусаффо бўлса, унда тарбия топган фарзандлар ҳам шунчалик пок ва беғубор бўладилар. Оилаларимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурса, жамият тинч бўлади. Давлатимизда халқни, инсонларни рози қилиш асосий

тамойиллардан бири бўлиб келмоқда. Оилаларга катта эътибор қаратилмоқда. Яшаш шароитлари ўрганилиб, зарур ҳолларда турли шаклда ёрдам кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев - «Энг катта бахт, мен буни минг марта қайтаришдан чарчамайман, оиламиз тинч бўлсин! Оила – кичик ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, ватан тинч бўлади. Ўша бахтли кунларни, ватанимизнинг, ёшларимизнинг камолини ҳозир ният қилаётганимиз каби кўриш ҳаммамизга насиб этсин!», – дея таъкидлаган.

Ота-онага ҳурмат. Оила ҳақида гапирганда, унинг абадийлиги, авлодлар давомийлиги ва тарбияси, муқаддас урф-одат ва анъаналарнинг сақланиши ва келажак наслларга етказилишида «муқаддас даргоҳ»нинг устунлари - ота ва онанинг ўрни бекиёс.

«Қобуснома»да ривоят қилинадики, «Эй фарзанд, билғилким, ақл юзасидан фарзандга ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдур, нединким унинг асли ота ва онадур. Ота ва онани нима учун ҳурмат қилурман деб кўнглингга келтурмағил, билғилки, улар сенинг учун ўлимга ҳам тайёр турадурлар».

Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом ота-онани ҳурматлашни, уларга эҳтиром, меҳр кўрсатишни қайта-қайта уқтирганлар. Жаннатга кираман деган одам онанинг ризолигини олади. «Жаннат оналар оёғи остидадир» ҳадисида ана шу ҳолат ўз ифодасини топган:

«Оналар оёғи остидадур равзаи жаннати жинон¹ боғи.

Жаннат боғин истар эрсанг, бўл онанинг оёғи тупроғи».

Алишер Навоий

Айни пайтда отага нисбатан ҳурмат-эътибор ҳам юксак фазилат ҳисобланади. Зеро, отага итоат қилмоқ, Аллоҳга итоат қилмоқлик, отани норози қилиш, Аллоҳни норози қилиш билан баробар ҳисобланади. Алломалар: «Отага муҳаббатингни сақла, агар сен отага бўлган муҳаббатингни йўқотсанг, Аллоҳ сени ҳар турли файзлардан маҳрум қилур», деб таълим беришади.

Имом ал-Бухорий ҳадиси шарифда: «Ота-оналарининг кексалик вақтида ҳар иккиси ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор

¹ Равзаи жаннати жинон – «жаннат боғларидан бири» маъносида.

бўлсин ва яна хор бўлсин!» деб таъкидлаганлар. Кимки ота-онасининг розилигини олган бўлса, Аллоҳ унинг умрини узайтиради.

Ривоятларга кўра, жаноби Расулуллоҳ: «Одам қиладиган гуноҳи азимлардан бири – ота-онасини ҳақорат қилмоқликдир!» деганлар.

Фарқад ас-Санжий айтдилар: «Баъзи китобларда ўқидимки, боланинг ота-она ҳузурида изнсиз гапирмоқлиги, олдилари ва икки ёнларида юрмоқлиги мақбул эмасдир».

Пайғамбар ҳузурларига бир саҳоба¹ келиб сўрабдилар: «Эй Расулуллоҳ, менинг касалманд онам бор, уни ўзим овқатлантираман, сув ичираман, таҳорат қилдириб қўяман, орқамда опичлаб юраман. Шу ишим билан онамнинг менга қилган хизматлари ҳаққини тўла адо этибманми»? «Йўқ, юздан бирини адо этибсан, холос. Аммо яхши иш қилибсан. Аллоҳ ўзи шу оз ишингга кўп савоблар беради», – дебдилар Расулуллоҳ.

Ота-онанинг фарзанд зиммасида қуйидаги ҳақлари бор:

- агар овқатга муҳтож бўлишса, овқатлантириш;
- кийимга муҳтож бўлишса, кийинтириш;
- хизматга муҳтож бўлишса, хизматларини қилиш;
- чақиришса «лаббай» деб ҳозир бўлиш;
- гуноҳ ишлардан бошқасига буюришса итоат этиш;
- қўполлик қилмай, мулойим гаплашиш;
- уларнинг исмларини атаб чақирмаслик;
- олдинга ўтиб кетмай, ортларида юриш;
- ўзи ёмон кўрган нарсани уларга раво кўрмаслик;
- яхши кўрган нарсасини илиниш.
- Аллоҳдан ўзи учун қандай мағфират тиласа, уларнинг ҳам гуноҳларини кечишни сўраш ва бошқалар.

Юқорида келтирилган оятлар, ҳадислар ва ровийлар ривоятлари ота-оналарнинг ҳаётлик вақтларида розиликларини олиб, ҳурмат-эътиборларини ўрнига қўйишлик ва ҳаётдан кўз юмганидан сўнг фақат яхши сўзлар билан эслашликка даъват қилади.

¹ Саҳоба – Пайғамбарнинг замондоши ва издоши.

Ота-онага меҳр-мурувват кўрсатиш зарурлиги улуғ ёзувчию шоирларимиз асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Навоий ҳазратларининг:

Бошни фидо айла ота қошига,

Жисмни қил садқа она бошига.

Тун кунунга айлагали нур фош,

Бирисин ой англа, бирисин қуёш, – деган сатрлари ҳам бунинг тасдиғидир.

Айтилган ўғитларни азиз фарзандлар қалбларига жо қилсалар ва муҳтарам ота-оналарини ардоқлашлари зарурлигини қанчалик чуқур англасалар ҳамда ўз ҳаётий қоидаларига айлантирсалар, улар ҳам ёшлари улғайганда иззат-икромда азизу мукаррам бўладилар.

Ака-ука, опа-сингилларга муносабат. Фарзандларни ёшликларида катталарга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, кичикларга нисбатан иззат-икром руҳида тарбиялаш асл миллий қадриятларимиздан ҳисобланади. Бунда ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасидаги муносабат муҳим аҳамиятга эга. Аввало, оилада тўнғич фарзанд ўзидан кейинги укалари ва сингилларига ибрат бўлиши зарур. Зеро, ёшлигидан бир-бирига меҳр-шафқатли бўлиб тарбияланган болалар, улғайган пайтларида ҳам бир-бирига ёрдам берувчи ва меҳрибон бўлади.

Ака-ука ва опа-сингиллар ўзаро инок бўлишлари, қариндошлик ришталарини мустаҳкам боғлашлари, мусибатларига ҳамдард бўлиб, шодликларига шерик бўлишлари зарур. Аммо уй-жой, мол-дунё талашиб, арзимас нарса учун бир-бирлари билан аразлашиш, борди-келдини узиш, ҳатто юз кўрмас бўлиб кетиш инсонийликка тўғри келмайди.

Ҳадисда шундай дейилган: «Қариндошларидан алоқасини узган киши жаннатга кирмайди». Ривоят қиладиларки: «Ким ризқи кенг, умри узоқ бўлишини истаса, яхши кўрса, қариндошлари билан алоқасини боғласин».

Лекин ҳаётда баъзан бунинг аксини кўрамиз. Шундай ака-укалар борки, улар ўртасидаги муносабат душман кишилар ўртасидагидан ҳам баттарроқ бўлади. Айбу нуқсондан холи бўлмаган бегона кишилар билан яхши алоқада бўладилару, озгина камчилиги туфайли ўз туғишган ака-укалари, опа-

сингиллари билан асло чиқиша олмай, етти ёт бегоналардек муносабатда бўладиганлар ҳам топилади. Бундай хислатлардан йироқ бўлиш, бир-биримизга имкон қадар яхшилик қилиб, очик кўнгилли, ширин сўзли бўлишимиз эса юксак инсоний фазилатлардандир.

Қариси бор уйнинг – париси бор. Одатда, қарияси бор хонадонни файзли оила, уйида кекса онаси ва отаси борни энг бадавлат киши дейишади. Халқимизнинг «Қариси бор уйнинг – париси бор» деган ҳикматли сўзларида бу ўзининг қисқа ва лўнда ифодасини топган дейиш мумкин.

Ислон дини ҳам қарияларни ҳурмат қилишга, уларнинг иззат-икромини ўрнига қўйишга буюради. Қуръони Каримда кексалик ёшига етган ота-оналаримизга қандай муомалада бўлишимиз кераклиги ҳақида шундай дейилган: «Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй инсон,) агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф!..» дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт. Улар (ота-она) учун меҳрибонлик, хорлик қанотини паст тут, ҳокисор бўл, Парвардигорим мени (улар) гўдаклик чоғимдан тарбиялаб ўстирганларидек, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қил» деб айт!»

Бу иборада Аллоҳ қарилик чоғларида ота-онага яхши муомалада бўлишни Ўзига ибодат қилишдан кейинги ўринга қўяди. Ҳадиси шарифда «Ким гўдак-ёшларимизга раҳм-шафқат қилмаса, ёши кекса қарияларимизни иззат-икром қилмаса, у биздан эмас» дейилган.

Ота-онамиз бизни гўдаклик пайтимиздан эзгу орзу-ҳаваслар билан боқиб катта қилишади. Улар кексайиб, гўдакдек ожиз, ёрдамга муҳтож бўлиб қолган пайтларида эса хизматларини қилиб, дуоларини олиб қолсак, ҳаётда бахтли яшаб, Яратгanning марҳаматига эришган бўламиз.

Дастурхон атрофида ўтириш одоби. Танаввул қилинажак нарсалар ҳалол ва пок бўлиши, овқат лаззатланиш учун эмас, балки озуқа олиш учун истеъмол қилиниши зарур.

Дастурхон атрофида ўтириб таом емоқ ва сув ичмоқнинг ҳам ўзига хос одоблари, тартиб-қоидалари бор. Бу хусусда Қуръони каримда: «Енглари, ичинглари, аммо исроф қилманглари», дейилган.

Овқатланиш тартиб-қоидалари ҳақида ҳадислар мавжуд:

«Ҳар бир инсон овқатланишдан олдин қўлини ювмоқлиги мустаҳабдир, яъни яхши одатдир. Бу нарсa овқатнинг баракасига сабаб бўлади».

«Таомни совутиброқ енглар, иссиқ-қайноқ таомда барака бўлмайди».

Овқатни пуфламай, хўриллатмай, устида нафас олмай ейиш лозим. Таом ейишнинг ҳам алоҳида суннатлари бор: еб-ичишни Аллоҳнинг исми билан – «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм» деб бошлаш, ўнг қўлда ейиш, таомни ўз олдидан ейиш, дастурхонга тўкилган ушоқ ва бошқа нарсаларни териб ейиш, қорни тўйгандан кейин «Алҳамдулиллаҳ» деб Аллоҳга ҳамд¹ айтиш шулар жумласидандир. Қуръони каримда: «Агар сизлар берилган неъматга шуқр келтирсангизлар, Мен сизларга неъматимни зиёда қиламан», – дейилади.

Сув, чой ва бошқа ичимликларни ичишнинг ҳам ўзига яраша тартиботлари бор. Сувни уч бор нафас олиб, бўлиб-бўлиб, ўтирган ҳолда ичиш тавсия қилинган.

Сув ичиладиган идишларнинг лаби учмаган, дарз кетмаган ёки синмаган бўлиши зарур. Чунки ундай ерга инсон соғлиги учун зарарли микроблар тўпланади.

Ривоят қилишларича, Муҳаммад пайғамбар таомни аксарият ҳолларда уч бармоқлари – бош, ишорат ва ўрта бармоқлари ёрдамида ердилар. Икки бармоқда таом ейиш такаббурлик аломатидир.

Шунингдек, икки киши бирга овқатланганда, бири иккинчисидан берухсат дастурхондаги таом ёки мевалардан иккитадан олиб ейиши беодоблик саналади.

Овқатланиш хусусидаги ҳадислардан намуналар:

– Таом сузилган идишнинг атрофидан енглар, ўртасидан еманглар, зеро ўртасига барака ёғилиб туради.

– Одам танасида ошқозондан ёмонроқ идиш йўқдир. Инсон бир неча ошам овқат билан кифояланади. Агар зарурат бўлса, қорнининг учдан бир қисмини овқатга, яна учдан бир қисмини сувга, қолган учдан бир қисмини нафас олишга ажратсин.

¹ Ҳамд - мақтов.

– Дастурхонга тўкилган ушоқ ва таомларни териб еган одамнинг гуноҳлари тўкилади.

– Устида кўп қўл бўлган таом Аллоҳ хузуридаги овқатларнинг энг маҳбубидир.

Одоб қоидаларига кўра, овқат тез ейилмайди, оғизга кетмакет лукма ташланмайди, катта-катта қилиб, чайнамай ютиш одобсизликка киради. Ёнида ўтирган кишининг овқат ейишига назар ташлаш ҳам мақбул эмас.

Овқатланиш чоғида нонга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уни исроф ва увол қилмаслик зарур. Нон устига бошқа емаклар қўйилмайди, нон икки қўллаб ушатилади, оғизга лойиқ қилиб синдириб ейилади.

Овқатланиб бўлингач, дастурхонга дуо ўқиб, берган неъматлари учун Аллоҳ таолога шукр айтиб, турилади.

Меъёрида овқатланиш ҳам одобга киради. Сархил овқатлар, кўноқ-зиёфатларга ўчлик одамни ялқов қилиб кўяди, соғлиққа салбий таъсир қилади. Ҳатто Муҳаммад пайғамбарнинг хонадонларида ҳам овқат ҳамиша бўлавермаган. Ислоннинг илк даврида мусулмонлар ғоят қаноатли бўлишган. Ривоят қилишларича: «Муҳаммад хонадонидагилар Мадинага келганларидан то ул зот вафот қилгунларига қадар ҳам лоақал уч кеча тўйиб буғдой таоми ейишмаган. Расулulloҳ хонадонидагилар бир кунда икки маҳал таом емагандирлар, еган бўлсалар ҳам унинг бири хурмо бўлар эди».

Кайковус «Қобуснома»сида: «Пурхўр ва камхўр – ҳамма бирдек тўйсинлар. Агар сенинг олдиндаги табақ ичида бир мазалиғ нарса бўлса, мазкур таомдин ўзгаларга ҳам насиб берғил. Таом устида турушрўй бўлмағил ва таомнинг фалони яхши, фалони ёмон демағилки, бу сўзлар таом устида яхши эрмасдур», – деб маслаҳат берган.

Демак, дастурхон атрофида ўтириш, еб-ичишда одобли, интизомли ҳамда бориға қаноат қилиб сабр-тоқатли бўлмоқлик ижобий фазилатлардандир.

Кийиниш одоби. Дид билан кийиниш ҳам инсоний фазилатлардан биридир. Шунинг учун унга алоҳида эътибор билан қаралади. Кийим энг аввал сатри аврат (инсоннинг уят жойларини беркитиш) учун хизмат қилади. Асосан, юнгдан ва

пахтадан ишланган кийимлар кийиш, кияётганда аввал ўнг қўл ва ўнг оёқдан, ечаётганда чапидан бошлаш зарур. Кийим бир-икки силкитиб-қоқилиб кийилса дуруст. Ечилганда эса, дуч келган жойга ташланмайди ёки очик-сочик илиб қўйилмайди. Тугиб ёки жавонга тахлаб қўйиш маъқулроқ. Кир либосларни ювиб кийиш лозим.

Икки ҳайитда янги, яхши либос кийиш тавсия қилинган. Яна имконияти бор одам ҳамиша йиртиқ ва эски либос кийиши номаъқул саналади. Кибру ҳаводан далолат берадиган ёки ҳаддан ташқари беҳаё кийимларни кийиш ҳам яхши эмас.

Кийиниш ҳақидаги ҳадисларда шундай дейилади:

– Либосларни чиройли кийинглар, от-уловларингизни яроқли тутинглар. Юздаги холдек одамларга намуна бўлинглар.

– Оддий кийим кийиш ҳам имондандир.

– Тангри аёлларнинг кийимини киядиган эркакларни ва эркакларнинг кийимини киядиган аёлларни лаънатлайди.

Мир Алишер Навоий «Маҳбубул-қулуб»да шундай ёзадилар: «Эркакларнинг ўзини кўз-кўз қилиш учун ясаниши хотинларнинг оройиш учун безанишлари кабидир. Аммо бу каби безанмоқ ҳар иккаласи учун номуносиб, хусусан эркаклар учун кўпроқ шармандалиқдир».

Либос кийишда бирор қавмга тақлид қилиш номаъқул. Негаки, қалб ҳам ўша қавмга мойил бўлиб қоларкан. Кишининг ҳақ ёки залолат йўлидан кетиши унинг қалбига боғлиқ бўлади. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи вассаллам: “Ким бошқа қавмга тақлид қилса, у ўша қавмдандир”, – дедилар. Яъни инсон тақлид қилиши билан ўзга қавмдан бўлиб қолишлигини таъкидламоқдалар.

Инсонлар одоб доирасида кийинишлари, тоза, хушбичим, шарм-ҳаёли либосларни кийишлари, бошқаларга ўрнак бўлишлари керак.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Оила муҳитига қандай жиҳатлар ижобий ва салбий таъсир кўрсатади?

2. Оила аъзолари бир-бирларига қандай муносабатда бўлишлари зарур?

3. Ёшлар ва катталарга муносабат ҳақидаги қайси ҳадисларни биласиз?

4. Овқатланиш маданияти деганда нимани тушунасиз?

5. Овқатланиш тартиб-қоидалари ҳақида қандай ҳадис ва ўғитлар биласиз?

6. Ўзбекона кийиниш маданиятининг қандай талаблари бор?

МАВЗУ: ОНА ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

1. Ўзбекистон – Ватаним маним.

2. Ватан ҳимоячилари.

3. Ватанимиз зиёратгоҳлари.

Калит сўзлар: ватан, оила, жамият, ҳалқ, ватанга муҳаббат, садоқат, олийжаноблик, ватан ҳимояси, юрт тинчлиги, ватан олдидаги бурч, элга хизмат, зиётаргоҳ.

Ватан меҳри деганда, аввало, инсоннинг ўз оиласига, уйига, маҳалласига, туғилиб ўсган юртига меҳр-муҳаббат қўйиши тушунилади. Киши ўзида юқоридаги фазилатларни мужассам қилса, ундан ҳеч қачон хоин чиқмайди. Ватанга муҳаббат юксак инсоний фазилатлардан экани кўп зикр этилган. Масалан, «Ватанни севмоқ иймондандир» дейилган ҳикматни эсга олиш кифоя.

Машҳур шоир ва шоҳ Бобур ўз юртидан узоқларга кетишга мажбур бўлганда, ўзининг азиз ва муқаддас диёрини эслаб шеърлар ўқирди. Бу ҳам ҳар бир инсоннинг қалбида Ватанига, туғилиб ўсган диёрига муҳаббатли бўлиши табиий эканини, ушбу буюк неъматнинг қадрини ундан айрилганлар яхшироқ тушунишини билдиради. Аммо бу, Ватанни севиш, унинг қадрига етиш учун албатта, мусофир бўлиш керак экан-да, деган маънони англатмайди.

Халқимизда «Ватан остонадан бошланади» деган нақл ҳам мавжуд. Демак, инсон оиласини, уйини сева олса, у Ватанини ҳам севади, остонасини ҳимоя қилса, Ватанини ҳам ҳимоя қилади. Шу зайлда ўз халқи, Ватанига меҳр-муҳаббат уйғонади ва унинг йўлида фидокорлик шаклланади. Буюк шоиримиз Алишер Навоий бу маънода:

*«Одамий эрсанг демагил одамий,
Ониким йўқ халқ ғамидан ғами», яъни сен одам бўлсанг,
халқнинг ғам-ташвиши билан иши йўқ кишини одам дема, деб
уктирганлар.*

Аждодларимизда ватанга меҳр беқиёс бўлган. Абдулла Авланийнинг қуйидаги мисралари бунинг ёрқин далилидир:

Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон,

Манга на ғам, қолур авлодима ўю ватаним.

Ғубора дўнса ғамим йўқ вужуд зери ваҳм,

Чораки, ўз ватаним хокидур гўру кафаним.

Ўзбекистон – Ватаним маним. Болалигимиздан эсимизда қолган масалда бойқушдан «сен ўзинг харобада яшайсану, лекин нега бойқуш дейишади», деб сурайдилар. У «ўша хароба менинг ватаним бўлади, шунинг учун мен бойман», деб жавоб берганини эслаймиз.

«Ватан – бу инсоннинг туғилиб ўсган ери, унинг гўдаклик чоғидан меҳр қўйган ўчоғи, гўдаклик чоғиданок қалбида унга муҳаббат пайдо бўлган муқаддас бир макондир»,¹ дея таърифлаган эди Ибн Халдун.

Ватан шундай муқаддас гўшаки, инсон унинг ривожини учун қўлидан келганча ҳисса қўшиши, унинг ҳимояси учун, керак бўлса, жонини фидо қилиши лозимдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, «Ўз Ватанини, она халқини равақ топтириш учун ўзини аямасдан меҳнат қилиш, бу – жасорат ва мардлик, бу – она юртга муҳаббат ва садоқат, бу – тўғри тарбия ва амалий намуна демакдир».²

Ахлоқий поклик, ҳолатбарорлик ғояларини тарғиб этиб, илму маърифат ривожига муносиб ҳисса қўшган ва шу йўлда Ватан тараққиёти учун хизмат қилган Шайх Нажмиддин Кубронинг мўғул босқинчиларига қарши курашиб, юрт озодлиги йўлида жон фидо қилгани ҳам, она Ватан олдидаги фарзандлик бурчининг нақадар муқаддаслигини кўрсатади.

¹

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан. –Т.: 2019.

Бизнинг гўзал Ўзбекистонимиз, жаннатмонанд диёримиз, бизга берилган энг буюк неъмат бўлиш билан бирга буюк омонат ҳамдир. Биз уни авайлаб-асрашимиз, бу улуг неъматнинг қадрига етишимиз ва уни турли оқимлар, нияти ғаразли кишиларнинг фитна-бузғунчилигидан ҳимоя қилишимиз лозим.

Ватанга бўлган беқиёс меҳр аجدодларимиз назмида ҳам ўз ифодасини топган. Абдулла Авланийнинг қуйидаги мисралари бунинг ёрқин далилидир:

*Ўтар кунлар, ўтар замон,
Эй Ватаним, бўлма ҳижрон!
Мен кетсам-да, сен бўл омон,
Омон – Ватан, Ватан – омон!*

Демак, биз ҳам Ватанимиз Ўзбекистонни севиш билан бирга унинг ривожига учун ҳаракат қилмоғимиз, бор куч-ғайратимиз, илм-заковатимизни диёримизнинг гуллаб-яшнашига бахшида этмоғимиз зарур. Ана шундагина, Биринчи Президентимиз сўзлари билан айтганда, келажак авлодга биздан озод ва обод Ватан мерос бўлиб қолади.

Ватан ҳимоячилари. Ҳар қандай кишининг олдидаги энг улуг, энг муқаддас вазифалардан бири, бу ўзи туғилиб ўсган азиз ватанини ҳимоя қилишдир. Ватан ҳимояси, аввало, киши ўзини, оиласини, уйини ҳимоя қилишидан бошланади. Чунки оила шу Ватаннинг бир бўлагидир. Ватан ҳимояси йўлида ухламасдан пойлоқчилик қилган кўз эгасини дўзах оташи ҳам куйдирмайди.

Халқимиз ҳам бу маънони ифодалаб, «Мардлар кўриқлайди Ватанни», «Эл бошига иш тушгани, эр бошига иш тушгани» дейиши бежиз эмас.

Бугунги кунда «Ўз уйингни ўзинг асра!» деган иборани тез-тез ишлатамиз. Юртимиздаги тинчлик, барқарорликни кўролмайдиган, турли ғаразли ниятларни кўзлаб ҳаракат қилаётган кучлар мавжуд бир пайтда огоҳ ва сергак бўлишга чақирувчи бу сўзларда ҳар биримизнинг Ватан, Юрт тақдирига дахлдорлигимиз ўз ифодасини топган.

Хулоса шуки, инсон фақат ўзини ўйламаслиги ёки мен ўзимни ҳимоя қила олсам бўлди, демаслиги керак. Чунки, жамият тинчлиги бу муайян шахснинг ҳам тинчлиги демакдир.

Ватан ҳимояси йўлида маълум муддатга ҳарбий хизматга чақирилганда Ватаннинг чин ўғлони «Лаббай!» деб йўлга отланади. Мард киши бундай муқаддас бурчни адо этишдан узрсиз бош тортмайди, балки бу каби фурсатни ғанимат билиб, чин юракдан ватанпарварлик туйғуси билан хизмат қилади. Зеро, ватанпарварлик сўз билан эмас, иш билан исбот қилинади.

Ватанимиз зиёратгоҳлари. «Зиёрат» деганда аввало эътибор, меҳр-мурувват кўрсатиш лозим бўлган кишиларни ва диққатга сазовор жойларни бориб кўриш тушунилади.

Пайғамбаримиз беморлар, кекса кишилар ва олимларни зиёрат қилишга буюрганлари каби, қабрларни ҳам зиёрат қилишга буюрганлар: «Қабрларни зиёрат қилинглари, зеро у сизларга охиратни эслатади». Демак, зиёратдан асосий мақсад қабрда ётган кишини хурсанд қилиб қўйиш ёки улардан мадад сўраш эмас, балки охиратни эсга олиш экан.

Ватанимизда буюк олимлар, фозиллар ва бошқа табаррук зотларнинг қабрлари мавжуд бўлиб, уларни ҳам юқоридаги мақсадда зиёрат қилиб туриш фазилатли амалдир.

Ватанимиз зиёратгоҳларидан, Самарқанддаги буюк муҳаддис¹ олим Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий мақбараси, Бухородаги улуғ тариқат олими Баҳоуддин Нақшбанд қабри, Самарқанддаги буюк саркарда Амир Темур мақбараси, Тошкентдаги Шаҳидлар хотираси хиёбони ва музейи, Шайх Қаффол Шоший, Шайх Зайниддин, Шайх Хованд Тахур (Шайхонтахур), Занги ота каби дунё тарихидан муносиб ўрин олган алломаларимиз қабрларини зиёрат қилиш, улар босиб ўтган ҳаёт йўлларини ўрганиш, Ватан, миллат манфаати, маданияти, маърифати ривожини йўлида қилган хайрли ишларидан ўрнак олиш улуғ фазилатдир. Зеро, ўтмишини унутмаган халқнинг келажаги порлоқ бўлади.

Азиз-авлиёлар қабрини зиёрат қилишда улардан мадад сўралмайди. Шунингдек, фарзанд ато қилишлари ёки ҳожатларини раво этишлари ҳам сўралмайди, балки дуои хайрлар қилиб, бизнинг авлодларимиздан ҳам улардек азиз инсонлар чиқсин, деб ният қилиб қайтилади.

¹ Муҳаддис – ҳадисларни жамловчи инсон.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ватан – бу нима?
2. «Ўз уйингни ўзинг асра!» шиорини қандай тушунаси?
3. Юртимиздаги муқаддас қадамжолардан қайсиларини биласиз?
4. Зиёрат қилиш одобига нималарни киритиш мумкин?

МАВЗУ: ЯХШИ ВА ЁМОН ОДАТЛАР

1. Ростгўйлик, камтаринлик – яхши фазилат
2. Ёлғончилик, чақимчилик – ёмон иллат
3. Меҳнатдадир кўп ҳикмат.
4. Саломатлик – туман бойлик.

Калит сўзлар: одат, яхши одат, ростгўйлик, камтаринлик, ўзаро муҳаббат, дўқтлик, ҳамжиҳатлик, фазилат, ёмон оодат, ёлғончилик, чақимчилик, иллат, меҳнат, ҳалоллик, касб-ҳунар, соғлом турмуш тарзи.

Ростгўйлик, камтаринлик – яхши фазилат. Ростгўйлик инсонлар орасида муҳаббат ва дўстликни зиёда этиб, жамиятдаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган амаллардандир. Ростгўйлик кишининг юзини ёруғ, қалбини пок, тилини бурро қилади, ёлғончилик бунинг акси бўлиб, одамни уятга қўяди.

Рост сўзлаган киши ҳеч қачон бировнинг олдида юзи қаро, тили қисик бўлмайди. Шунинг учун ҳам доно халқимиз «Бошингга қилич келса ҳам ёлғон гапирма» дейди.

Ривоят қилинишича, бир йигитнинг онаси бошқа юртга кетаётган ўғлининг чопонига 40 тилла танга тикиб қўйибди ва унга ҳар қандай шароитда ҳам ёлғон гапирмасликни тайинлабди. Ўғил онага сўз бериб, карвон билан йўлга чиқибди. Йўлда карвонни қароқчилар тўсиб, уни талон-тарож қилибдилар. Сўнгра карвон аҳлидан яна нималари борлигини сўрабдилар. Бола ёнида 40 тилла тангаси борлигини айтибди. Устидаги жулдур кийимига қараб қароқчилар бола ёлғон гапираяпти деб ўйлаб, болани бошлиқлари олдида олиб боришибди. Бошлиқ текширса, ростдан ҳам боланинг

ёнидан 40 тилла танга чиқибди. «Ўзинг камбағал экансан, сенда тилла борлигини ҳеч ким билмасди, нега айтдинг?» – сўрабди бошлиқ. «Онамга ёлғон гапирмасликка сўз берганман», дебди бола. «Шу кичик бола онасига берган сўзига вафо қилиб, ёлғон гапирмаяпти, мен Аллоҳнинг олдида нима деган одам бўламан», деб тавба қилиб, қароқчилар бошлиғи ўз ишидан пушаймон бўлибди. Карвондан олган ҳамма нарсаларини қайтарибди. Битта кичик боланинг ростгўйлиги боис бутун карвон омон қолибди, қанча қароқчилар инсофга кирибди.

Пайғамбаримиз айтадилар: «Ростгўйликни ўзингизга лозим тутинг, чунки ростгўйлик эзгуликка чорлайди, эзгулик эса жаннатга элтади, киши рост гапиришда бардавом бўлар экан, у Аллоҳнинг ҳузурида ростгўй деб ёзилади. Ёлғондан сақланинглар, чунки ёлғон гуноҳ ишга чорлайди. Гуноҳ эса дўзахга элтади, киши ёлғон гапиришда бардавом бўлса, у Аллоҳ олдида каззоб¹ деб ёзилади».

Демак, ростгўйлик, камтаринлик гуноҳ ишлардан қайтариб, ҳидоятга чорлар, имонли, софдил инсонлар бўлишимизга замин яратар экан.

Ёлғончилик, чақимчилик – ёмон иллат. Асрлар мобайнида ота-боболаримиз қонига сингиб кетган таълимот инсонларни яхши хулқ ва ахлоқни эгаллашга тарғиб қилиб, разил ва тубан феълу атворлардан узоқ бўлишга чақиради. Шундай фазилатлардан бири ростгўйлик саналса, унинг зидди бўлган ёлғончилик ёмон, разил иллатлардан саналади.

Абдулла Авлоний ёлғончилик ҳақида фикр билдириб: «Кизб деб ёлғон сўзни айтилар. Ёлғончи кишилар каззоб дейилур. Қуръони каримда: «Кизбни иймони йўқ кишилар сўйларлар» дейилган. Пайғамбаримиз: «Ал каззобу ла уммати» – ёлғончи менинг умматимдан эмасдур», деганлар. Оқил ва диёнатлик кишиларга ёлғон сўзлардан тилларини сақламак ила баробар, авлодларини ёлғонга одат қилдурмасдан тарбия қилмаклари энг муқаддас вазифайи инсониялардандур» дея насиҳат берганлар.

Пайғамбаримиз шундай деганлар:

«Дарҳақиқат, ёлғончилик, алдамчилик фақат ёмонликка, бузғунчиликка, фиску фужурга олиб боради. Оқибати танг ва

¹ Каззоб – ёлғончи.

машаққат бўлган йўлга бошлайди. Ва ҳақиқатан ҳам бузғунчилик, фисқу фужур, фасод инсонни дўзах оташи(олови)га, жаҳаннамга етаклайди. Инсон ўзи ёлғончиликни ихтиёр қилади, ёлғон гапиради, одамлар орасида ёлғончи деган ном топади».

«Агар тўғри сўзда, рости ҳақиқатда ҳалоқатни кўрсангиз ҳам ростни, тўғриси яхшиликни ихтиёр қилинг. Чунки нажот фақат ростгўйликдир ва зинҳор ёлғонни, кўзбўямачиликни ихтиёр қилмангиз, гарчи унда нажот топишни кўраётган бўлсангиз ҳам, чунки аслида, ёлғончиликда бу дунё ва охираат ҳалоқати ва заволи бор».

Қадимги битикларда шундай маълумотларни учратиш мумкин: Темур муҳрининг устида учта ҳалқанинг шакли бор. Бундаги ёзув эса "рости ва рости" сўздан иборатдир. Маъноси: «тўғри бўлсанг нажот кўрурсан».

Демак, тўғрисўзлик, ростгўйлик, ҳақиқатпарварлик барча яхшиликларнинг асоси ва пойдевори экан. Бундай фазилатларга эга киши албатта яхши ном қозониб, кўп имтиёзларга ноил бўларкан. Аммо ёлғончилик, кўзбўямачилик барча пасткашлик ва разиллик, тубанликларнинг асоси, пойдевори экан, буни ўзига одат қилган киши икки оламда хор, шарманда, уятлик ва пушаймон чекувчи бўлиб қолади. Бундай ёмон хулқу атворни душманларимизга ҳам тиламаганимиз ҳолда ўзимизга ҳам зинҳор лойиқ кўрмаслигимиз керак. Зеро, Саъдий Шерозий таъкидлаганларидек:

Ёлғон бевиқор қилур одамни,

Ёлғон шармисор қилур одамни.

Меҳнатдир кўп ҳикмат. Инсон азал-азалдан ўз ҳаётини чиройли ва фаровон қилиш, бахтли бўлиш учун ҳаракат қилиб келган. Бу жараёнда меҳнатнинг ўрни беқиёсдир. Халқимизнинг «Меҳнатнинг таги роҳат» дейишида ҳам ана шундай ҳикмат яширинган.

Дин ҳам инсонни ишсизликка ўрганиб қолмаслиги, доимо ҳаракатда бўлиши, меҳнат қилиши лозимлигини уқтиради. Қуръони Каримда эркак ва аёллар ўзлари касб қилиб топган нарсаларида ўзларига улуш бўлиши баён қилинади: «Эркаклар ўз меҳнатларидан насиба олурлар, аёллар ҳам ўз меҳнатларидан насиба олурлар. Сизлар (бировларга берилган неъматларга кўз

олайтириш ўрнига) Аллоҳнинг фазлу марҳаматини сўранглар. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчи зотдир».

Ислом динида кишининг меҳнат қилмай «олма пиш, оғзимга туш» деб ўтириши гуноҳ саналиб, ҳеч бўлмаганда тоғдан ўтин териб келиб, уни сотиш билан кун кўришга ундалади. «Ҳеч ким ўз қўл меҳнатида еган таоми каби яхши таом емаган» дейилади ҳадисларнинг бирида.

Шу билан бирга, инсон ўз меҳнати билан топадиган мол-дунёсининг ҳалол бўлишига ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳадисда марҳамат қилинганидек: «Ҳалол ризқ қидириш (талаб қилиш) фарздир».

Меҳнат қилганда ҳам виждонан, ҳалол меҳнат қилиш лозим. Ҳар қандай касб, ҳунар, иш ихлос, эътиқод ва яхши ният билан қилингандagina кишига бахт келтиради.

Саломатлик – туман бойлик. Инсон ўзини турли туман офат-балолар, ҳар хил касалликлардан сақлаши, муҳофаза қилиши зарур амаллардан бири ҳисобланади. Набий (алайҳиссалом) айтганларидек: “Икки буюк неъмат борки, кўп одамлар улар борасида алданиб, чув тушиб қоладилар. Улар: сиҳат-саломатлик ва бўш вақтдир”.

Яна бир ҳадисда «Беш нарсани беш нарса келмасдан олдин ғанимат бил: қариликдан олдин ёшлигингни, касаллик келмасдан олдин соғлигингни, бандликдан олдин бўш вақтингни, ўлимдан олдин ҳаётингни, фақирликдан олдин бойлигингни» деб таъкидланган.

Демак, инсон ғанимат билиши керак бўлган беш муҳим нарсадан бири соғлик-саломатлик экан. Бошқа бир ҳадисда даволаниш зарурлиги хусусида шундай дейилган: «Эй Аллоҳнинг бандалари! Даволанинглар, зероки, Аллоҳ таоло ер юзидаги ҳар бир касаликка давосини ҳам яратган. Фақат кексалик дардига даво йўқдир».

Айни пайтда сиҳат-саломатликни сақлаш кишининг ўз кўлидадир. Мир Алишер Навоий ҳазратларининг:

Сиҳат истасанг кам е,

Иззат истасанг кам де, – деган мисраларида шунга даъват яширингандир.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Яхши ва ёмон одатларга нималарни киритасиз?
2. Яхшилик йўлида ёлғон гапириш мумкинми?
3. Меҳнат қилишнинг фойдасини изоҳлаб беринг.
4. Соғлом турмуш тарзи деганда нимани тушунаси?

МАВЗУ: ТАБИАТНИ АСРАШ ВА ЭЪЗОЗЛАШ

1. Ўсимликларни парвариш қилиш
2. Сув ҳикматлари.
3. Ҳайвон ва бошқа жонзотларга ғамхўрлик

Калит сўзлар: инсон, табиат муҳофазаси, меҳнат, фароғат, гўзаллик, ҳайвонот олами, ҳаво, тозалик, раҳм-шафқат, сув танқислиги, исроф, неъмат, тежамкорлик.

Ўсимликларни парвариш қилиш. Маълумки, дарахтлар табиатдаги энг гўзал мавжудотлардан саналади. Меваси инсонларга, барглари ҳайвонларга озуқа бўлади. Кишилар унинг соясида ҳордиқ чиқарадилар.

Дарахтлар нафас орқали чиқадиган карбонад ангидрид газини ютиб, кишилар саломатлиги учун зарур кислород моддасини ишлаб чиқариш ва ҳавони у билан тўйинтиришга хизмат қилади. Натижада ҳаво тозаланиб туради. Демак, дарахт қанча кўп бўлса, ҳаво шунчалик тоза бўлади.

Афсуски, кўпинча болаларнинг янги экилган дарахтларни синдириб, шохларини қайириб ташлаганларига гувоҳ бўламиз. Улар ҳам тирик жон. Синдирсак, қийшайтирсак жони оғрийди. Улар бизга шунча фойда келтирса-ю, биз уларга ёмон муносабатда бўлсак.

Бунинг ўрнига дарахтлар, гуллар, умуман, ўсимликларни асраб-авайлашимиз, парвариш қилмоғимиз керак. Чунки инсондаги меҳр-мурувват, раҳм-шафқат юксак фазилатлардан ҳисобланади.

Аллоҳ таоло: «Менинг ҳузуримда ожиз махлуқотларим энг кучли ва ҳақдордирлар ва дунёда кучли ва зулмкор махлуқларим эса менинг ҳузуримда энг заиф ва ночордирлар», деб

огоҳлантиради. Ушбу ҳадисдан билишимиз мумкинки, Аллоҳ яратган ҳар қандай ҳимоясиз, ожиз бўлган мавжудотларни муҳофаза қилишимиз, умримиз давомида уларнинг ҳам ҳаёт кечиришлари учун қўлимиздан келганча шароит яратмоғимиз керак.

Ожиз ва ҳимояга муҳтож махлуқотлар қаторига уйда боқиладиган ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар, дарахту боғлар киради. Буларнинг орасида ўсимликлар, айниқса, ҳимояга муҳтожроқ ва парваришталаброқ экани ақлли инсон учун сир эмас. Зеро, уларнинг тагини юмшатиб, вақтида суғориб, иссиқ-совуққа нисбатан эътибор бериш билан инсон қалбида мавжудотларга раҳму шафқат, мурувват уйғонади. Ким раҳм-шафқат қилса, унга ҳам албатта раҳм-шафқат қилинади.

Қуръони карим оятларида: «Ким заррачалик яхшилик, эзгу-хайрли бирон иш қилса, унинг мукофотини кўради», дейилади. Демак, наботот¹ оламига кўрсатган меҳр-оқибатимизга, мурувватимизга ҳам Аллоҳ ажр, савоб, мукофот берар экан. Ваҳоланки, экилган, парвариш қилинган ҳар бир ўсимлик Аллоҳ таолога тасбеҳ ўқиб, эккан, парваришлаган киши ҳақиқа дуо қилади.

Сув ҳикматлари. Сув ҳаётимиз манбаи бўлиб, ҳаётни усиз тасаввур қилиш мушкул.

Сув қадрининг нақадар улуғ, аҳамияти нечоғлиқ буюк экани қуйидаги оятда ҳам баён қилинган: «У Ўз раҳматининг (ёмғир) олдида хушхабар қилиб шамолларни юборган зотдир. Биз ўлик шаҳар-масканларни тирилтириш ва Ўзимиз яратган кўплаб чорва ҳайвонлари ҳамда инсонларни суғориш учун осмондан пок сув ёғдирдик». Сувнинг қадрини билиш, уни тоза ва пок сақлаш, исроф қилмасдан фойдаланиш бизнинг бурчимиздир.

Сувни ортиқча исроф қилиш гуноҳ. Сув йўқ жойларга сув чиқариш садақай жориялардан² ҳисобланади.

Сув билан покланамиз, у билан овқат тайёрлаймиз, ювинамиз, киримизни ювамиз, экин ва дарахтларимизни суғорамиз.

¹ Наботот – ўсимликлар.

² Садақай жориялар – савоби доимий равишда ёзилиб турадиган амал.

Хуллас, сув билан тирикмиз. Бас, шундай экан, уни исроф қилиш ўрнига тежаб ишлатишни ўрганишимиз зарур.

Хайвон ва бошқа жонзотларга ғамхўрлик. Ривоят этилишича, бир киши йигитлар товукни ўлдириб, ундан нишон сифатида фойдаланиш учун осиб, унга найза отаётганининг устидан чиқиб қолади. Йигитлар ёши улуг одамни кўриб, кўркувга тушиб, ҳадиксираб қолишди. Шунда ҳазрат салобат билан: «Бу ишни ким қилди? Бундай иш қилган кишини Пайғамбаримиз лаънатлаганлар», дедилар.

Яна бир ривоятда: «Расулуллоҳ хайвонларни «мусла» қилгани лаънатладилар» - дейилади. «Мусла» деб, хайвон ёки инсоннинг кулоқ, бурун, лаб, бармоқ, қўл, оёқларини кесиб ташлашни, кўзини ўйиб, тилини кесиб ва тишларини қоқиб олишга айтилади. Бу ишларнинг ҳаммаси Ислом динида гуноҳ ҳисобланади, бу иш билан шуғулланган кишига ниҳоятда қаттиқ азоб бор, деб огоҳлантирилган. Токи дунёда қашшоқлик билан ўтиши, охиратда эса хор-зор бўлиши ваъда қилинган.

Демак, ожиз, ҳимояга муҳтож махлуқоту жонзотларни муҳофаза этиш, уларга нисбатан меҳр-шафқат кўрсатиш даркор. Уларга азоб бериш, қийнаш, калтаклаш, оч қолдириш, сувсизлик билан ҳўрлаш ман этилган бўлиб, бундай ишни қилган киши лаънатга дучор бўлар экан. Шу билан бир қаторда файзу баракадан бенасиб қолиб, хайвонга қандай азоб берса, ўзи ҳам ундан кучли азобу ҳўрликка мубтало бўлади.

Юқоридаги ҳадиси шарифдан англанадики, катталарга болаларни хайвонларга нисбатан шафқатли қилиб тарбиялаш, уларни қаҳрли бўлишдан қайтариш масъулияти юкланади. Шунингдек, қуш ёки хайвонлардан баъзи навлари уйда боқиладиган бўлса, уларга ўз вақтида овқат ва сувини бериш, ташқарига олиб чиқиш, жойларини тез-тез тозалаб туришни ўргатиш лозим. Бу ёшларда хайвон ва жонзотларга нисбатан ғамхўрлик туйғуларининг шаклланишига хизмат қилади.

Бизга Пайғамбаримиздан: «Ким раҳм қилса, раҳм қилинади» деган ҳадиси шариф мерос бўлиб қолган. Мазкур ҳадис инсон бировларга, жумладан турли жонзотларга раҳм-шафқат қилиш билан ўзига ва бошқа яқинларига ҳам шафқат қилиниши учун

замин яратади, деган маъно келиб чиқишини ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Она табиатнинг инсон ҳаётидаги моҳияти.
2. Ҳаётимизда сувнинг аҳамияти.
3. Ҳайвон ва бошқа жонзотларнинг инсон ҳаётидаги ўрни.

МАВЗУ: АЙБ ВА ТАВБА

1. Айб қилмаслик ва тўғри бўлиш масалалари
2. Тавба қилмоқ одоби.

Калит сўзлар: айб, камчилик, нуқсон, дангасалик, ёлғон, манманлик, текинхўрлик, тўғрилиқ, виждонлилик, ҳалоллик, ростгўйлик, гуноҳ, тавба, кечиримлилик.

Айб қилма, тўғри бўл. Айб – арабчада «камчилик», «нуқсон» деган маъноларни англатади. Айб ишларнинг тури жуда кўп бўлиб, ота-онани ҳурмат қилмаслик, ёлғон гапириш, ўғрилиқ қилиш, устозлар гапига кирмаслик, манманлик, дангасалик, текинхўрлик, ўз айбини бўйнига олмай бошқаларга тўнкаш кабилар уларнинг энг ёмонларидир.

Бундай сифатли кишилар ҳеч қачон одамлар орасида обрў-эътибор қозонмайди, аксинча, уларнинг нафратига дучор бўлади.

Тўғрилиқ эса, инсондаги энг яхши фазилатлардан бўлиб, ким ўзини тўғрилиқ билан зийнатласа, ундай киши эл орасида обрў-эътиборга эга бўлади.

Халқимиз барча даврларда инсонларни тўғрилиқка, ҳалоллиқка, ростгўйлиқка ва эзгу ишларни қилишга чорлаб, ёмонлик, ёвузлик, ёлғончилик ва бошқа гуноҳ ишлардан қайтарган. Тўғрилиқ инсонни яхшилиқка, яхшилиқ эса, охир-оқибат жаннатга олиб боради. Қуръони карим оятларида эзгу амаллардан бўлган тўғрилиқ, ҳақгўйлик ва яхши амалларни қилишга буюрилган. Инсон айбли ишлардан ўзини узоқ тутиши, инсонга нолойиқ бўлган феъл-атворлардан сақланиши лозим.

Жамиятдаги поклик, адолатнинг қарор топиши унинг аъзоларига боғлиқ. Демак, биз қанчалик тўғри бўлсак, жамиятда тўғрилиқ ва адолат шунчалик устувор бўлади.

Тавба қилмоқ одоби. Тавба инсонга муносиб бўлмаган иш қилиб қўйилса, ундан бутунлай суғурилиб чиқиш ва қайта бу ишни қилмасликка қалбдан азму қарор қилиш маъносини англатади.

Қуръони Каримда тавба ҳақида шундай дейилади: «Эй мўминлар, Аллоҳга холис тавба қилинглар, шоядки Парвардигорингиз сизларнинг ёмонлик-гуноҳларингизни ўчириб, остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур».

Уламолар ҳар қандай гуноҳдан тавба қилиш вожиб дейдилар. Шунингдек, уламолар кишининг гуноҳ ишни қилишдан ўзини бутунлай тўхтатиши, бу ишидан пушаймон-надомат қилиши, уни қайта қилмасликка азм қилишини тавба қабул бўлишининг асосий уч шарти сифатида таърифлайдилар. Ҳадисларда шундай дейилади: «Ҳақиқатда Аллоҳ таоло банданинг тавбасини, жони ҳалқумига келмасдан олдин тавба қилса қабул қилади» (Термизий).

Демак, инсон тавба қилса, Аллоҳ уни қабул қилади. Аслида, аввало гуноҳ қилмаслик лозим. Ожизлик туфайли бирор гуноҳ қилиб қўйилса, албатта ундан тавба қилиш зарур бўлади.

Аммо бошқа инсонларга етказилган зарар, зулм ва камситишлар тавбанинг юқоридаги шартлари билан бир қаторда ўша инсонни рози қилиш, агар ҳақ бўлса афв этиш, обрўсига етказилган путур бўлса, ундан розилик сўрашдек амалларни бажаришни ҳам тақозо қилади.

«Бир киши қилган камчиликларини бўйнига олиб, ўкиниб кечурмакликни сўраса, афу қилмоқ лозимдир. Олижаноб кишилар узрни қабул қилур. Катталиқ ва улуғликнинг лаззати бировдан ўч олмак эмас, балки афв қилмоқдадур», деб ёзади Абдулла Авлоний. Улуғ маърифатпарварнинг мазкур сўзлари ҳам ҳар биримизга ўғит бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

Такролаш учун саволлар:

1. Айб ва гуноҳ деганда нимани тушунасиз?
2. Тавба қилмоқ одоби қандай?

3. Айб сўзи қандай маънони англатади?

МАВЗУ: ИЛМ ВА ҲУНАРНИНГ ХОСИЯТИ ҲАҚИДА ДОНОЛАР ЎГИТЛАРИ

1. Илм ва ҳунарнинг хосиятлари
2. Ҳар кимнинг ўз ҳунари бўлсин
3. Одоб – инсон кўрки

Калит сўзлар: илм олиш, билимлилик, олим, ҳунар, касб ўрганмоқ, бойлик, меҳнат, фароғат, ҳалоллик, илмсизлик, жаҳолат, инсон одоби, сабрлилик, шукроналик туйғуси, кечиримлилик.

*«Ўғил-қизлар ҳунар ўрганса, ўзига ишончи ортади,
дунёқараши ҳам ўсади, ота-онасининг ҳам кўнгли тўқ
бўлади».*

Шавкат Мирзиёев

Илм ва ҳунарнинг хосиятлари. Кишилар олам ва ўзларини англашлари, ҳақиқатни билишлари учун илмнинг нақадар зарурлигини ҳамиша таъкидлаб келишган. Қуръоннинг биринчи нозил бўлган ояти «Иқро» (ўқи) деб бошланиши бежиз эмас. Бир ояти каримада: «Аллоҳ таоло сизлардан иймон келтирганларни ва илмли бўлганларнинг даражасини кўтаради», дейилган. Аллоҳ ўзининг ягоналигига ҳам илмли кишиларни гувоҳ қилган ва уларнинг шоҳидлигини ўз фаришталари шоҳидлигига тенглаштирган. У ўз ҳузурида илмли кишиларнинг мартабаси юқори эканини айтади ва илмсизларни Қуръонда танқид қилади.

Пайғамбаримиз ўз умматларини илм олишга даъват қилиб, уни эгаллашга ҳаракат қилиш ҳар бир мўмин учун фарз эканини қайта-қайта таъкидлаб, «Гарчи Хитойдан бўлса ҳам илм изланглар», – деб таълим берганлар.

Расулулоҳ гўзал одоб ва ахлоқни хотиржамликка, ҳузур-ҳаловатга сабабчи деб билганларки, бунда ҳикмат кўп. Чунки, гўзал одоб ва ахлоқли инсон ҳеч вақт маломат ўқига дучор бўлмайди. Бинобарин, ҳузур-ҳаловат топади. Ёмон ахлоқ эса

бунинг тескарисидир. Кимдаки ёмон одоб ва ахлоқ унсурлари зоҳир бўларкан, ундан эл қочади. Эл қочган одамнинг эса ҳолига вой.

Тарихдан маълумки, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Огаҳий, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари мутафаккир, ёзувчи ва шоирларимиз гўзал одоб ва ахлоқ соҳиби бўлганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг суҳбати замондошлари кўнглига мулк сифатида қўшилган. Олиму фузалолар даврасида китоб мутолаа қилинган, ибратли ҳикоятлардан нақл этилган. Ва ўша суҳбатлар мазмуни оғиздан оғизга ўтиб, давраларни айланиб юрган. Умрнинг боқийлиги дурдона сўзлар эвазига қарор топиши шундан аён. Зотан, улуғлар жисмонан орамиздан кетишсалар-да уларнинг гўзал одоби ва ахлоқи васфи ўлмайди, ҳикматли сўзлари яшайверади.

Бир вақтлар Мисрда ака-укалар яшар эди. Бири илм ўрганди, бири эса бойлик орттирди. Илм ўргангани ўз замонасининг буюк олими бўлди. Унинг укаси эса Мисрнинг энг бадавлат кишисига айланди. Бой ука илмли акасини менсимай, уни ҳамиша: «Мен бой бўлдим, катта давлат ва мартабага эришдим. Сен эса фақир ва мискин, чор-ночорлигингча қолдинг», деб камситарди.

Олим бўлган йигит укасининг бу сўзларига эътибор бермас, унга бўйин эгмас эди. У бадавлат укасига шундай деди: «Эй, ўзини унутган жигарим! Тушунмасдан, оғзингга келган гапни айтаверма. Мен ҳар қанча шукрона қилсам арзийди. Чунки Яратган эгам менга илм бойлигини берди. Назаримда, илмдан буюк, илмдан фазилатли нарса йўқ. Сен эса, Фиръавннинг, Ҳомоннинг, Хоруннинг меросига эришдинг. Сен бутун умрингни мол-дунё тўплашга бағишладинг. Молинг бошида чўпонлик қилиб, уни кўриқлайман, деб умринг бесамар кетди. Сен ўлганингдан кейин, ҳатто ўша молингдан бир эски сопол парчасини ҳам олиб кетолмайсан. Шунинг учун сен молингни бошқалар учун тўплаган бўлиб чиқасан. Мен сендайларга ўхшаб азобли, уқубатли давлатни бермагани учун Аллоҳга ҳар қанча шукрона қилсам камдир!»

Ривоят қилинишича, бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса, уч ой тутилган нафл¹ рўзадан афзал экан. Ёки бошқача қилиб айтганда, илмга асосланган ибодат тақлидий ибодатдан афзалдир.

«Илм икки хил бўлади: бири – қалбдаги илм бўлиб, у фойдалидир. Иккинчиси – тилдаги илм бўлиб, у Тангри ҳузурида банда зарарига далил бўлади», деганлар Ҳазрати Расулуллоҳ.

Мўмин-мусулмон киши ўзи билим олгач, уни бошқаларга ҳам ўргатиши, илм-маърифат тарқатиши лозим. Илмни ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик, гўёки молу дунё йиғиб, уни сарф қилмай кўмиб қўйиш билан баробардир. Ҳалифа Али²: «Илм талаб қилган кишининг талабида ҳамиша жаннат бўлади», деганлар.

Лекин илм олиш кўр-кўрона бўлмаслиги керак. Дуч келган нарсани ўрганавериш ҳам ярамайди. Яна, илмга қизиқмаган кишиларга уни ўргатишга интилиш ҳам шарт эмас.

– Парвардигордан фойдали илмни сўранглар, фойдасизидан четлашинглар.

– Илмнинг офати – эсдан чиқармоқлик ва илмга рағбати бўлмаган кишиларга ўргатиб, уни зое кетказмоқликдир, - деган ҳадисларда ана шундай маъно яширинган.

Бир уламо айтдилар: «Илм ўрган, у сени ёшлик пайтларингда тўғри юришингни таъминлайди. Улғайганигда буюк шахсга айланишингда асосий сабаблардан бўлади. Илм сенинг доимий ҳамроҳинг бўлиб, адашиш ва қоқилишингдан сақлайди, душманларингни мағлуб қилади».

Жаҳон басту кушоди – илм бирла!

Надур дилнинг муроди – илм бирла!

Кўнгулларнинг сурури – илм бирла!

Кўрар кўзларнинг нури – илм бирла!

Керак ҳар илмдан бўлмак хабардор!

Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор!

Заҳириддин Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг мазкур мисраларида ҳар бир илмнинг ўз шарафи ва улуғлиги, ўрни, ўз

¹ Нафл – ихтиёрий ибодат ва амал.

² Халифа Али – Пайғамбарнинг куёвлари, Абу Бакр, Умар, Усмонлардан кейинги тўртинчи халифа.

аҳамияти борлиги таъкидланган. Бироқ барча илмларни мукаммал эгаллаб олишнинг иложи йўқ, шунинг учун ҳам энг зарур, ҳаётда асқотадиган илмларни ўрганиш мақбул.

“Дил ба ёру даст ба кор». Бу ўғит заминида инсон ўз ҳаёти ва фаолиятида қўли ишда, яъни бирор касбнинг эгаси бўлиши, дилида доимо худони ёд этиши, яъни имонли бўлиши керак, деган маъно ётади. Расулуллоҳ: «Сизларнинг афзалроғингиз ва яхшироғингиз бу дунёни деб охиратни, охиратни деб дунёни унутмаганингиздур», – дея марҳамат қилганлар. Ваҳоланки, инсоннинг бир касбу ҳунари бўлмаса, у ишёқмас ва дангаса бўлиб қолади. Шунинг учун олиму фузалолар: инсоннинг ўз меҳнати билан топган бир бурда нони Ҳотамтойининг бериб, кейин миннат қилган луқмасидан яхшироқдир, дейишган.

Абдурахмон Жомийнинг:

Ким ҳунарни деса, у доно бўлур,

Нодонлар қудрат деб, бойликни билур, – деган мисраларида ана шу ҳикмат мужассамлашгандир.

“Ҳалол меҳнат билан ҳалол ризқ талаб қилиш ҳар бир инсонга вожиб” дейишади кексалар. Бу ҳар бир инсон бирон касб ёки илмнинг эгаси бўлиши кераклигини билдиради. Демак, ўз касби бор инсон ҳунари, илму маърифати билан ўзига ҳам, қариндош-уруғларига ҳам, бегоналарга ҳам наф келтиради, яхшиликда ном қозонган етук бир инсон бўлади.

Ўзи билган ва ўзлаштирган ҳунарини бошқаларга, яъни шогирдларига чин дилдан ўргатиш ҳам ҳунарли кишига лозим хислатлардандир. Мутафаккир Носир Хисрав «Саодатнома» маснавийсида ҳунар, касб эгаси ҳам худди деҳқон сингари яратувчидир; халқ эҳтиёжи улар санъати, ижодий меҳнати-ла таъминланади деб, қуйидаги мисраларни келтирган:

Косибдан шоду хуррам йўқ жаҳонда,

Ҳунардан яхши дур ҳам йўқ жаҳонда...

Арзир унинг бўлса боши осмонда,

Улсиз яшай олмас шоҳ ҳам жаҳонда.

Демак, ҳунар ўрганиш, ўз касбий маҳорати, малакасини доимо ошириб бориш устида ишлаш ҳар бир инсоннинг ҳаёти мазмунига, мақсадига айланиши шарт бўлган вазифалардандир. Зеро, Низомий Ганжавий таъкидлаганларидек,

*Кимки ўрганишни уят, ор демас,
Сувдан дур топади, тошдан лаъл, олмос.*

Одоб – инсон кўрки. Пайғамбаримиздан «инсонларнинг жаннатга киришларига нима сабаб бўлади?» деб сўрашганда, улар «Аллоҳга тақво қилиш ва яхши хулқ», деб жавоб қилганлар.

Хулқнинг яхшилиги деганда, инсоний фазилатларнинг имкон борица кўпроқ намоён бўлиши, тушунилади.

Масалан, ўзгалар билан яхши муомалада бўлиш, камчиликларини кечириш, азият ёки зарар етганда ҳам ўч олиш ўрнига сабр-бардошли бўлиб, уларга инсоф тилаш, бировни ғийбат қилмаслик, ёлғон, бўхтон, тухматдан узоқда бўлиш, инсонларга фақат яхшилик қилишга интилиш, ўзига раво кўрган нарсани ўзгаларга ҳам раво кўриш, ўзига ёқмаган нарсани бошқаларга ҳам хоҳламаслик, бир сўз билан айтганда, эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал бирлиги олижаноб хулқлилики намоён этувчи сифатлардандир.

Бу ҳақда ҳазрат Алишер Навоий шундай дейдилар:

*Айи, Навоий, неча дилкашдурур,
Лек адаб бирла ҳаё хушдурур.*

Такрорлаш учун саволлар:

1. “Дил ба ёру даст ба кор» ўғити кимга тегишли ва уни қандай тушунаси?
2. Ўз ҳудудингиздан келиб чиқиб бугунги кунда қандай ҳунарларга эҳтиёж бор деб ҳисоблайсиз?
3. Илм олиш ҳақида Қуръон ва ҳадисларда нима дейилган?
4. “Билим – ақл булоғи, одоб – ҳаёт чироғи” мақолини қандай шарҳлаш мумкин?
5. Одоб турлари ҳақида нима дея оласиз?
6. Одобни беодобдан ўрган мақолини қандай тушунаси?

ИККИНЧИ ҚИСМ

МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН – МЕНИНГ ВАТАНИМ

1. «Ватанни севмоқ иймондандур»
2. Истиқлолимиз ва истиқболимиз
3. Ватан туйғуси, миллий ғурур ва ифтихор билан яшаганлар
4. Ватандаги қадимий обидалар

Калит сўзлар: ватан, она Ватан, оила, жамият, халқ, истиқлол, юрт озодлиги, инсон манфаатлари, ватан туйғуси, миллий ғурур, ифтихор туйғуси, аجدодларга муносиб авлод.

*Башарият тарихи шундан далолат берадики,
ҳар бир халқ фақат эркин ва озод бўлган тақдирдагина,
ўз ҳаёти ва келажагини мустақил барпо этиш ҳуқуқига эга
бўлади.*

Шавкат Мирзиёев

Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шу кишининг Ватани дейилади. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жонидан ортиқ севади. Биз, ўзбекистонликлар, ўз Ватанимизни жонимиздан ортиқ севганимиз каби японлар Японияни, ҳиндлар Ҳиндистонни, эскимослар эса шимолнинг энг совуқ, қор ва музлик ерларини ҳам бошқа жойлардан зиёда кўрадилар.

Ўзбек халқи азалдан ўз Ватанини жондан азиз билган. Бу диёр аввал Турон, сўнгра Туркистон деб аталган, ҳозирда эса Ўзбекистон деб эъзозланади.

Лекин бу юртда ҳаёт ҳамиша ҳам осуда кечавермаган. Истибдод кунларида, яъни юрт ўзгаларга қарам бўлган, куллик занжирлари мустаҳкам боғланган даврларда ҳам доимо халқ қалбида ўз кадр-қиммати учун кураш ҳисси устувор бўлиб келган.

Ниҳоят, 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган, Ватан қадри ортиди. Халқнинг қадди тикланди. Ватан, аجدодлар, миллий қадриятлар, маданий мерос, бугун ва келажак ҳақида баралла сўзлаш имкони туғилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таъкидлашича, “Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, донишманд халқимизнинг

узоқни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқдамиз”.

Ҳозирги ўзбек ватанпарварлиги халқимиз тараққиётини олға силжитган ота-боболаримиз яратувчанлик ишининг бевосита давомидир. Биз ўз Ватанимизни севамир, у биз учун бағоят азиз ва қадрлидир. Бу туйғуни ҳис этиш учун Ватанни юракдан севамоқ керак. Тақдир бизга кулиб бокди, Ўзбекистонимиз мустақил бўлди, бу эса, унга муносиб фарзандлар бўлишимизни тақозо қилади.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган кун. Зеро, шу кунда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримов бутун дунё оммасига мурожаат этиб, Ватанимиз Ўзбекистонни мустақил деб эълон қилдилар.

Мустақиллигимизни жаҳон давлатлари эътироф эта бошлади. Шундан сўнг дунёнинг турли чеккаларидан бирин-кетин халқимизни истиқлол билан қутловчи табрикномалар келди. Агар ўша пайт вазиятини ўрганадиган бўлсак, у ниҳоятда оғир ва қалтис замон эди. Етмиш беш йиллик мустабид тузум, коммунистик мафкура қўрғони емирилиб қулади. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ кўринишдаги инсон, миллат эркинлиги ҳақидаги баландпарвоз, қуруқ ваъдалар билан йўғрилган, аслида халқларни эзиш, миллатларни йўқ қилишга йўналтирилган шовинистик¹ руҳдаги улкан бир давлат заволи топди. Мазкур даврнинг салбий асоратлари эндиликда аста-аста кўтарилиб халқимизнинг қадриятлари ва миллий бойликлари, хусусан, бой ва сермазмун, боқий маънавияти ўзига қайтмоқда.

Жаҳон миқёсида муҳим аҳамият касб этган ва дунёнинг олтин хазинасидан салмоқли ўрин олган буюк аجدодларимизнинг мерослари қайтадан тикланмоқда. Ватанимиз шон-шавкати ва жаҳонга мадҳ этган улуғ бобокалонларимиз абадий маскан топган жойлар обод зиёратгоҳларга айлантирилмоқда.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа жуда кўплаб буюк ватандошларимизга қурилган ёки қайта тикланган мақбара ва

¹ Шовинистик – миллатчилик.

мажмуалар тарихий адолатни қарор топтиришга нақадар катта эътибор берилаётганидан далилдир.

Мустақил республикамизнинг дунё майдонида тобора нуфузи ошиб бораётгани, қўшни давлатлар билан муносабатларнинг дўстона руҳга эгалиги, чет эл сармоядорларининг ташрифлари юксак ривожланган мамлакатлар билан алоқалар боғлашда давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг ижобий маҳсули десак, муболаға бўлмайди.

Ички сиёсат соҳасида ҳам чет эллик сиёсатдонлар янгиланаётган Ўзбекистоннинг ҳақиқий демократик давлат эканини тан олмоқдалар. Ватанимизга келаётган араб ва мусулмон давлатларининг улуғ олимлари, аҳли илмлари ҳам Ўзбекистоннинг динга нисбатан ҳозирги мавқеини ҳаққоний баҳоламоқдалар. Пойтахтимизда бунёд этилаётган Ислом цивилизацияси марказига кўплаб мамлакатларда эътибор тобора кучаймоқда.

Биз ҳам мана шундай буюк, халқ манфаатларига хизмат қиладиган ишларни амалга оширадиган халққа муносиб ворис бўлиб етишишимиз, истиқлол ва тараққиёт йўлини изчил давом эттириш учун тинмай ўқишимиз, ўрганишимиз ва меҳнат қилишимиз керак.

Ҳеч кимга сир эмаски, Ватанга муҳаббат энг олий мақомдаги инсоний фазилатлардан ҳисобланади. Тарихимизда бутун ҳаёти Ватанга меҳр туйғуси билан йўғрилган, Ватанга чексиз садоқат намунаси бўлган, жасур ва жонфидо юртдошларимиз кўплаб топилиши ўзбек халқининг ўз юртига меҳр-оқибати қанчалик юксак эканининг далили бўла олади. Тўмарис, Широқ, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар қори каби кўплаб шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти Ватанга ҳақиқий садоқат, унинг озодлиги йўлида курашишнинг намунасидир.

Ватанни обод, халқ ҳурлигини боқий этишликни муқаддас тушунчалар деб олинса, «Ватан – халқ, халқ – Ватан»дир.

Демак, Ватанни улуғлаш, уни асраб-авайлаш қадрини билган ҳар бир инсоннинг азиз ва муқаддас бурчидир.

Шу боисдан бўлса керакки, Пайғамбаримиз Ватан мудофааси учун бўлаётган жангдан қочмоқликни «ҳалокатга олиб боровчи етти хил гуноҳлардан бири» деб, ундан сақланишни буюрадилар.

Демак, ҳар бир инсон ўз Ватанининг бир бўлаги, унинг Аллоҳ таоло қудрати билан ҳосил бўлган жонли кўринишидир.

Ҳаммамизга маълум – юртимизнинг ажойиб фарзандлари чексиз Ватан туйғусини, миллий ғурурни, мустаҳкам дину диёнатимиз кўрсатмаларини ҳаётларига татбиқ этиб, нафақат бизга, келажак авлодларга, балки бутун олам аҳлига ўрнак бўлганлар.

Она янглиғ оқ ювиб, оқ тараган Ватанга муҳаббат ҳар бир кишида албатта ўз уйидан, хонадони, маҳалла, қишлоғи, шаҳри учун ёниб яшашидан бошланади. Бу улуғ туйғу кишини ўз Ватанини ҳавас қилса арзигули юрт бўлиши учун курашга, душманлардан ҳимоя этиб, кўз қорачиғидай асрашга ундайди.

Қуръони каримда «Биз ер юзини солиҳ бандаларимизга мерос қилиб берамиз» дейилади. Айни пайтда Ватан душманлари ҳамда хиёнаткорларига нисбатан қатъият-ла курашиш ва аҳли-аёллари, авлоду-зурриётларини ҳимоя этишга буюрилади. Бу кўрсатмалар билан инсон қалбида Ватан меҳри ва садоқати албатта мужассам бўлиши зарурлиги уқтирилади.

Демак, инсон онгида Ватанига, ўз миллатига садоқат, муҳаббат туйғуси устувор бўлмоғи лозим. Зеро, маърифатли инсонгина Ватан тақдирини ўз тақдири деб билади.

Ватанни сев, кулга сотма, бебаҳодир, Она юрт билсанг,

Кўзга сурт тупроғини, кўз очилгайдир сўқир бўлсанг.

Халқингга тиз кўтарма ҳеч, агарки мард йигитдурсан,

Бунинкор этар кимки – эмас асло мусулмондин.

Мақсуд Файзий

Тарихга назар солсак, шонли юртимиз тупроғидан етишиб чиққан буюк инсонлар кўплиги, улар бутун дунё тараққиёти, илм-фани, маданияти ривожига бебаҳо ҳисса қўшганликлари маълум бўлади. Сўзимизнинг далили сифатида хорижда ҳамда юртимиз шаҳар ва қишлоқларида қад кўтарган ноёб обидаларни келтириш мумкин.

Мисрдаги Нил дарёси сувини ўлчаш асбоби («нилометр»)ни яратган, ўзининг «Самовий ҳаракатлар» номли китобида ҳижрий 2000 йилгача ва қуёш тутилиши мумкин бўлган кунларни ёзиб кетган Аҳмад Фарғоний бизнинг аждодимиз. Европа мамлакатларида «Фарагон» номи билан машҳур бўлган бу

алломанинг астрономияга оид асарлари яқин-яқинларгача ҳам олий ўқув юртларида дарслик сифатида ўқитиб келинди.

Ўз аҳамиятини ҳанузгача йўқотмаган, аجدодларимиз ақлу заковати олдида лол қолдирадиган бундай обидалар юртимизда ҳам бисёр.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳазратлари: «Кимки бизнинг шон-шухратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин», деганлар. Юртимиздаги тарихий обидаларнинг кўпчилиги темурийлар даврига тўғри келади. Уларга қараб, Соҳибқирон бобомиз таъкидлаганларидек, инсон ақлу қудрати, қўлларининг яратувчилик мўъжизасини кўриш мумкин. Бошқа мамлакатларнинг тарихий обидаларидан фарқли ўлароқ, улар ўзининг бетакрорлиги, гумбазларининг ғайриодатийлиги, безаклар рангларининг очиклиги, нозик дидлилиги, мухтасар айтганда, ҳақиқий меъморий мўъжиза экани билан тараққий этган мамлакатларнинг етук илм аҳлини ҳам лол қолдириб келмоқда.

Самарқанд, Хива, Бухоро, Термиз каби шаҳарлар дунё маданияти ўчоғи деб эътироф этилгани ҳам шундан. Ватанимизда қад кўтариб турган бундай қадимий осори атиқалар¹ мамлакатимизнинг буюк ўтмишини, маданият, илм-фан, маърифат нечоғлиқ чуқур ривож топганини кўз-кўз қилиб турибди. Истиклол даврида қад ростлаган, халқимиз эҳтиёжларини қондиришга, оғирини енгил қилишга хизмат қилаётган турли иншоотлар ва бинолар, каналлар, кўприклар, бозорлар ва савдо расталари, мустақил диёримиз шон-шавкатини бутун жаҳонга намойиш қилмоқда.

Истиклол шарофати ила қайта таъмирланаётган ва янгидан бунёд этилган миллий меъморчилик обидаларимиз зиёратчиларнинг эътиборини яна ҳам кўпроқ жалб этмоқда. Самарқанддаги Имом ал-Бухорий, Бухородаги Ҳазрати Нақшбанд, Термиздаги Имом ат-Термизий, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи, Хастимом мажмуаси, Риштондаги ал-Марғиновий, Фарғонадаги Ал-Фарғоний, Қашқадарёдаги Кўк гумбаз меъморчилик мажмуалари фикримизнинг ёрқин далилидир. Зеро, оқилона миллий сиётимиз


¹ Осори атиқалар - қадимий ёдгорликлар.

туфайли аجدодларга муносиб авлод бўлиш бугун халқимизнинг онгу шуури ва давлатимизнинг доимий эъзозига айланди.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Буюк аجدодларимиздан кимлар ҳақида батафсил маълумот бера оласиз?

2. Ҳориждан келган меҳмонга сиз даставвал кўрсатадиган бешта масканни айтинг ва жавобингизни изоҳланг.



3. Ўзбекистонда ҳорижликларга гапириб бериш учун тайёрланинг. Ҳар бир айлана ичига нималарни ёзиш мумкин?

МАВЗУ: УСТОЗ ВА ШОГИРД

1. Устоз – улуғ зот
2. Устоздан шогирд ўзар
3. Устоз – отадек улуғ

Калит сўзлар: илм, билимлилик, илм фазилати, касб-ҳунар, устоз, устоз мактаби, шогирд, устоз ва шогирд муносабати, устозларга эҳтиром.

*“Ўқитувчини ҳурмат қилмагани
мен ҳам ҳурмат қилмайман”.*

Шавкат Мирзиёев

Ҳазрат Али: «Мен, менга бир ҳарф ўргатган устознинг қулиман, хоҳласа мени сотсин, хоҳласа озод қилсин ва хоҳласа қул қилиб ишлатсин», – деган эканлар.

Искандар Зулқарнайндан «Нима сабабдан устозингни отангдан ҳам ортиқ эъзозлайсан?» деб сўрашганда, у: «Отам мени Осмондан ерга туширди (унинг руҳи осмондан тушиб жасадимга кирган), устозим эса, мени ердан осмонга кўтарди», деб жавоб берган экан.

Халқимизнинг «Устоз – отангдек улуғ» деган мақолида ҳам устозга ана шундай улкан бир ҳурмат ўз ифодасини топган.

Абу Ҳанифа бир ҳайвон ҳақида маълумот керак бўлиб қолганда уни боқувчидан сўраган эканлар. Шу бир маълумот бергани учун у кишини устозим, деб эъзозлар эканлар.

Устоз – улуғ зот. Инсонларни Аллоҳ қоматда ва суратда гўзал қилиб яратган. Уларнинг Яратган олдидаги ҳуқуқ ва бурчлари бир хил. Аммо тақвою фазилатда тафовут борлиги билан улар бир-биридан фарқ қиладилар. Инсоннинг фазилати унинг кишиларга етказадиган фойдасига, манфаатига кўра белгиланади. Пайғамбаримиз: «Сизларнинг яхшироғингиз одамларга фойдаси, нафи кўпроқ етадиганларингиздир», деб фазилатлик инсоннинг хислатини баён этганлар. Маълумки, кишиларга илм-маърифат тарқатишда, уларни тўғри йўлга бошлашда, ота-она, катта-кичikka нисбатан ҳурмат-иззатни ўргатишда муаллиму устозларнинг хизматлари бекиёсдир. Улар сабр-матонат билан болаларга илм, одоб-ахлоқ ўргатиб, комил

инсон қилиб етиштирадилар. Шунинг учун бўлса керак, устозлар жаннатга кирувчилар рўйхатининг олдинги қаторидан ўрин эгаллаган. Бунинг далили сифатида қуйидаги ҳадисни келтирамиз:

«Дурратун носихин» китобининг шарҳида ривоят қилинадики, Расулуллоҳ: «Илм ва аҳли илмларни чиройли ёд этиб, огоҳ бўлингки, қиёмат кунида бир киши сабабли уч тоифа инсонлар жаннатга кирадилар. Улар – илм талаб қилган киши, унинг ота-онаси ва устози», – дедилар.

Дарҳақиқат, устоз улуғ, унинг хизмати эса ундан ҳам улуғ, бебаҳодир.

«Таълимул мутааллим» китобида шогирднинг олдидаги бурчлари ҳақида шундай дейилади: «Шогирд устознинг олдида тушиб юрмасин, ўрнида ўтирмасин, олдин сўз бошламасин, кўп гапирмасин, малол келиб турганда савол сўрамасин, келишилган вақтга риоя этсин, эшигини тақиллатмасин, балки, чиққунларича сабр этсин». Бу хислатлар шогирднинг устози розилиги ва дуосини олишига сабаб бўлади. Шунингдек, шогирд устоз кўнглига озор беришдан сақланмоғи, барча буйруқларига итоат этмоғи лозимдир. Фақат гуноҳ ишларга буюрсагина унга итоат этмаслиги мумкин. Шунингдек, шогирд устознинг авлодлари, фарзандларини ҳам ҳурмат қилса нур устига нур бўлади.

Ҳикоя қилишларича, Хорун ар-Рашид Имом Асмаийга ўғлини ундан илм ва одоб олиши учун шогирд қилиб беради. Кунларнинг бирида ул зот устоз таҳорат олаётган пайтда, ўғиллари сув қуйиб турганини кўради. Ўғлини қаттиқ уришади ва устозга: «Мен сизга ўғлимга одоб ва илм ўргатиш учун берувдим, сиз эса нимани ўргатаяпсиз», дейди. Устоз: «Нима қилишим керак?» деганида, Хорун-ар-Рашид: «Ўғлим бир қўли билан сув қуйиб бошқаси билан сизнинг оёқларингизни ювмоғи керак. Шундагина талаба ва ўқувчига хос илм ҳосил бўлади. Ўзига ҳам, ўзгага ҳам фойда берадиган илмга эга бўлади», деди.

Ибратли ривоят. Фотиҳ Султон Меҳмет Хон болалигида жуда ярамас, тўполончи бир ўқувчи эди. Дарс вақтида қилган шўхликлари билан устози Оқшамсиддиннинг жаҳлини чиқарар эди. Устози унга танбех берса, дарҳол: «Мен подшоҳнинг ўғлиман, ҳеч нарса қилолмайсан», дейишдан ҳам тоймасди.

Оқшамсиддин подшоҳга шикоят этишликни адабсизлик ҳисоблаб, ҳолатни II-Муротга айтишдан тортинар эди. Аммо, вақт ўтгани сайин кичик Меҳметнинг қилиқлари ҳаддан ошиб, чидаб бўлмас ҳолга келади.

Шундан кейин ноилож подшоҳ II-Муротнинг хузурига чиқади.

«Подшоҳим, Сизга айтишим зарур бўлган бир хусусий масала бор. Аммо, айтишдан ҳаё қилмоқдаман».

Подшоҳ:

«Марҳамат! Ҳеч тортинмасдан айтавер», дейди.

Бу сўз Оқшамсиддинни хотиржам этди. Ва ҳодисани англата бошлади.

«Подшоҳим! Ўғлингиз — жигарпорангиз жуда тўполончи. Унинг дастидан дарсимни ўтолмаяпман. Қачон танбеҳ берсам, дарҳол Сизни номингиз билан менга таҳдид қилади».

Подшоҳ бир оз сукут сақлайди.

Кейин Оқшамсиддинга яқин келиб, бир нарсаларни пичирлаб тушунтиради. Подшоҳнинг сўзларидан Оқшамсиддин саросимага тушади.

«Бу қандай режа? Буни амалга ошириш мумкин эмас!

Оқшамсиддин бу режа хусусидаги хавотирларини ошкор қилишига қарамай, подшоҳ, «Бу иш бўлади», дейди.

Эртаси куни Меҳмет дарсда яна тўполонини бошлайди. Устозининг танбеҳига одатдагидек, отаси билан таҳдид жавобини беради. Айни шу пайт тўсатдан эшик очилиб, подшоҳ ичкарига киради. Бу ҳолатдан ғазабланган Оқшамсиддин подшоҳга қараб бақиради. Бир тарсаки уриб дейди: Ҳеч ким дарс вақтида ичкарига бундай тарзда кириши мумкин эмас!

Изн сўраб кириши лозимлигини айтиб, ташқарига ҳайдайди.

Подшоҳ маҳжуб шаклда бўйнини эгиб, узр сўрайди ва ташқарига чиқади.

Бу ҳодиса қаршисида Фотиҳ Султон тили калимага келмай, нима қилишини билмай қолади. Ишонгани — подшоҳ отаси кўз ўнгида тарсаки еган эди. Фотиҳ Султон Меҳметнинг ички дунёси ағдар-тўнтар бўлганди.

Бир оздан сўнг эшик тақиллайди ва подшоҳ хижолатли ҳолатда ичкарига узр сўраб киради.

Режа ажойиб шаклда амалга ошган эди.

Ўша кундан сўнг Фотиҳ Султон Меҳмет асло ярамаслик қилмади.

Чунки, ишонган тоғларига қор ёғган эди...

Таълим не эканини II-Мурот даражасида бўлмаса ҳам, камида ўз фарзандини янглиш йўлларга йўналтирмаслик қадар идрок этадиган ота-оналарга эҳтиёжимиз бор.

Унутмайлик, болалар эрка, тантиқ бўлиб туғилмайдилар. Уларни дипломли, мансабли, топармон, аммо тарбиясиз ота-оналар талтайтирадилар...

Устоздан шогирд ўзар. Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қилган бир ҳадисда Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом шундай марҳамат қиладилар: «Аллоҳ бир банданинг чехрасини хурсандчилик ва шодлик-ла шундай ёруғ ва мунаввар айласинки, бу банда менинг сўзларимни эшитиб, уни яхши ёд олиб, доимо эслаб юриб, уни адо этсин, яъни унга амал қилсин, мендан кейингиларга тўлиқ, комил етказсин. Гоҳо фикҳни (шаръий қонунни) кўтариб юргувчининг ўзи фақиҳ¹ бўлмас, яъни ўзи билган ҳадисларнинг маъноларига тушунмайдиган, ундан ҳукм ола билмайдиган бўлади. Гоҳо эшитувчи ривоят қилувчилардан фақиҳроқ бўлади. Мўмин кишини уч нарса ҳақдан чалғитмайди ва шу уч нарсада у хиёнат қилмайди: амалини Аллоҳ учун холис қилиш, мусулмонларга насиҳат қилиб тўғри йўлга бошлаш, жамоатни ўзига лозим тута билиш, чунки жамоатнинг, кўпчиликнинг дуолари, даъватлари туфайли уларнинг орқаларидан келаётган мусулмонлар ўз ҳақ йўлларида адашмайдилар ва уларни шайтон ўз йўлига оғдира олмайди», деб айтганлар.

Шунингдек, Имом Термизий ва бошқалар эътироф этишларича, Муҳаммад пайғамбардан қуйидаги ҳадис ривоят қилинади: «Биздан бирор хабарни эшитиб, сўнгра эшитгандай (бенуқсон) ўзидан кейинги кишиларга етказган инсоннинг юзини Аллоҳ мунаввар этсин».

Мазкур икки ҳадиси шарифда жаноб Пайғамбар шогирд гоҳида ўз устозидан кўра олимроқ ва шуғулланаётган соҳаси бўйича чуқурроқ илмга эга бўлиши мумкинлигига ишора

¹ Фақиҳ – қонуншунос.

қиладилар. Дарҳақиқат, не-не буюк алломалар номи машҳур бўлишига хизмат қилган меҳрибон устозларининг номи кўпинча номаълумлигича қолиб кетади. Шубҳа йўқки, уларнинг барчалари бу мақомга устозларининг ҳурматларини бажо келтира олганликларидан эришганлар. Чунки ҳурмат ва одоб тизгинини маҳкам ушлаб олиш, ҳар бир толибнинг ўзига хос меҳнат талаб қиладиган вазифаларидан саналади.

Бу тўғрида «Таълимул мутааллим» китоби муаллифлари шундай дейдилар: «Инсон илмга эга бўлмоғи ва ундан манфаат топмоғи учун аҳли илмларни, хусусан, устозларни улуғлаши, уларга таъзимда бўлмоғи, яъни ҳурмат-эҳтиромларини ўрнига қўймоғи лозим. Ким илму ҳунар борасида қандай ютуқларга эришган, қанчалик камол топган бўлса, бу даражага фақатгина устозларини ҳурматлаш ва улуғлаш билангина эришгандир. Кимки илм-ҳунар соҳасида йиқилган, топганларини йўқотиб тойган бўлса, бу мусибатга илму ҳунар аҳлини ҳурмат қилмагани ва уларнинг ҳуқуқларига риоя этмагани учун дучор бўлган».

Огоҳ бўлингки, инсон ҳурмат, одоб-ахлоқни тарк этиш билан гуноҳкору ношукр бўлади.

Устоз – отадек улуғ. Ҳақиқий таълим ва тарбия одамни инсонийликка тайёрлашдир. Шу маънода оталар фарзанд жисмини тарбия этиб, ўстирганлари каби, устозлар таълим бериб жонларини тарбия қиладилар. Шу сабабдан, устозлар ҳам худди ота кабидур. Шунинг учун ҳам уларни чин кўнгил ила севиш, насиҳатларига қулоқ тутиш лозим. Муаллимларга тавозели бўлиш, ҳузурларида одоб билан ўтириш, насиҳатларига амал қилиш зарур. Савоб бўлсин учун хизматларини ўрнига қўйингиз, уларга илтимос қилингиз, бошқа ўринларда ялинмоқ мўмин сифати бўлмагани ҳолда илм ўрганмоқ тўғрисида (сўраб) ялиниш мўминлик фазилатларидан эканини ёддан чиқармаслик даркор.

Муаллимларга қарши туриш, уларга қичқириш, бақиритиш, кўпол муомалада бўлиш ўтакетган беадабликдир. Ҳар бир гўзал ишларда уларнинг сўзларига жону тан ила қулоқ солмоқлик, англамаган ўринлар бўлса, одобу сабр билан: «Устоз, бу ерни англамадим ва бу сўзни билмадим», деб қайтариб сўраш эса шогирдлик, толиблик фазилатларидандир.

Устозларни одобу ҳурмат ила кутиб олиш, агарда бирор сўз сўрасалар, хушмуомалалик билан жавоб бериш ҳам толибларга хос бўлиши керак бўлган хислатлардандир. Мактабни тугатгандан сўнг муаллиму мактаб нозирларининг ўқувчилар таълими ва тарбияси йўлида заҳмат чекканларини ҳурмат билан ёдда тутиш ҳам улуғ фазилатлардандир. Зеро, устозларнинг шогирдлари устида улуғ ҳақлари бордур. Ҳазрат Али: «Менга бир ҳарф ўргатган киши мени ўзига қул қилсин», деган эканлар.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг:

Ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж¹ ила,

Айламоқ осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила, – деб битган мисраларида ҳам устоз меҳнатининг улуғворлиги ўзининг ажойиб ифодасини топган.

Раҳм ва шафқат. Имом Бухорийдан келтирилган бир ҳадиси шарифда шундай ҳикоя қилинади. Чўлда юрган бир одам сувсизликдан жуда ташна бўлди. Ниҳоят, йўлидан қудуқ чиқиб қолди ва сув тортадиган арқон-пакир йўқлигидан қийналиб, тушиб сув ичди. Қудуқдан чиқиб биров юргач, чанқаб тиллари осилиб қолган, тупроқ ялаб ётган бир итни кўриб қолди. Итни бу аҳволда кўрган раҳмдил одам ўзига-ўзи: Мени қийнаган сувсизлик, ташналик бу итга ҳам азоб бермоқда, ит ҳам мендек ташна ётибди, деди ва яна қудуққа тушиб, пойафзалига сув тўлдириб, тишларида тишлаб сувни бир амаллаб қудуқдан олиб чиқди-да, итга сув ичирди. Бу одамнинг итга бўлган раҳмдиллиги, марҳамати Аллоҳга хуш келди, ул одам жаннатий бўлди.

Юрагида шафқат ва меҳрибонлик, ачиниш туйғуси бўлмаган киши чин инсон ҳисобланмайди. Шунинг учун ота-боболаримиз: «Меҳрибонлик, раҳмдиллик имондандир», деганлар. Имонсиз одамлар бемеҳр бўладилар. Ўзтиқоди бўлмаганнинг марҳамати ҳам бўлмайди. Тарихда бунга мисоллар кўп. Итга меҳр-шафқат кўрсатиб, раҳм қилган шу одамнинг жаннатга боришини тушунсак, ҳидоятга эришамиз. Меҳр-шафқати бўлмаган одамлар қийин аҳволга тушиб қолганларида уларга ҳам ҳеч ким шафқат қилмайди, ҳеч ким ёрдамга келмайди. «Қилмишига яраша» дегани шундан. Ҳар қандай бемеҳрлик оқибатсиз, жазосиз қолмайди.

¹ Ранж – қийинчилик.

«Шарҳи Усфурий» китобида ёзилишича, Ҳазрати Умар вафотларидан сўнг шайх-муҷтаҳидлар¹ тушларида уни жаннат боғларида сайр қилиб юрган ҳолда кўриб сўрадилар: «Эй Умар, бу даражага тоатингиз орқасидан етишдингизми ёки одиллигингиз орқасиданми?» Умар: «Бир куни Мадина кўчаларида ёш болалар бир чумчуқни оёқларидан боғлаб, қийнаб ўйнашаётган эди, раҳмим келиб, уни болалардан сотиб олиб, озод қилиб юбордим. Ана ўшанинг эвазига бу даражаларга эришдим», деб жавоб берган эканлар.

Ислом кишиларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга, динидан ва миллатидан қатъи назар, ўзаро ҳурмат, иззат кўрсатишга ундайди.

Шундай экан, ҳар бир киши ўзида раҳмдиллик, шафқатлилик сифатларини камол топтиришга ҳаракат қилиши лозим.

Бой ва дарвеш (ибратли ривоят)

Масжидда бир бой одам билан бир дарвеш ибодат қилар эдилар. Улар бир-бирларига яқин ўтирганларидан, қилаётган дуолари бир-бирларига эшитилиб турар эди. Дарвеш намоздан сўнг шундай дуо қилди: «Аллоҳим! Қорним жуда оч. Менга фалон таом ва фалон ширинликлардан етказ». Шунда бой ичида шундай деди: «Бу дарвеш атайин менга эшиттириш учун овозини чиқариб дуо қиляпти. Ўзимга айтса ҳам бўларди-ку. Унга ҳеч нарса бермайман».

Нафс доим шундай, ҳар ишга аралашади... Дарвеш дуоларини тугатиб, масжиднинг бир четига бориб ёнбошлади. Бир оздан сўнг масжидга бир одам кўлида сават билан кириб келди. Дарвешнинг олдига бориб, саватни унинг ёнига қўйди. Бу ҳолни бой одам орқадан кузатиб турарди. Дарвеш саватнинг устини очди. Саватда дарвеш дуосида сўраган таом ва ширинликлар турарди. Бой бу ҳолатни ҳайратланиб томоша қилиб турди. Дарвеш таом ва ширинликлардан тўйгунча еди. Қолганини келтирган одамга қайтариб берди. Ҳалиги одам саватни кўтариб масжиддан чиқди. Бой туриб у одамнинг орқасидан борди ва тўхтатиб сўради:

¹ Мужтаҳидлар – ислом динининг тўртта асосий манбалари (Қуръон, ҳадис, ижмоъ, қиёс) асосида шариат ҳукмларини ишлаб чиқиш қудратига эга олимлар.

- Сен кимсан?
- Мен бир ҳаммол одамман.
- Бу нарсаларни ким юборди?
- Ҳеч ким юбормади. Ўзим келтирдим.
- Сен бу одамни танийсанми?
- Йўқ, танимайман.
- Танимаган, билмаган одамга нега шунча нарса олиб келдинг?

- Сизга англатай, - деди дарвеш, кулиб. - Мен бир фақир одамман. Одамларнинг юкини ташиб кун кўраман. Бугун бир бой одамнинг юкини ташидим. У менга жуда кўп пул берди. Мен ҳам дарҳол бошқа вақт болаларимга едиrolмаган таомлар учун бозорлик қилдим. Уйга олиб бордим. Аёлим таомни тайёрлар экан, мен ухлаб қолдим. Тушимда Пайғамбаримиз (сав)ни кўрдим. У Зот менга шундай дедилар: «Мана шу масжидда бир валий инсон бор. У ҳозир мана шу таомларни истамоқда. Сен унга мана шу таомларни олиб бориб, едир. У бу таомлардан еганича есин. Сен қолганини олиб келиб ўзинг е. Шунда сенга баракот бўлади. Шу ишни қилсанг, мен сени жаннатга киришинг учун кафил бўламан».

Уйғондим-у, таомларни олиб масжидга югурдим. Воқеъанинг қолганига ўзингиз гувоҳ бўлдингиз. Бой деди:

- Шу таомларга канча пул сарф қилдинг?
Дарвеш, фалонча, деди.
- Шу пулнинг ўн баробарини бераман, сен шу савобнинг бир бўлагини бер.

Фақир одам:

- Бўлмайди, - деди.
- Йигирма баробарини бераман.
- Бўлмайди.
- Эллик баробар.
- Йўқ.
- Юз...
- Бекорга овора бўлманг. Қанча берсангиз ҳам, савобимни сизга бермайман. Тушунинг, Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассалом менга бу ишим учун Жаннатни ваъда қилдилар. Сиз менга бутун дунёни берган тақдирингизда ҳам, мен буни сизга

бермайман. Қаранг, сиз бу одам билан ёнма-ён туриб намоз ўқиб, савобдан бебаҳра қолдингиз. Агар тақдирингизда бўлганида, бу иш сизга насиб қилар эди!

Такрорлаш учун саволлар:

1. Раҳм-шафқат, Силаи-раҳм каби тушунчаларга изоҳ беринг.
2. Аввало ўзингизкиларга, кейин бошқаларга яхшилик қилиш даъватини бажариб уддалаётган инсонлардан кимларни биласиз?
3. Искандар Зулқарнайннинг «Отам мени Осмондан ерга туширди (унинг руҳи осмондан тушиб жасадимга кирган), устозим эса, мени ердан осмонга кўтарди» деган гапини қандай тушундингиз?
4. Устознинг шогирдда, шогирднинг устозда қандай ҳақ ва бурчлари бор?
5. Сиз устоз бўлсангиз, қандай устоз бўлардингиз?

МАВЗУ: БИЛИМ – АҚЛ БУЛОҒИ

1. Билим – ақл булоғи, одоб – ҳаёт чироғи
2. Билмаганин сўраб ўрганган – олим
3. Саҳийлик – яхши одат, баҳиллик – ёмон иллат
4. Яхши сўз – жон озиғи

Калит сўзлар: Билим, илмлилик, билим олиш одоби, олим, устоз, устозга эҳтиром, саҳийлик, баҳиллик, муомала маданияти, ширин сўзлилиқ.

*«Илм ва изланиш бўлмаган жойда
ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман
бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди».*

Шавкат Мирзиёев

Билим – ақл булоғи, одоб – ҳаёт чироғи. Инсон ҳаётида илм эгаллаш улкан фазилатлардан бири ҳисобланади. Чунки инсон илм билан шарафга эришади. Қуръони карим оятлари илмга тарғиб қиладиган «Ўқи!» деган хитоб билан бошланади. Бошқа кўплаб оятлар ҳам илм олиш ва ўрганишга даъват қилади. Ҳадис китобларида «Бешиқдан то қабргача илм ўрган», «Илм олмакка интилиш ҳар бир муслим, муслима учун фарздир» дейилади ҳамда илм ҳар нарсадан юқори экани кўрсатилган. Билим энг олий мақсад – дунёни билиш билан баҳраманд бўлиб қолмай, шахс маънавиятини бойитишда ҳам аҳамиятлидир.

Ислон чақираётган илм қандай илм? Фақат диний илмми? Йўқ, бу илм билимсизликни йўқотадиган барча илмлардир. Аллоҳ мусулмонларни мана шу барча илмларни ўрганишга қизиқтиради.

Ҳар бир инсон ёшлиқ даврини ғанимат билиб келажакда ўзи, оиласи, халқи манфаати, бахт-саодати йўлида фойда берувчи билимларни эгалламоғи зарур. «Ёшлиқда олинган билим гўё тошга ўйилган нақш кабидир» дейди халқимиз. Шундай экан, илм олишга ёшлиқдан ҳаракат қилиш керак. Киши ҳаётини тўғри йўлга соладиган восита ҳам илмдир. Илм киши зеҳнини, фикрини қилич каби ўткир қилади. Илмсиз инсон мевасиз дарахтга ўхшайди. Илм дарахт меваларидек ҳар шахсга озуқа бериб, маданият ва маърифат дунёсига олиб киради. Илм бойлик манбаи

бўлиб, ақлни мустаҳкамлайди, иззатни оширади, ҳар бир кишини камолга етказди, умрини боқий қилади.

«Илм эгалланг! Илм саҳрода дўст, ҳаёт чорраҳаларида таянч, ёлғиз дамларда йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мададкор, одамлар орасида зебу зийнат, душманлар орасида қуролдир» дейилади ҳадисларнинг бирида. Демак, билимгина инсонни озод ва эркин, қудратли ва улуғвор қилади.

Одоб – киши қадрини баланд қилувчи, маънавий камолотга етказувчи қимматли сифатлардан. Одоби киши эл ўртасида эъзозлидир. Ақлнинг суянчиғи бўлган одоб барча фазилатларнинг шаъни ва ҳикматидир. Доно халқимизнинг *«Одоб ақлли киши учун улуғлик ва фазилатдир»*, *«Одоб бозорда сотилмас»*, *«Одобсиз ақл – ақлсиз одоб йўқ»* мақолларида одобнинг фазилатлари мужассамлашгандир. Шундай экан, ақл ва одоб бир-бирига боғлиқ. Инсонда ҳар иккови мавжуд бўлсагина, у камол топади. Одоб киши фаолиятини белгиловчи жараён бўлиб, уни барча хатолардан сақлайди. Натижада унинг хулқий гўзаллиги ортади. Одоби бўлиш, эл ўртасида одоб сақлаш, насиҳатларга амал қилиш инсоф ва имонли бўлишнинг асосий омилидир. Ўз тилини одоб билан қуроллантирган, қўлини эса тўғрилиқка одатлантирган кишигина камолотга етиши мумкин. Баркамолот инсон яхшилик билан ёмонлик фарқини билади, ўз фаолиятида ёлғон хислатлардан холи бўлади, чиройли фазилатларни эгаллайди.

Билмаганин сўраб ўрганган – олим. Доно халқимизда *«Сўраганинг айби йўқ»*, *«Сўрагандан сўрамаган ёмон»*, *«Сўраб-сўраб Маккани топибди»*, *«Кўп юрганга эргашма, кўп билганга эргаш»* деган ҳикматли гаплар бор. Демак, билмаганин сўраб билиб олишлик тўғри йўлни топиш, кўзланган мақсадларга эришишнинг зарурий шартидир.

Инсоннинг куч-қудрати, мавқеи ва мартабаси, қўлга киритадиган ютуқлари ҳам билимдандир. Бу хусусда Шайх Саъдий ўзининг машҳур «Гулистон» асарида шундай ёзади: «Имом Ғаззолийдан: «Илмда бундай юксак даражага қандай етишдингиз?» деб сўраганларида, ул киши: «Билмаган нарсамни сўраб ўрганишдан уялмадим», деб жавоб бердилар.

Навоийнинг:

Билмаганин сўраб ўрганган – олим,

Орланиб сўрамаган – ўзига золим.

Оз-оздан ўрганиб доно бўлур,

Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур, – деган мисраларининг мақолга айланиб кетгани ҳам халқимизнинг илм-маърифатга бўлган эътибори нишонасидир.

Сахийлик ва бахиллик. Сахийлик покиза кишиларга хос улуғ сифатлардан бўлиб, ҳимматлилик кишининг қўли очик эканини, муҳтож кишиларга беғараз, холис ёрдам беришни англатади. сахийлик саховатлилик бўлиб гадони шоҳ этгувчи инсоний фазилатдир.

Ислом тарихида энг катта саховат кўрсатувчи зот Муҳаммад пайғамбардир. Ул зотнинг саҳобаларидан бири шундай дейдилар: «Пайғамбаримиздан бирор нарсани сўрасангиз, ҳеч қачон қуруқ қайтармас эдилар. Бор бўлса берардилар, йўқ бўлса беришга ваъда қилардилар».

Одамлар орасида севги ва муҳаббатни орттирувчи энг муҳим нарса ўзаро ёрдамлашиш ва саховатдир. Яратган ўзининг севган бандаларини саховат ҳиссидан баҳраманд қилган. Қуръони каримда ҳам: «Аллоҳ ўз фазлидан берган неъматларга бахиллик қилаётганлар учун бу амалларини яхши деб ҳисоблама, балки бу улар учун ёмондир. Қиёмат кунида бахиллик қилиб бермаган нарсалари билан бўйинларидан бўғиладилар», дея бахилликдан қайтарилган. Бахил киши бировга ёрдам беришни, камбағал, ночор кишиларга ўз бойлигидан улашишни ёмон кўради. Бу уларнинг қалби ҳасадга тўлалигидан далолатдир. Қаердаки бахиллик кенг тарқалган бўлса, ўша ерда меҳр-оқибат йўқолади. Бахил киши одамларнинг ҳақоратига учраб, хор бўлади. Кимки кўнглим тинч, ҳаётим саодатли бўлсин деса, бахилликдан қочади.

Бир кишининг Саид исмли ўғли бўлиб, отаси мактабга кетаётганида доим емак учун 10 тийин пул берар экан. Кунларнинг бирида Саид мактабга кетаётиб фақир кишига йўлиқибди:

– Ўғлим, икки кундан бери очман, таом олиб ей десам эғнимдаги йиртиқ чакмондан бошқа ҳеч нарсам йўқ. Бир оз ақчанг бўлса, берсанг савоб топура эдинг, – дебди.

Саиднинг фақир ҳолига раҳми келиб, отаси берган 10 тийинни берибди. Фақир бу ёш йигитни қилган шафқату марҳаматига

офаринлар айтиб, йиғлай-йиғлай дуолар қилибди. Саид ўша кунни, оч қолса ҳам, ҳеч кимга билдирмай, сабру қаноат ила ўтказибди. Мактабдан қайтгач воқеани отасига айтиб берибди. Отаси ҳам «Сахий Саидим» деб хурсанд бўлиб дуо қилибди. Эртаси кундан бошлаб ўғлига 20 тийин беришга ваъда қилибди. Сахий фарзанд олган 20 тийиннинг 10 тийинини еб, 5 тийинини фақирларга берибди, 5 тийинини эса йиғиб тезда бой бўлиб кетибди.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек:

Бахл эрур барча сифатдин хасис,

Лек сахо¹ жавҳари асру нафис.

Демак, сахийлик эзгуликнинг, барча яхшиликларнинг асоси, бахиллик барча ёмонликларнинг илдизидир.

Саховат (Ибратли ривоят)

Бир киши дўконга кириб бананнинг нархини сўради:

- Банан қанча туради?

- Ўн икки дино́р.

- Олма-чи?

- Ўн дино́р.

Шу пайт дўконга маҳаллада турадиган бир кампир кирди ва банан ва олманинг нархини сўради. Сотувчи унга банан уч дино́рлигини, олма эса икки дино́рлигини айтди. Кампир "алҳамдулиллаҳ, болаларим мазза қиладиган бўлишди", деди. Олдин кирган киши сотувчининг бу ишидан ғазабланиб кўзлари қизарди. Сотувчи унга қизишмай туришини ишора билан англатди. Кампир харидини олиб дўкондан чиққач у кишига деди:

"Аллоҳга қасамки, мен сизни алдамадим, сизга хиёнат қилмадим. Бу кампирнинг тўртта еtimi бор. Ҳеч кимдан ёрдам олишни хоҳламайди, ифбатли. Неча бор ёрдам бермоқчи бўлдим, кўнмади. Кейин унга қандай ёрдам қилишимни ўйлаб шу йўлни топдим. Яъни, унга нархни арзон айтаман. У ҳеч кимга муҳтож эмасман, деб ўйлайди. Мен ҳам яхшилик қилишни хоҳлайман. Аллоҳ билан ушбу тижоратни йўлга қўйдим. Бу кампир ҳафтада бир келади. У келган куни жуда кўп фойда кўраман. Унинг дардига малҳам бўлишни хоҳлайман.

¹ Сахо – саховатлилик.

Ҳалиги киши айтади: "Мен дўкандорнинг бу қилмишидан хурсанд бўлиб унинг пешанасидан ўпдим".

Инсонларнинг ҳожатини чиқаришда шундай бир лаззат борки, уни фақат тажриба қилганлар билади. (Муҳаммадшокир Умарали саҳифасидан)

«Ҳотамнома» қиссасига саёҳат

Ҳотам халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт тарихида саҳийлик тимсоли сифатида машҳурдир. Ҳатто унинг номи ҳозирги ўзбек тилида Ҳотам, Ҳотамтой тарзида қўлланиб «саҳий», «қўли очик» каби маъноларни ифодалайди. Ҳотамтой ким ўзи? У саҳийлик бобида қандай ишлар қилган? «Ҳотамнома» асарида мазкур саволларга тўлиқ жавоб топиш мумкин.

«Ҳотамтой» асли Ҳотам ат-Тоий бўлиб, худди «Бухорий» деганимиз каби, Яман давлатининг «Тоий» қабиласида яшаб ўтган йигит. Унинг саҳийлиги бутун араб дунёсига маълум ва машҳур. «Ҳотамнома» асарида унинг саҳийлик, ростгўйлик, мурувват ва саховатлилиги тараннум этилган. Кунларнинг бирида мамлакат шохининг қулоғига «Тоий» қабиласида саҳийликда тенги йўқ Ҳотам исмли йигитнинг учқур, зотдор оти борлиги ҳақидаги хабар етади. Отларга қизиқиши зўр бўлган шох элчи юбориб, Ҳотам ўз отини шохга тортиқ қилишини ёки сотишини сўрайди. Кутилмаган меҳмон Ҳотамнинг эшигини қоқиб ўзини таништиради. Шу вақт Ҳотамнинг уйида меҳмон учун сўйишга яроқли отидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди. Меҳмоннинг келиш сабабини сўрамасданоқ саховатпеша йигит ўз отини сўйиб, бир неча кун шох вакилини меҳмон қилади. Меҳмондорчиликдан боши осмонга етганини билдириб, элчи келишидан мақсад подшоҳ унинг отига харидорлигини айтибди. Шунда Ҳотам: «Шохга айтинг, Сиз сўраган отни Ҳотам юборган элчингизга сўйиб, меҳмондорчиликка сарф қилди денг», – дея жавоб берган экан.

Қиссадан ҳисса шуки, агар инсон қўли очик, саҳий бўлса, бошқалар учун ноёб бўлган нарсани ҳам аямайди. Шунинг учун биз ҳам бахил бўлмасдан, қўлимиздан келганича саховатли бўлишимиз зарур. Халқимизнинг «Бахилнинг – боғи кўкармас» деган ҳикматини доимо ёдда тутиш лозим.

Оила ва жамиятда содир бўладиган баъзи нохушликлар диққат билан кузатилса, кўпинча унинг сабаби кўпол сўз, дағал муомала эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

«Яхши сўз тўрга элтар, ёмон сўз гўрга», дейди доно халқимиз. Ҳақиқатдан ҳам ширин сўз муваффақиятлар гаровидир. Хушмуомалалик инсонни юксалтиради, дўстларини кўпайтиради, кишиларнинг ҳурматига сазовор қилади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло бандаларини ширин сўз бўлишга чақиради. «Менинг бандаларимга айтинг, яхши сўзларни сўзласинлар». Бу оятда мусулмонларга, улар доимо хушмуомала ва ширинсўз бўлсинлар, агар ёмон сўзларни ихтиёр қилсалар, ёмонлик ва душманлик содир бўлади, деган эслатма бор. Шунинг учун ҳам улуғларимиз: «Кўпинча тил билан етказилган жароҳат, қилич билан етказилган жароҳатдан оғирроқдир. Тилингдан чиққан садақа (панду насиҳат ва яхши сўз) баъзан кўлингдан (молу дунёнгдан) чиққан садақангдан кўра хайрлироқдир», деб бежиз айтмаганлар.

Шундай экан, тинчлик ва бахт-саодатни орзу қилган жамият аъзолари очик юзли ва ширин сўзли бўлмоқликлари зарурдир.

Қадимда Эзоп исмли файласуф ўтган. Ўзи қул бўлса-да, ақл-заковати туфайли кўп эътирофларга сазовор бўлган. Кунлардан бир кун ҳожасининг уйига келган меҳмонлар Эзопни мот қилмоқчи бўлиб, энг ширин нарсадан таом тайерлашни буюрибдилар. У тилдан тайёрланган таом келтирибди. Меҳмонлар энди энг аччиқ нарсадан егулик пиширишни сўрабдилар. Донишманд яна тилдан таом келтирибди. Меҳмонларнинг ҳайратларига у “энг ширин нарса ҳам, энг аччиқ нарса ҳам тил-ку”, дея жавоб берган экан.

Топширик

Мақолларни давом эттиринг ва шарҳланг.

Кўл югуриги ошга, тил югуриги-

Тилингда бўлса болинг, кулиб турар ...

Буғдой нонинг бўлгунча, буғдой ...

Яхши гап – дил ...

Такрорлаш учун саволлар:

1. «Саховат – шохлари дунёга тушиб турган жаннат дарахтларининг биридир. Ким бу дарахтнинг шохларидан бирини ушласа, у шох ўша одамни жаннатга етаклайди. Хасислик – шохлари бу дунёга тушиб турган жаҳаннам дарахтларининг биридир. Ким бу дарахт шохларидан тутса, у шох ўша одамни жаҳаннамга етаклайди». Мазкур ҳадисдан нимани англадингиз?

2. «Ўргатувчи бўлинг, ё ўрганувчи бўлинг, ёки иккисининг ўртасидаги эшитувчи бўлинг, ё уларни яхши кўрувчи бўлинг, бешинчиси бўлманг, ҳалок бўласиз» дейилган ҳадисни қандай шарҳлайсиз?

МАВЗУ: ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ОДОБИ

1. Инсон ўзини қаерда ва қандай тутмоқлиги ҳақида
2. Ўзини парвариш қилиш одоби (ейиш, ичиш ва озодалик)
3. Орасталик – яхши одоб
4. Эҳтиёткорлик – яхши фазилат

Калит сўзлар: маданият, комиллик, тарбия, одоб, таомланиш одоби, кийиниш одоби, покизалик, озодалик, тежамкорлик, эҳтиёткорлик.

Инсон ўзини қаерда ва қандай тутиши лозим? Инсонлар истеъдод ва қобилият, яхши ила ёмон, фойда ила зарар, оқ ила қорани фарқлайдиган қилиб яратилади. Лекин бу қобилият камолга тарбия ила етказилади.

Табиб ҳастанинг баданидаги касалга даво қилгани каби тарбиячилар ҳам боланинг вужудидаги жаҳл маразига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан бериб, катта қилмоғи лозимдур.

Боланинг сиҳати ва саодати учун фарзанд туғилганидан яхши тарбия бермоқ, танини пок тутмоқ, жисмини қувватлантирмоқ, ёшлигидан яхши хулқларни ўргатмоқ, зеҳнини равшанлаштирмоқ, ёмон иллатлардан сақлаб ўстирмоқ зарур шартлардандир.

Тарбия аввало уйда, сўнгра боғча, мактаб, жамоада бериб борилади. Ана шу тарбия натижасида инсон ўзини уйда,

мактабда тутиш одобларини, сўзлашув, емак-ичмак, юриш-туриш, кийинишнинг тартиб қоидалари, маданиятини ўзлаштириб боради.

Ана шуни назарда тутиб Абдулла Авлоний:

Ҳар кишининг дунёда ороми жони тарбият,

Балки охирида эрур дорул омони тарбият.

Тарбият ҳамроҳ этадур, ҳур ила рўзвонлара¹,

Гар десам бўлмас хато жаннат макони тарбият, – деб ёзган эдилар.

Инсон қаерда ва кимнинг ҳузурида бўлмасин, ўзини тўғри тутиши, ўз ҳаддида² туриши, гапириш, суҳбатлашиш одобларига риоя қилиши лозим. Зеро улуғлар айтганидек, барча ютуқлар инсоннинг ўзи устидан қозонган ғалабасидан бошланади.

Керагидан ортиқча гапириш, ноўрин ва беъмани саволлар беришга ҳаракат қилиш кишининг обрўсини туширади. Ўқитувчи ва устозларга савол бериб, бирор нарсани сўраганда ҳам шогирдлар аввал ўйлаб, сўнгра савол беришлари лозим. Чиройли савол бериш – ярим илм, деб бежиз айтилмаган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўзини тута билиш ҳаётдаги энг олий неъматларнинг биридир. Шундай экан, киши ўзини тута билиши ва қарорларига итоат қилишни ўрганмоғи лозим.

Ўзини парвариш қилиш одоби (ейиш, ичиш ва озодалиқ).

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Аллоҳ покдур, покликни севади ва озодалиқни яхши кўради ҳамда у саховатлидир. Саховатликни севади ва меҳрибонлик унга маҳбубдир...».

Покизалиқ ҳар бир давр ва ҳар бир замоннинг талаби бўлган. Овқатдан аввал ҳам, кейин ҳам қўлни ювмоқ суннатдир. Овқат қошиқ билан ейилса ҳам ундан олдин киши бошқалар билан қўл бериб кўришиши, бурнини қоқиши, баданини силаши мумкин эмас, булар инсон қўлига турли-туман микробларнинг ёпишиб қолишига шароит яратади. Микроблардан сақланиш эса саломатлик гаровидир.

¹ Рўзвонлар – жаннат ҳурлари.

² Ҳаддида – чегарасида, меъёрида.

Овқат ейишдан илгари баландроқ овозда «Бисмиллаҳир раҳманир раҳим»¹ дейилади. Бу айтишни унутган баъзиларга эслатмадир. Таом еб бўлингач, секингина «Алҳамдулиллаҳ» дейилади. Бу кишининг тўйганини билдириб, Аллоҳ берган неъматларига шукр қилишдир.

Пайғамбаримиз овқатдан сўнг ҳеч вақт таомни ёмонламас эдилар. Иштаҳалари тортса ер, тортмаса емас эдилар. Таом еган вақтда шошилиш, бирини яхши чайнаб ютмасдан иккинчисини оғзига солиш, оғзини тўлдириб олиш беодоблик бўлиши билан бирга соғлиқ учун ҳам кони зарардир.

Шуни назарда тутиб ҳазрат Алишер Навоий:

Сиҳат тиласанг, кўп ема,

Иззат тиласанг, кўп дема, – деб ёзганлар.

Кайковус ўзининг «Қобуснома» асарида шундай дейди: «Эй фарзанд, агар таом бўлса, ҳамтовоқларингни чақиргил, то сенинг бирла таом есунлар, аммо таомни тез емагил ва оҳиста егил. Таом емак вақтида одамлар била сўзлашгил, бу ислом шартидур, лекин ҳамтовоқларингнинг олгон луқмасига қарамагил».

Шундай қилиб, луқмани катта-катта қилиб ёки бировнинг олдидагисини олиш, бировнинг луқмасига тикилиш, товоқнинг ўртасига қўл чўзиш, қўлига ёпишган гуручларни қайтариб товоққа солиш мумкин эмас. Овқат ўнг қўл билан ейилади. Ош еганда чап қўл ўнг қўлнинг тагига тутилади. Иссиқ овқатни ёки чойни пуфлаб совитиш яхши эмас, чунки нафас билан чиққан микроблар овқатга қўниб, истеъмол қилган кишини зарарлантиради. Совиб қолган чой ёки сувни бир симиришда ичиб қўйиш мумкин эмас, бир симиришда ичиш ҳайвонлар одатидир, шунинг учун сувни уч бўлиб ичиш тавсия қилинган. Оила аъзолари бирга бир товоқдан овқатланганда, болалар ота-онадан кейин қўл чўзиши керак. Инсоннинг пок бўлиши, покиза луқма истеъмол қилиши, ошхона анжомларининг ҳам озода бўлиши ва унга ҳамиша амал қилиш соғлом турмуш тарзининг асосий омилидир.

¹ Бисмиллаҳир раҳманир раҳим – «Меҳрибон раҳмдил Аллоҳ номи билан бошлайман» деган маънони англатади.

«Пок бўлинглар, зеро поклик имондандур»; «Поклик кишини имонга чақиради, имон эса, ўз соҳиби билан жаннатда биргадир» деган ҳадислардаги ҳикматларни доимо ёдда тутмоқлик эса турмушимизнинг янада пок ва кўркем бўлишига хизмат қилади.

Орасталик – яхши одоб.

Поклик, тозалик инсон учун энг зарур хислатлардандир. Муқаддас ислом динида ҳам покликка катта эътибор берилган.

Қуръони карим кўрсатмалари ва Муҳаммад пайғамбар ҳадисларидан маълумки, ислом дини асосан покизалик устига бино қилинган. Бу эса инсонлар ҳамма соҳаларда покликка, тўғрилиқка риоя қилмоқликлари лозим деганидир. Пайғамбар саҳобаларга доимо таомдан олдин ва кейин қўл ювиш кераклиги, бунга катта эътибор берилиши ҳақида кўп гапиришларини мисол тариқасида келтириш kifоядир.

Оятлардан бирида ҳам: «Эй Муҳаммад, агар менга ибодат қилмоқчи бўлсангиз, кийимларингизни тоза қилинг», деб буюрилади. Пайғамбар: «Албатта, Аллоҳ покдир, покизаликни яхши кўради», «Аллоҳ тозадир, тозаликни яхши кўради», деб марҳамат қилганлар. Шунингдек, ул Зот тозалик имонданлигини таъкидлаб, «Поклик имоннинг бир бўлагидир» деганлар.

Поклик, тозалик деганда фақат бадан ёки либос поклиги ё чиройлилигини эмас, балки яшаб турган уй-жой ва атрофдаги ўқув масканлари, иш жойларини покиза сақламоқлик ҳам назарда тутилади.

Пайғамбарнинг яна бир ҳадисида: «Ҳар бир мусулмон жума куни тирноқ олиб, ғусл қилиб, хушбўй атирларни сепмоқлиги лозимдир», деб марҳамат қилганлар.

Бундай яхши фазилатга киши амал қилса, у турли хил юқумли касалликлардан йироқ бўлиб, ҳам суврати, ҳам сийрати (ички дунёси) билан бошқаларга ўрнак бўлади.

Эҳтиёткорлик – яхши фазилат

Юксак ахлоқли инсонларнинг мақтовга лойиқ фазилатларидан бири, бу уларнинг огоҳлик ва эҳтиёткорлик хислати билан хулқланганликларидир. Эҳтиёткорлик, энг аввало қилаётган иши ва гапираётган гап-сўзларининг оқибатини мулоҳаза этиш демакдир. Бу фазилат инсонни ҳар жабҳада¹

¹ Жабҳа – соҳа, йўналиш, шароит.

тобора зийрак бўлишга ундайди. Қуръони карим оятларида ана шундай ахлоқий сифатга эга бўлишга чақирилади. Масалан, «Абаса» сурасида Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга танбеҳ бериб, ёнларига келган кишиларга огоҳ, хоссатан¹, уларнинг кўнгилларини оғритмаслик тўғрисида эҳтиёт бўлишга буюради.

«Эй мўминлар, (сизлардан бўлган) бир қавм, (бошқа) бир қавмнинг ёки бир кишининг устидан кулмасин – эҳтимолки (ўша масхараланаётган қавм) масхара қилувчилардан яхшироқ бўлсалар... Ўзларингизни (яъни, бир-бирларингизни) мазах қилманглар ва бир-бирларингизга лақаблар қўйиб олманглар. Имондан кейин фосиқлик билан номланиш (яъни, имонли кишининг юқорида ман қилинган фосиқона ишлар билан ном чиқариши) нақадар ёмондир. Ким тавба қилмаса бас, ана ўшалар золим кимсаларнинг ўзидирлар», деб бизга эҳтиёткорлик ва огоҳлик сифатларини қайси ўринларда моҳирона ишлатишимиз кераклигини ҳам кўрсатади.

Ҳадисларда ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор берилганини кўрамиз. Бир ҳадисда² «Аллоҳ сизларни огоҳликка ва эҳтиёткорликка буюрди» дейилган. «Ё Расулуллоҳ, душманларгами?» деб сўраганларида, шундай жавоб берилган: «Ҳа, албатта! Лекин ўзингизга, сизга дунё ва охиратингиз учун нима кўпроқ фойда ва зарарини билишга огоҳ ва эҳтиёт бўлмоғингиз керакдир», дейилган.

Демак, ҳар бир инсон, ким бўлишидан қатъи назар, огоҳ ва эҳтиёткорлик воситасида дунё ва охират фазилатларига ноил бўлар экан. Албатта, мулоҳазали, эҳтиёткор инсон ҳаммага манзур, эл орасида мўътабар бўлади.

Қиз бола фазилати, ўғил бола хислати

Қуръони каримда: «Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишига қизларни ҳадя этур ва ўзи хоҳлаган кишига ўғилларни ҳадя этур» дейилган. Оятда биринчи галда қиз фарзанднинг тилга олинганига эътибор берсак, қиз фарзанднинг ўғил фарзанддан кўра фазилатлироқ, эъзозлироқ эканини англаймиз. Пайғамбаримиз ҳам қиз бола туғилган уйда барака, ризқ мўл бўлади, «Зинҳор қиз болалардан

1 Хоссатан – хусусан.

1 Асҳоби киром - улуғ саҳобалар.

юз ўғирманг. Мен қизларнинг отасиман» дея марҳамат қилганлар.

Ривоят қилишларича, Расулуллоҳ: «Ҳар бир мусулмон кишининг иккита қизи бўлиб уларни яхши ахлоқ, яхши муомала билан тарбия қилса, қизлари унинг албатта жаннатга киришига сабабчи бўлади», деганлар. Мазкур мисоллардан қизларга бўлган чуқур эҳтиром эътибор кўриниб турибди. Қизлар – эртанинг онаси, оиланинг зийнати, келажак наслларнинг муаллимаси, энг юксак шараф соҳибасидир. Шундай экан, улар қанчалик тарбияли, шарму ҳаёли, иболи бўлсалар, шунчалик ақлли фарзандлар камол топади.

Ҳаё ила иффат аёлларнинг маънавий гўзалликларидир. Бу шундай гўзаллики, уни ташқи гўзаллик билан алмаштириб бўлмас. Ҳаёли ва одобли бўлмоқ ҳар вақт хайрли ишларга сабаб бўлур. Вазифамиз пок, иффатли, нозик табиатли, гўзал қизларимизни оқила, билимдон, ҳар соҳада етук, соғлом қилиб тарбияламоқдур.

Аёл-қизлар ҳаё-ю иффат билан қанчалик назокатли, зебо бўлсалар, ўғил болаларнинг безаги уларнинг ғайрату шижоатидир. Йигитнинг мардлиги, баҳодирлиги, ахлоқий камолоти таҳсинга сазовордур. Албатта уларнинг жамият ва ҳаётимиздаги ўринлари жуда муҳимдир. Аввало оилани бошқариш, таъминлаш, муҳофаза қилиш эрларнинг зиммасидадир. Оилада, жамиятда ҳар хил муаммоларни етти ўлчаб бир кесган ҳолда ҳал қилиш, ақл заковат билан иш кўриш, мунозараларга усталик билан барҳам бериш эр йигитнинг масъулияти ва мажбуриятидир. Шундай экан, йигитларимиз жисмонан бақувват, чидамли, чиниққан, сабр-матонатли, бир сўз билан айтганда, мард бўлишлари лозим.

Зеро, мардлик одамларни ажойиб ишларга ундовчи фазилатдир. Жамият эса пок ва мард инсонларнинг сабъ-ҳаракатлари ва ватанпарварлиги билан янада гуллаб яшнайди.

Тест

Озодалик ҳар қандай даврларда ҳам юқори баҳоланган, қадрланган. Бу, албатта, инсоннинг болаликдан қандай тарбия топгани билан боғлиқ. Мазкур тест ҳам қанчалар озода эканингизни текшириб олишда сизга ёрдам беради.

1. Тушлик пайтида кимдир эҳтиётсизлик қилиб кийимингизга овқат сачратиб юборди. Қандай йўл тутасиз?

А) Ҳазилга бураман. Ҳаётимдаги кўрган-билган кўнгилсизлик шу бўлсин. — 0 балл

Б) Уйга бориб тозалайман. Лекин у одамга индамайман. Ўзим ҳам шундай ҳолатга тушганман. — 1 балл

В) Кун бўйи кайфиятим тушиб юраман. — 2 балл

Г) Уришиб ташлайман. — 3 балл

2. Кўчада конфет едингиз. Лекин қозонини ташлашга жой йўқ. Нима қиласиз?

А) Ерга ташлаб кетавераман — 0 балл

Б) Чўнтакка солиб қўяман. Ахлат идиши учраса ташларман. — 1 балл

В) То ахлат идиш топмагунча қўлимда ушлаб юраман. — 2 балл

Г) Мен кўчада конфет емайман. — 3 балл

3. Идиш-товоқни қачон ювган маъқул деб ўйлайсиз?

А) Уйда тоза идиш қолмаганда. — 0 балл

Б) Эрта тонгда. — 1 балл

В) Одатда овқатланиб бўлгач, ювган маъқул. Лекин одам эринса, эрталабга қолдирса ҳам бўлаверади. — 2 балл

Г) Овқатланиб бўлиб оқ идишларни албатта ювиб қўйиш шарт. — 3 балл

4. Дидсизларча кийинган, пиёниста, дайдилар ҳақида қандай ўйлайсиз?

А) Ундайлар билан ишим йўқ — 0 балл

Б) Одамнинг иши юришмаса шундай бўлса керак-да! — 1 балл

В) Раҳмим келади — 2 балл

Г) Улар бировлар ачиниши учун шундай кийиниб юришади — 3 балл

5. Ўзингизга оро бериш (соқол олиш, чўмилиш) учун бир кунда қанча вақт ажратасиз?

А) 15 дақиқадан кам — 0 балл

Б) 15-20 дақиқа атрофида — 1 балл

В) Тахминан ярим соат — 2 балл

Г) Бир соатга яқин — 3 балл

6. Қумга беланиб ўйнаётган болаларни кўрганда нималар ҳақида ўйлайсиз?

- А) Ҳавасим келади — 0 балл
- Б) Болалигим ёдимга тушиб кайфиятим кўтарилади — 1 балл
- В) Кўчада микроб кўп. Уларнинг ота-онаси қаёққа қарашяпти ўзи? — 2 балл
- Г) Қуш уясида кўрганини қилади-да! — 3 балл

7. Эртага ўрни обдон тозалашингиз керак. Кўнглингиздан қандай ҳислар ўтади?

- А) Ўзимни жуда ёмон ҳис этаман — 0 балл
- Б) Бу ишни кимнинг зиммасига юклаш ҳақида бош қотираман — 1 балл
- В) Ҳеч қандай ҳис қалбимда ғужғон ўйнамайди — 2 балл
- Г) Мамнун уйқуга кетаман — 3 балл

8. Уйдан кўчага чиқдингиз. Кутилмаганда ўткинчи машина ҳамма ёгингизга лой сачратиб ўтиб кетди...

- А) Нимаям қилардим? Кетавераман — 0 балл
- Б) Нима биландир тозалаб йўлимда давом этаман — 1 балл
- В) Уйга қайтиб кийимимни алмаштираман — 2 балл
- Г) Мен лой бор жойдан юрмайман — 3 балл

9. Дўстингиз сизга вақтинчалик ўқиш учун китоб берди. Уни қандай ўқийсиз?

- А) Ё овқат маҳали, ёки ваннахонада — 0 балл
- Б) Қаерда хоҳласам ўша ерда ўқийман-да! — 1 балл
- В) Билмадим — 2 балл
- Г) Олдин китобни тоза матога ўраб, ана ундан сўнг бўш вақтимга қараб ўқийман — 3 балл

10. Меҳмонга бордингиз ва у ерда ётиб қолдингиз. Эрталаб қарасангиз, кийимларингиз гижимланиб ётибди. Дазмол эса йўқ...

- А) Фикримча, бу билан ташқи кўринишим салбий тарафга ўзгармайди — 0 балл
- Б) Қайғуга ботаман, аммо фожиа ясамайман — 1 балл
- В) Кун бўйи кайфиятсиз юраман — 2 балл
- Г) Бунақаси кетмайди. Жуда бўлмаса, кийимни ювиб қуритаман - 3 балл.

НАТИЖАЛАР:

7 ва ундан кам балл

Сизни ораста деб бўлмайди. Кўпинча уйингизда тартибсизликка кўзингиз тушса-да, эътибор бермайсиз.

8-15 балл

Орасталикни ёқтирасиз. Фақат буни қандайдир мажбурликдан эриниб амалга оширасиз.

16-23 балл

Кийинишга, тозаликка алоҳида эътибор берасиз. Бир дақиқага кўчага чиқсангиз ҳам ўзингизга қараб олишни унутмайсиз. Фақат чарчаганингизда бундай ишларга қараб ўтирмай, ҳордиқ чиқаришга киришасиз.

24 ва ундан юқори балл

Дунёда сиздан-да орастароқ, тартиблироқ инсон бўлмаса керак. Ҳар қандай вазиятда ўзингизга, яшаб турган уйингиз, иш жойингиздаги тартибга эътибор қаратасиз. Эринчоқлик сизга буткул бегона.

Тест

Ақл билан иш кўрасизми, ё таваккалчиликка берилганмисиз?

1. Бўлар-бўлмасга жаҳлингиз чиқиб кетаверадими?
А) Ҳа Б) Йўқ
2. Ўзингизга нисбатан жисмоний бақувват одамни хафа қилишдан тийиласизми?
А) Ҳа Б) Йўқ
3. Ўзгалар эътиборини тортиш учун биринчи бўлиб ким биландир жанжал кўтара оласизми?
А) Ҳа Б) Йўқ
4. Ҳаётингизга хавф туғдириши мумкин бўлса-да, машинани катта тезликда бошқарасизми?
А) Ҳа Б) Йўқ
5. Касал бўлиб қолсангиз, фақат дориларга суянасизми?
А) Ҳа Б) Йўқ
6. Ўз мақсадингизга эришиш учун ҳар қандай ёмон ишни қилишга тайёرمىсиз?
А) Ҳа Б) Йўқ
7. Соатлаб куёшда тобланиб ўтиришни ёқтирасизми?

А) Ҳа Б) Йўқ

8. Қачондир машҳур одам бўлишингизга ишонасизми?

А) Ҳа Б) Йўқ

9. Баҳс, мунозараларда ютқаза бошлаганингизни сезсангиз, вақтида ўзингизни тўхтата оласизми?

А) Ҳа Б) Йўқ

10. Оч бўлмасангиз ҳам кўп овқат ейишга одатланганмисиз?

А) Ҳа Б) Йўқ

11. Байрамларда сизга нима совға қилишларини олдиндан билишни хоҳлармидингиз?

А) Ҳа Б) Йўқ.

НАТИЖАЛАР:

2, 9-саволларга қониқарли жавоблар учун ҳамда қолган саволларга қониқарсиз жавоблар учун 1 баллдан қўйинг.

8 баллдан юқори

Сиз ҳамиша ақл билан иш тутасиз. Ҳаётдан кўп нарса талаб қилмайсиз. Ҳеч кимдан беҳуда хафа бўлмайсиз. Фақат атрофдагиларнинг олдингизга маслаҳат сўраб келмаётгани сизни бироз хайратга солади.

4 дан 8 баллгача

Сиз ўз имкониятларингизни яхши биласиз ва шунинг учун билиб-билмай юқори чўққиларни забт этиш учун шошилмайсиз. Баъзида таваккалчилик қилиб қўясиз-у, кейин анча пайтгача афсусланиб юрасиз.

4 баллдан кам

Таваккалчилиқни ёқтирасиз. Ҳамиша ниманингдир етарли эмаслигидан нолийсиз. Ўзингизни тез-тез энг бахтсиз одамлар қаторига қўшасиз. Кўнглингиз сира тўлмайди. Хаёлингизда ўзгалар ҳаётда ҳамма нарсага эришяпти. Уларнинг машиналари, қўша-қўша уйлари бор. Ҳойнаҳой сандиқ тўла пулга ҳам эгадирлар. Аммо билмайсизки, сизнинг нолишларингизга, жаҳлингиз чиқиши-ю, қалбингизда ҳаётга нисбатан нафрат уйғонишига ҳеч ким эътибор бериб ўтирмайди. Ҳамма ўз аравасини тортиш, изланиш, меҳнат қилиш, ўз ташвишлари

қозонида қоврилиш билан банд. Кўзингизни очинг, ҳали ҳаммаси олдинда. Ишонамизки, бир кун келиб эзгу мақсадларга албатта эришасиз.

Такрорлаш учун саволлар:

1. “Фарзанд – Аллоҳнинг неъматини”
2. “Мен – ўзбек қизиман” ёки “Мен – ўзбек ўғлониман” мавзусида ҳикоя ёзинг.

МАВЗУ: МЕҲМОН – ОТАДЕК УЛУҒ

1. Меҳмон кутиш одоби
2. Меҳмонга бориш одоби

Калит сўзлар: маданият, одоб, фазилат, меҳмон кутиш одоби, меҳмонга бориш одоби, зиёрат одоби, камтаринлик, камсуқумлик, тавозеълик.

Меҳмон кутиш одоби. Эшик очилиб, остонангизни хатлаб меҳмон кириб келса, у билан уйингизга нур, осойишталик, барака кириб келади. Меҳмонларни олдиндан таклиф этилган ёки таклиф қилинмаган, кутилмаган меҳмон каби шартли икки тоифага бўлиш мумкин. Аммо бундан қатъи назар, уйга келган меҳмонни, аввало, очик чехра билан кутиб олиб, қўлларига сув қуйилади, тўрга ўтқазиб олдида дастурхон ёзилади.

Ҳамма ўтиргач, дуои фотиҳа қилинади. Фотиҳадан кейин ҳол-аҳвол сўрашиб, дастурхонга нозу неъматлар қўйилади. Биринчи навбатда, мева-чева тортилгани маъқул. Чунки меваларда турли витаминлар бўлиб, меъда учун жуда фойдалидир. Мева бўлмаганда уйда бор нарсалар билан кифояланиб, овқат пишгунча суҳбат қуриб ўтирилади.

Улуғ мутафаккир Маҳмуд Қошғарий «Девони луғатит турк» асарида ана шу ҳолатни назарда тутиб:

*Келса агар хонанг узра ғариб меҳмон,
Бор нарсангни қўй, бўл меҳрибон, - деб ёзган эди.*

Кўринадикки, йўқ нарса учун ортиқча ташвишланиш дуруст эмас. Шу ўринда Пайғамбаримиз: «Таомнинг яхшироғи олдимизда ҳозир бўлганидир» деб, ортиқча ташвиш ва

такаллуфдан бизларни қайтарганларини ҳам ёддан чиқармаслик зарур.

Албатта, меҳмондўстлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, чунки Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Меҳмонни ҳурмат қилинглари», деб буюрган.

«Эй фарзанд, меҳмондил бўлғил ва меҳмонга таъна қилмағил, ҳар вақт очик юзлик бўлғил, токи ҳар кишиким меҳмонинг бўлса, шодлик била таомингни есин», дейилган «Қобуснома»да.

Демак, меҳмондўстликнинг ҳам ўзига хос одоблари бор экан.

Хусусан, мезбон уларнинг олдига чой ва таом олиб келганда: «Хуш келибсиз, яхши ўтирибсизми? Нозу неъматлардан олиб ўтиринг, бизни йўқлаб ҳўб яхши иш қилибсиз, раҳмат сизга» дея кўнгиллари олади.

Удумимизга кўра, меҳмон келганда уй эгалари болаларини урушмоқ тугул, мушугини ҳам пишт демайдилар. «Меҳмон – отангдек улуғ» деган нақлга биноан халқимиз меҳмонларни қаттиқ ҳурмат қилишга одатланган. Меҳмон уйдан чиқиб кетаётганда уни то дарвозахонагача кузатиб қўйиш, қўлни кўксига қўйиб, «Яна келиб туринг, меҳмон», деб кузатиш меҳмонга кўрсатилиши лозим бўлган ҳурмат-эҳтиромдир.

Меҳмонга бориш одоби. Халқимизда: «Айтилган жойдан қолма, айтилмаган жойга борма», деган нақл бор. Демак, фақат айтилган жойгагина меҳмонга бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Агар бир киши меҳмонга чақирилган бўлса, у зиёфат эгасининг изнисиз бошқа бир одамни бошлаб бориши нотўғри иш ҳисобланади. Чунки, зиёфат маълум сонли кишилар учун мўлжаллаб тайёрланган бўлиши мумкин. Мўлжалланган миқдордан ортиқча одам борса, мезбон ноқулай аҳвода қолиши мумкин. Бордию, шундай бўлиб қолса, яъни чақирилмаган одамни бошлаб боришга тўғри келиб қолса, бу борада мезбондан аввалдан ижозат олиш ёки уйига борганда ҳолатни тушунтириб, изн сўраш лозим. Борди-ю, мезбон нариги одамни меҳмон қилишга рози бўлмаса, бундан хафа бўлинмайди.

Меҳмонга келган киши ўзини одоб билан тутиши, хонадон соҳиби кўнглини оғритмаслиги, ножўя ишлар қилмаслиги керак.

Меҳмонга кўпинча турли тўй ва маърака сабабли борилади. Шунинг учун меҳмон одоб юзасидан зиёфатни фотиҳа билан бошлаб, яхши сўзлардан гапириб ўтириши лозим.

Меҳмон йўл қўйилган баъзи хато-камчиликларга парво қилмаслиги ва зиёфатдан хурсандлигини билдириб чиқиши керак. Бу иш камтарликнинг белгисидир. Зеро, халқимизда «Бир кун туз еган жойга қирқ кун салом бер», деган ҳикматли гап бор. Шунинг учун меҳмонга борган киши овқатлардан камчилик қидирмаслиги, ноз-неъматларни шошилиб емаслиги, дастурхонда йўқ баъзи нарсаларни сўраб уй эгасини хижолат қилмаслиги керак. Кетиш олдидан хонадон соҳибининг розилигини олиши лозим. Тарқалишдан аввал, албатта, мезбонларга ташаккур айтиш, уларнинг ҳақларига яхши тилаклар тилаб дуо-фотиҳа қилиш лозимдир. Пайғамбаримиз бундай деганлар: «Кимки одамларнинг яхшилиги учун раҳмат айтмаса, бундай киши Аллоҳ таолога ҳам шукр қилмайди». Меҳмоннинг дастурхондан бирор нарсани бу боламга, бу набирамга деб олиб кетиши меҳмондорчилик одобига зиддир. Уй эгаси ўз ихтиёри билан берса, олиш жоиздир.

«Эй фарзанд, агар меҳмон бўлсанг, ҳар кишиникига боравермагил, чунки ҳашмат-шавкатингга зиён етказурсан. Агар меҳмон бўлиб бир ерга борсанг, кўп оч бўлиб бормагил, тез юриб бормагилким, таом емакдин маъзур бўлиб ўлтирсанг, мезбон озор топар. Агар таомни кўп есанг халқнинг кўзига ёмон кўринур. Шунинг учун мезбоннинг уйига кирсанг, ўзингга муносиб жойда ўлтирғил», дейилади «Қобуснома»да. Кайковуснинг мазкур насиҳатига амал қилиш кишининг одамлар билан муносабати бардавом бўлишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Такрорлаш учун саволлар:

1. “Меҳмон – атои худо” иборасини қандай тушунаси?
2. Меҳмон кутиш одобига нималар киради?
3. Ролли ўйин. Сиз меҳмонга борганда ўзингизни қандай тутасиз?

УЧИНЧИ ҚИСМ

МАВЗУ: САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК

1. Савоб сўзининг маънолари.
2. Садакаи жория нима.

Калит сўзлар: ислом дини, савоб, фазилат, гуноҳ, яхшилик, меҳр кўрсатиш, ўзаро ёрдам, баҳамжиҳатлик,

*«Савоб - улуг инсоний фазилат, юксак инсоний
қадриятлардан биридир.*

*Менинг комил ишончим шуки, савоб ишни ҳар ким қилиши
керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак».*

Ислом Каримов

Савоб сўзининг маънолари. Савоб диний нуқтаи назардан мўмин-мусулмонларнинг қиладиган каттаю кичик хайрли амалларига Аллоҳ таоло томонидан бериладиган ажр — мукофотни англатади. Дунёвий нуқтаи назардан эса, савоб — одамларга яхшилик қилиш, меҳр-мурувват кўрсатиш, эзгу ниятда бўлиб, уларнинг оғирини енгил қилиш, қийинчиликларида ёрдам беришдир. Ҳар қандай савоб иш, аввало, Аллоҳ ризолиги учун қилинади. Агар киши яхши амал эвазига одамлардан бирор нарса тама қилса ёки менинг кимлигимни, бойлигимни кўриб қўйишсин, деган ниятда қилса, унга ҳеч қандай савоб берилмайди. Балки, гуноҳкор бўлиб қолади.

Пайғамбар: «Инсон вафотидан сўнг унга учта нарсадан: садакаи жория, кишиларга фойда берувчи илм, қолдирган солиҳ фарзандининг¹ дуосидан бевосита савоб етиб туради», деб марҳамат қилганлар.

Садакаи жориянинг тури жуда кўп: боғча, мактаб, мадраса, масжид каби бинолар куриш, дарахт экиб, сув чиқариш, йўл тузатиш, кўприк куриш каби кўплаб турлари мавжуд.

¹ Солиҳ фарзанд — Исломда ўз йўлини тўғри белгилаган, ҳам эътиқодли, ҳам одоб-ахлоқли фарзанд («солиҳ» - арабчада «тўғри», «яхши», «эътиқодли», «фойдали» маъноларини англатади).

Фойдали илмга китоб ёзиш, бошқаларни ўқитиб, шогирд қолдириш киради. Шунингдек, солиҳ фарзанднинг ота-онасидан сўнг қиладиган барча хайрли амаллари, дуоларига қанча савоб берилса, ота-онасига шунча савоб етиб туради.

Яхшиликка далолат қилувчи билан уни бажарувчининг савоби тенгдир.

Ривоят қилишларича, бир киши одамларга қарз бериб юрар ва хизматчиларига шундай дер экан: «Камбағалларнинг қарзларини кечиб юбораверинглар. Шояд Аллоҳ ҳам бизларнинг гуноҳларимизни кечириб юборса». Шундан кейин Аллоҳ унинг гуноҳларини кечириб юборган экан.

Кўплаб ҳадисларда ҳам одамларни яхшилик ва савоб ишлар қилишга чақирилган:

«Хайрли ва савобли ишлар инсонни турли ҳалокатлардан сақлайди».

«Йўлда ётган тикан шохларини олиб ташлаган одамнинг олдинги-ю кейинги гуноҳларини Ҳақ таоло мағфират қилур».

Яқинда бир манбада келтирилган қуйидаги лавҳа ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

Бола 20 рупидан ниқоб сотяпти. Бир мижозга юзланиб:

- Амаки, ниқоб олинг, деди.

Мижоз эса уни масхаралаб деди:

- Ниқоб олишга пулим йўқ.

- Бепул олаверинг, - деди болакай.

- Онангнинг жаҳли чиқмайдими?

- Онам, «Ҳозир ёмон касаллик тарқалган, пули бўлмаган одамларга ниқобни текинга бер», деганлар, – деди болакай.

У – она. У – ахлоқ мадрасаси. У – яхшилик қилиш инқирозга юз тутган замонда яхшилик улашиш фурсатини бой бермасликни ўргатадиган буюк мактаб.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ўзбекистон мустақилликка эришган давр тўғрисида нималарни биласиз?

2. Шавкат Мирзиёевнинг савобга оид фикрлари тўғрисида нималар биласиз?

3. Сиз қандай савоб амалларни қила оляпсиз?

МАВЗУ: БОЛАЛИК – БЕҒУБОРЛИК

1. Болалик – беғуборлик
2. Илмлилик - инсоннинг шарафи

Калит сўзлар: инсон, ҳаёт, умр, болалик, ўрта ёш, кексалик, беғуборлик, илм олиш, касб-ҳунар ўрганиш, олим, одоб, юксак инсоний фазилят.

*“Биз учун болаларимизнинг маънавияти,
билими, соғлиги энг муҳим масала”*

Шавкат Мирзиёев

Болалик – беғуборлик. Катталар каби дунё ғам-ташвишлари қалбу кўнгилларни қамраб олмаган, ён атрофга содда назар билан қарайдиган ёш бола табиатининг покизалиги инсонни ўзига жалб қилади. Дарҳақиқат, болалик – беғуборлик.

Динимиз кўрсатмалари ҳар бир нарса ўз қадри, қиймати билан баҳоланишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ беш нарсани ғанимат билмоқни буюриб, улардан бири ёшлик эканини таъкидлайдилар, ёшлик чоғлариданок илм ва ҳунар олишга тарғиб этадилар. Зеро, ёшликда олинган илм тошга ўйилган нақш каби, қариликда олинган илм эса сувга солинган нақш кабудур. Демак, инсон ёшлигида илм ва касб эгаллашга интилиши зарур.

Ривоят қилишларича, бир вақтлар Мисрда ака-ука яшар эди. Бири илм ўрганди, бири эса бойлик орттирди. Илм ўргангани ўз замонасининг энг буюк олими бўлди. Унинг укаси эса Мисрнинг энг бадавлат кишиси бўлди. Бой бўлган ука фақир бўлиб қолган илмли акасига менсимай қарар, уни доим камситарди.

– Мен бой бўлдим, буюк салтанат эгаси бўлдим. Сен эса фақир ва йўқсил, мискин ва ночор қолдинг, - дерди.

Олим бўлган акаси унинг сўзларига ҳеч эътибор бермас ва ўзини мағрур тутар эди. У бой укасига шундай дерди:

– Эй ўзини билмаган қардошим! Тушунмасдан оғзингга келган сўзни гапирма! Мен Жаноби Ҳаққа қанча шукроналар қилсам арзийди. Чунки мени ўз пайғамбарларига ворис қилди, яъни менга илм сарватини¹ берди. Менинг назаримда илмдан

¹ Сарват - мева.

буюк, илмдан фазилатлироқ бошқа нарса йўқдир. Шунинг учун Жаноби Ҳаққа қанчалар шукрона қилсам ҳам камдир.

Илмлилик - инсоннинг шарафи. Демак, илм соҳиби меҳр ва ҳурмат кўради, илмлилик инсоннинг шарафини юксалтиради, илмдан бенасиб, мол дунё учун яшаган киши эса умрини беҳаловат ўтказади.

Ёшликда берилган илм бутун умр давомида пойдевор вазифасини ўтар экан, ўз вақтида болага меҳр-шафқат, ростгўйлик, сабр, матонат, сахийлик каби барча юксак инсоний фазилатларни, хислатларни сингдирмоғимиз лозим. Расулуллоҳ (с.а.в.) болаларга болаларча муомалада бўлинг деганларида, боланинг дунёқарашини шакллантиришда ёшига мувофиқ, бола англай оладиган сўз ва ҳаракатлар қилишни тавсия этганлар. «Жин, ажина» деб болаларни кўрқитишни пайғамбар ман қилганлар, чунки бола кўрқоқ бўлиб қолса, унинг кейинги ҳаётига ўта салбий таъсир қилиши ҳам мумкин.

«Нима эксанг, шуни ўрасан» дейди халқимиз. Шундай экан, доноларнинг «Болаларингизга яхшилиқни сингдириб ўстиринг, унга бахтни фақатгина шу беради», деган ҳикматини доимо ёдда тутиш лозим.

Такрорлаш учун саволлар:

1. “Олманинг тагига олма тушади”, “Қуш уясида кўрганини қилади” мақолларини қандай тушунасиш?
2. Шарқона тарбия афзалликлари ҳақида нима дея оласиз?

Нима гап, фарзандингиз ёлғон гапиряптими?

Психолог Ториқ Ҳабиб “Бахтли ҳаёт сари” китобида фарзанд тарбиясидаги муаммолар ечими ҳақидаги саовлларга қуйидагича жавоб беради:

Фарзандингиз ёлғон гапиряптими?

Демак, сиз уни қаттиқ назорат остига олгансиз!

Фарзандингиз ўзига ишонмаяптими?

Демак, сиз уни руҳлантормас экансиз!

Фарзандингиз яхши гапира олмаяптими?

Демак, сиз у билан суҳбатлашмас экансиз!
 Фарзандингиз ўғрилиқ қиялптимми?
 Демак, сиз унга совға-салом бермаётган экансиз!
 Фарзандингиз кўрқокми?
 Демак, сиз уни кўп ҳимоя қиларкансиз!
 Фарзандингиз бошқаларни ҳурмат қилмаяптимми?
 Демак, сиз унинг ёнида овозингизни пасайтирмас экансиз!
 Фарзандингиз доим қовоғи осилганми?
 Демак, сиз уни мақтамас экансиз!
 Фарзандингиз қизғанчикми?
 Демак, сиз у билан ўзаро ҳамкорлик қилмас экансиз!
 Фарзандингиз бошқаларга нисбатан тажовуз қиялптимми?
 Демак, сиз унга нисбатан кўпол муносабатда бўларкансиз!
 Фарзандингиз заифми?
 Демак, сиз унга кўп дўқ-пўписа қилар экансиз!
 Фарзандингиз сизни қизғанаяптимми?
 Демак, сиз унга нисбатан безътибор экансиз!
 Фарзандингиз сизни безовта қилиб, тинчингизни бузаяптимми?
 Демак, сиз уни бағрингизга босиб, юзларидан ўпмас экансиз!
 Фарзандингиз сизга бўйсунмаяптимми?
 Демак, сиз ундан кўп нарсга талаб қиларкансиз!
 Фарзандингиз одамови бўлиб қолганми?
 Демак, сиз ўзингиз билан ўзингиз овора экансиз!

МАВЗУ: ҚАРИЛИК – ДОНОЛИК

1. Ёши улуғларга эҳтиром кўрсатиш.
2. Нурунийлар насиҳатига қулоқ тутиш.

Калит сўзлар: инсон, ҳаёт, умр, болалик, ўрта ёш, кексалик, ҳаётий тажриба, донолик, насиҳат, панд-ўғит, кексаларга ҳурмат, қарияларни ардоқлаш,

*Қария сўзини эшитгин, (у) нима дейди,
 Ким қария сўзига амал қилса, кўзи очилади.*

Қутадғу билиг

Ёши улуғларга эҳтиром кўрсатиш. Улуғ ёшдаги инсонларни ҳурмат қилиш миллий-ахлоқий қадриятларимиздан ҳисобланади. Кўпни кўрган, тажрибали ва сабрли, феъли кенг

отахон ва онахонларимизни ардоқлашимиз зарур. Доно халқимиз «Қари билганни – пари билмас» дейиши бежиз эмас. Бу ҳикмат замирида халқимизнинг ёши улуғларга, мўйсафидларга эътибори қанчалик баланд экани намоён бўлади. Хадиси шарифда ҳам «Хурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан», «Кимки бир кишини ёши улуғлиги учун ҳурмат қилса, уни ҳам ёши улғайганда ҳурмат қиладиганларни тайёрлаб кўяди» дейилган. Ёш улғайган сари инсон ҳаётнинг баланд-пастликларини, енгиллик ва машаққатларини, ширину аччиғини тотиб тажриба орттиради, комил инсонга хос юксак фазилатлар, ахлоқларни ўзлаштиради.

Халқ оғзаки ижодида табаррук ёш соҳибларига эътибор юксак бўлиши зарурлигини очиб берадиган воқеалар ва ривоятлар кўплаб топилади. Уларнинг бирида нақл этишилича, Хоразмда бир подшоҳ бўлган экан, у ҳар гал шикор-овга чиққанда ўзи билан ўн тўрт, ўн беш ёшлик йигитларни олиб кетар, уларни турли машаққатли синовлар билан имтиҳон қилар экан. Албатта, бу йигитларнинг ҳаммаси ҳам синовлардан ўтолмас эдилар. Кунларнинг бирида подшоҳ шаҳар йигитларининг ҳаммасини шикорга олиб боражагини маълум қилади. Шаҳар четида бир камбағал, саксонларга кирган чолнинг ўғли отасини ёлғиз ташлаб кетишга жазм этмай, уни бир сандиққа солиб, ўзи билан шикорга олиб чиқади. Шикор узок давом этганидан сув тугаб, сувсизлик ҳаммани қийнаб ҳолсизлантира бошлайди. Шунда подшоҳ йигитларга сув топишни буюради. Йигитлар кўп муддат сув излайдилар, аммо топа олмай овора бўладилар. Ҳалиги йигит бу тўғрида отасидан маслаҳат сўрайди. Отаси унга: «Подшоҳга айт, бир отни сўйиб ариларга талатсин. Арилар гўшт тишлаб, сувга борадилар. Шу билан сувни топасизлар», – деб йўл кўрсатади. Шундай қилиб шикорчилар сувга етишадилар.

Кейин йўлда давом этадилар. Бир ғорга келадилар, уни «кирса чиқмас» дер эканлар. Подшоҳ бу ерда шифобахш сув борлигини билар экан. Йигитларга шу сувдан олиб чиқишни буюради. Уларнинг кўплари кириб кетишадию қайтиб чиқмайди, навбат йигитга келганда яна отасига маслаҳат солади. Ота: «Битта болали бия топиб, ғорга киришдан олдин боласини ғорнинг оғзида қолдирасан. Ичкарига кирган бия боласи учун

қандай бўлса ҳам йўл топади, сен эса унинг ортидан чиқасан», дебди. Шундай қилиб, шифобахш сувни ҳам қўлга киритибдилар.

Яна йўлга тушиб катта дарёга етиб борибдилар. Дарё тубида чиройли шамчироқ кўринарди. Подшоҳ унга эришишни хоҳлайди. Уни олиб чиқаман деб, бир неча йигит сувга ғарқ бўлади, ҳалиги йигитнинг навбати етганда отасидан йўл сўрайди. Отаси ундан баъзи нарсаларни аниқлагандан кейин, дарёнинг юқори қисмида баланд тоғ бор. Шамчироқ мана шу тоғда, деб унга маслаҳат беради. Тоғдан уни олиш учун кўзи бор одамни унга ёмон кўз билан қаратиш керак, шунда у узилиб тушади, дебди. Бу маслаҳатга кўра мушкулни ҳал этганларида, подшоҳ йигитнинг зукколигига қойил қолиб, унинг сирини сўрабди. Шунда йигит камоли одоб билан бу масалаларда отасининг маслаҳати бебаҳо эканини айтибди. Подшоҳ бундай билим ва тажриба соҳибини ёнига ўтқазиб, катта эҳтиромлар кўрсатибди.

Дарҳақиқат, «қари билганни пари билмас» деган гап заминида мана шундай ҳикмат ётган бўлса керак.

Нуронийлар насихатига қулоқ тутиш. Халқимизда «Бу қайтар дунё» деган ҳикматли гап бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, улуғ машойихлардан ҳазрат Ҳасан Басрий замонларида содир бўлган воқеа диққатга сазовордир. Нақл қилишларича, у зотнинг тушларида: «Бугун сизга бахтли-саодатли, обрўли кишини ва бадбахт, ношуд кишини кўрсатамиз» дейдилар.

Эртасига отасини бағоят эъзоз-икром этиб, елкасида кўтариб юрган, сўзлари ширин, отаси учун бутун борлигини беришга тайёр бир йигитни кўрди. У отасини бир жойга яхшилаб ўтқазиб, отасининг ҳожати учун кетди. Ҳасан Басрий ҳазратлари қариянинг олдига бориб, ундан ҳол-аҳвол сўради. Мўйсафид Яратганга ўз миннатдорчилигини, шукрини кўп айтиб, ҳаётидан жуда мамнун эканини билдиради.

- Ёшлигимда мен отамни саватга солиб, парвариш қилар эдим, раҳматлик отам менинг ҳаққимга кўп дуои-хайрлар қилардилар. Аллоҳимдан фарзандларингдан ортиғи билан қайтсин, деб кўп такрор айтар эдилар. Отажонимнинг дуолари қабул бўлиб, мана бугун мени фарзандим елкасида олиб юрибди, шунчалик меҳрибонки, менга гард қўнишига йўл қўймайди, доим

ёнимда гирдикапалак. Илоҳо, боламни ўзингга топширдим, умрини узоқ, ризқини кенг ва мўл қил, ўзидан ҳам зиёда солиҳ фарзанд бер, менга қилган бу мурувватларини беҳисоб қилиб қайтарсин. Дунё ва охиратда бахт-саодатга эриштир, - дея ота фарзандини узоқ дуои хайр қилди.

Ҳасан ал-Басрий суҳбатдан бу инсон бахтли кишилигини билдилар.

Ҳавода сайр қилиш мақсадида Басра ташқарисидаги дарё бўйига бордилар. Ногаҳон фарзандига тазарру қилиб, ялинаётган бир қарияни кўрдилар. Отаси: «Менга кулоқ сол, ўзим қилган иш бошимга қайтиб келди, болам, огоҳ бўл, ҳозир сен мени бу ерга қўйиб кетсанг, мени кўтариб келган саватингни авайлаб олиб қўйгин. У сенинг фарзандингга ҳам керак бўлади. Мен ҳам отамни хўрлаб, халқ ичида қаттиқ шарманда қилганман, онангнинг сўзига кириб отамдан воз кечганман. Мен ҳам отам сўзини кулоғимга олмай, кўп гуноҳкор бўлганман. Эй фарзанд, худо ҳаққи, бу ишни қилма, ақлингни йиғ», дея ёлворади. Йигит эса, чолнинг сўзларига кулоқ солмай, ўз билганидан қолмайди. Бу воқеани мушоҳада қилган ҳазрат ярамас ва бадбахт кимлигини фаҳмладилар.

Араб ҳакимларидан бир зот ўғлига шундай деди: Болажоним, қиёмат кунида сендан нималарга эришдинг, кимга мансубсан, кимнинг ўғлисан, деб сўрайдилар. Ва насиҳатини давом эттириб:

Каъбанинг ҳижоби(ёпинчиғи)ни халқ ўпганини кўргансан. Одамлар унга меҳр ва ҳурмат кўрсатадилар. Унинг машҳур бўлиши ипакдан тикилгани учун эмас, у ёпинчиқ Каъба устига ташланган. Шу сабабли у ҳам Каъба каби азиз ва шарафли бўлади, - деди.

Инсоннинг қадри ўзи қилган яхши ишларидан келиб чиқади. Агар ишлари, амаллари, хатти-ҳаракати яхши бўлса, ўзи ҳам яхши бўлади. Чунки яхшилар билан дўстлик, қадрдонлик инсонни яхши йўлга бошлайди. Ушбу ҳикояда бизларга ана шу ибрат дарси берилган.

Демак, ёши улуғларни ҳурматлаш, уларни яхши парвариш қилиш, бой тажрибаларидан сабоқ олиш, фойдали насиҳат ва маслаҳатларига амал қилиш орқали ҳаётимизни сермахсул ҳамда сермазмун ўтказишимиз мумкин.

Такрорлаш учун саволлар:

1. “Қари билганни пари билмас” мақолини ҳаётий мисолларда тушунтиринг
2. Қариганингизда қайси ишларни қилмаган бўлардингиз?

МАВЗУ: ТЕЖАМКОРЛИК – ЯХШИ ФАЗИЛАТ

1. Тежамкорнинг иши бежамли
2. Исрофгарчилик – ёмон иллат

Калит сўзлар: меъёр, тежамкорлик, неъматларнинг кадрига етиш, фазилат, исроф, увол, гуноҳ, риёкорлик, иллат.

Тежамкорнинг иши бежамли. Барча даврларда ва халқларда ҳар қандай ишда ўртаҳоллик, мўътадиллик ва меъёр маъқулланиб келинган. Ҳаддан ошиш, исрофгарчилик, манманлик ва риёкорлик каби иллатлар қораланиб, улардан ҳазар қилмоқликка буюрилган.

Қуръони Карим оятлари ишларда мўътадил, тежамкор, бандаларни мақтаб, уларни Аллоҳнинг яхши кўрган бандалари ва дўстлари эканини уқтиради.

Жумладан, Фурқон сурасининг 67-оятида тежамкор, ишларни меъёрида, мўътадил қиладиган бандаларни мақтаб: «Улар (Раҳмоннинг суюкли бандалари) инфоқ – эҳсон қилган вақтларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (балки эҳсонлари) ана ўша (хасислик билан исрофнинг) ўртасида мўътадил бўлур» дейди.

Шунингдек, «Аъроф» сурасининг 31-оятида шундай битилади: «(Эй бандалар) еб-ичинглар, фақат исроф қилманглар, зотан У (Аллоҳ) исроф қилгувчи кимсаларни севмас».

«Исро» сурасининг 29-оятида эса: «Қўлингни бўйнингга боғлаб олма, яъни ўта хасис бўлма, қўлингни кенг ёзиб ҳам юборма! Акс ҳолда маломат ва таъналарга қолурсан», деб таъкидланади.

Ҳадиси шарифларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорлик тарғиб ва ташвиқ этилади.

Хусусан, «Аллоҳнинг ноз-неъматларидан хоҳлаганча еб-ичинглар, хайр-эҳсон қилинглар, кийиниб-ясанинглар, лекин исрофгарчиликка ва манманликка йўл қўйманглар!» (Имом Аҳмад, Насоий, Ибн Можа ривоятлари.)

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса: «Бойликда ҳам, фақирликда ҳам, ибодатда ҳам мўътадиллик яхшидир», дейилади.

Шунингдек, «Тежамкор одам ҳеч қачон қашшоқлик кўрмайди», «Албатта, чиройли иқтисод (тежамкорлик) имондандир», деб таъкидланган ҳадислар ҳам мавжуд.

Силаи раҳим¹, хайр-эҳсон ва турли садақаларни беришда ҳам меъёридан ташқари харажат қилиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш ман этилган.

Агар инсон қаноатли, тежамкор бўлса, керагидан ортик нарсаларни сарф қилмаса, исрофгарчиликка йўл қўймаса, унинг бугуни ҳам, эртаси ҳам таъминланган бўлади.

Абдулла Авлониининг:

Қаноат бирла қорин тўйғузурсиз,

Қаноат бўлмаса, кўп оч қолурсиз,

Қаноатсиз киши бағрини доғлар,

Қаноатлик киши оғзини ёғлар, - деган мисраларида ана шундай ҳикмат мужассамлашган.

Исрофгарчилик – ёмон иллат. Агар инсон белгиланган меъёрдан ошса, у исроф, ҳаддан ошиш, манманлик ва риёкорлик илллатига гирифтор бўлиб қолади. Аллоҳ ўз каломида: «Қариндошинг ҳаққини адо эт, мискин бечоралар, йўловчи-мусофирларга ҳам (мурувват кўрсат). Лекин исроф этма, зеро исроф қилувчилар шайтоннинг «биродарларидир», деган.

Пайғамбаримиздан «Ан-ниаму баъдаз-завол»² деган муборак ҳадис етиб келган. Улар ушбу сўзлари билан «Инсонлар ўзларига берилган неъматлар шукрини адо этмасалар, унинг кадр-қимматини ўз ўрнига қўймасалар, Аллоҳ таоло бу неъматларини одамлардан аста кўтара бошлайди ва унинг ўрнига одамлар устига ҳар хил балоларни, қаҳатчилик ва бошқа шу каби мусибатларни юборади. Бу ҳолат Қуръони каримнинг оятларида «Агар менинг неъматларимга шукр қилсангиз, ҳаққини жойига қўйсангиз, мен неъматларимни сизга зиёда ва барокатлик қиламан ва аммо, неъматларим қадрига етмасангиз, уни исроф этиб, ноўрин ерларга ишлатсангиз олиб қўяман ва менинг азобим жуда қаттиқдир» деган оятида ҳам ўз ифодасини топган.

¹ Силаи раҳим – қариндошлар билан қалин алоқада бўлиш ва уларга моддий ёрдам қилиб туриш.

² «Ан-ниаму баъдаз-завол» - Неъматларнинг кадр-қиммати улар йўқ бўлганидан (заволга учраганидан) кейин билинур.

Худонинг бу дунёдаги ҳамма илтифотларига шукр қилаётганимизнинг далилларида бири – тежамкорлигимиз ва чиройли иқтисод қила олишимиз бўлади. Тўкилган нарсаларни териб олиш, ерда ётган нон ушоқларини кўтариш, қувурдан оқиб ётган сувларни тўхтатиш, нафсимизни эмас, балки эҳтиёжимизни қондириш каби хайрли ишларимиз тежамкорлик ва шукр қилишимиз ҳисобланади.

Ватанга муҳаббатимиз ва садоқатимиз ҳамда мана шундай ишларимиз натижаси ўлароқ, биз Аллоҳнинг ўзига яқин этган бандаларидан бўламиз. Чунки Аллоҳ: «Эй бандаларим, мен ҳалол ва пок этган неъматларимдан хоҳлаганча енглар ва ичинглар, лекин исроф қилманглар. Зеро, Аллоҳ исрофгарларни дўст тутмас» деб, тежамайдиган, неъмат қадрига етмайдиган кишиларни ўзидан узоқ қилиб, уларни ўз раҳмати ва бандаларига тайёрлаган имтиёзларидан маҳрум этиши ҳақида огоҳлантирмоқда.

Демак, тежамкорлик ҳам ҳалоллик, поклик, меҳр-мурувватлилик каби юксак инсоний фазилатлардан биридир.

Такрорлаш учун саволлар:

1. “Қариси бор уйнинг париси бор” мақолини қандай тушунасиз?
2. Тежамкорлик ва қизғанчиқлик қандай фарқланади?
3. Ўзбек тўйлари ҳақида қандай фикрдасиз?

МАВЗУ: НОН СЕҲРИ

1. “Нон – азиз” .
2. Нонга ҳурматни тарбиялаш.

Нон – Аллоҳнинг бандаларига берган улуғ инъоми. Шундай экан, ҳар биримиз ўзимиз ва атрофимиздаги инсонларда шу каби фазилатларнинг камол топишига масъуллигимизни доимо ёдда тутмоғимиз лозим. Отахону онахонларимиздан: «Нон азиздур, унинг ушоғию, увоғи ҳам нон, уни асраб-авайлаб, иззат-икром қилиш керак. Ким нонни ерга ташлаб, увол ва исроф қилиб, оёқ-ости қилса, худо кўзини кўр қилади. У «нонкўр» бўлади. Кимки

нонни эъзозлаб, унга аҳамият бериб, увол, исроф қилмаса, ерда ётганини олиб қўйса, худо унинг ризқини кенг, мўл-кўл, кўз нурини яхши қилади», деган гапларни кўп эшитамиз.

Нон буғдойдан тайёрланади, буғдойни эса, Аллоҳ таоло жаннатдан чиқарган. Албатта, ким нонни ҳурмат қилса, бу Аллоҳ берган неъматига шукроналик ҳисобланиб, унинг ажру мукофотини ўзи беради, дейдилар. Мазкур фикр ва мулоҳазалар бежиз эмас. Чунки Пайғамбаримиз: «Акримул - хубза» (Нонни ҳурмат қилинглари) деганлар.

Дарҳақиқат, нон ўзининг кўп хислатлари билан, айниқса, ўзбек дастурхонида алоҳида ўрин ва аҳамият касб этади. Меҳмон келганда ҳам дастурхон устига аввало нон келтирилиб, кейин уйда бор бошқа мева-чева, чой ва таомлар қўйилади. Ўзимиз учун тузаган дастурхонимизни ҳам нонсиз тасаввур эта олмаймиз. Агар таомларимиз сероб бўлиб, дастурхонимизни турли анвои неъматлари билан тўлдирсак, аммо нон бўлмаса ёки таомни нонсиз танаввул қилсак, қандайдир бир камчиликни беихтиёр сезамиз. У ҳам бўлса, нон! Шу боисдан ҳам нон биз учун жуда қадрли ва баҳоси йўқ таом, азиз неъмат экан.

Тасаввуф оламининг йирик намояндаси, ватандошимиз, буюк бобокалонимиз Баҳоуддин Нақшбанд¹ улуғ мартабаларга эришгандан кейин у кишининг зиёратига ва тариқатларини ўрганишга кўп инсонлар келади. Мана шунда у зотдан: «Бундай улуғ мартабага қандай эришдингиз?» деб сўрайдилар. Ҳазрати Нақшбанд: «Нон увокларини, ушоқларини териш билан», деб жавоб берадилар. Бир оз мушоҳада юритсак, нон ҳақиқатан ҳам сеҳрли бир неъмат экан. Демак, нонни ҳурмат қилиш камтар ва имони комил инсонга хос инсоний фазилат ҳисобланар экан.

Такрорлаш учун саволлар:

1. “Нон – азиз” иборасини қандай изоҳлай оласиз?
2. Нонга ҳурматни тарбиялашни қандай амалга оширса бўлади?

¹ Қаддасаллоҳу сароҳу - Аллоҳ ётган жойини муқаддас қилсин.

МАВЗУ: МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК – ТУРМУШ БЎЛАР ЧИРОЙЛИК

1. Касб танлаш ва меҳнат қилиш

2. Ҳалол меҳнат ибодатдир

Калит сўзлар: ҳалоллик, касб, ҳунар, меҳнат, ризқ, кулолчилик, тўқувчилик, темирчилик, дурадгорлик, сартарошлик, савдогарлик, яхшилик.

Ҳалол касб танлаш ва меҳнат қилиш. Агар ислом дини имон-эътиқод, ўзининг фарз амаллари баробарида ҳалол меҳнат устига бино қилинган десак, асло муболаға бўлмас. Шунинг учун ҳам агар тарихга диққат билан назар солсак, ўтган пайғамбарлар ва уларнинг асҳоблари бирор касб эгаси бўлганликларини кўрамиз.

Имом Бухорий ривоят қилишларича, қанча пайғамбар юборилган бўлса, ҳаммалари бирор касб эгаси бўлишган. Масалан, Иброҳим мато тўқувчилик, Довуд темирчилик, Сулаймон сартарошлик, Мусо ва Исонинг қўй боқиб чўпонлик, Закариё дурадгорлик қилганликлари, Шуайб ва Муҳаммад тижорат билан шуғулланганликлари тарихдан бизга маълум.

Пайғамбаримизнинг: «Мен яхши кўрадиган умматларим бир қўлига дунёни, бир қўлига охиратни оладилар. Дунёни деб охиратидан, охиратини деб дунёдан воз кечмайдилар», деган гаплари ҳам инсон эътиқод қилиш билан бир қаторда доимо эзгу ниятлар билан яшаши, меҳнат қилиши зарурлигини таъкидлайди.

Ҳалол меҳнат ибодатдир. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дил ба ёру, даст бакор» шиорида ҳалол меҳнат қилишни ибодат, хайр-эҳсон баробарига кўтарган.

“Эй одам фарзанди, билгилки, инсонга ҳалоллик қатра-қатра келур. Ҳаром эса сел каби мўл-кўл келур”. “Ҳар кимнинг емиши ҳалолдан бўлсинки, дини пок бўлур” каби ҳадиси қудсийлар исломда ҳалол меҳнат нечоғли улуғлигини, ҳалоллик улуғ мартаба ҳисобланишини кўрсатади.

Ҳаққингни хоҳ мукаммал, хоҳ ками билан бўлса-да, ҳалол қилиб ол.

Ҳалол ризқ топиш ҳар бир мўмин учун вожибдир. Ҳаром нарсалардан сақланинг, одамлар ичида ибодатлироғи бўласиз.

Ҳаттоки, Расулуллоҳ: «Шундай гуноҳлар борки, уни фақат ҳалол меҳнат қилиб ҳаёт ташвишидан қутулиш учун қилган ҳаракати ювади, у каффорат¹ бўлади», деганлар.

Бу хусусда ниятнинг ҳам эътибори борлигини ҳисобга олиш керак. Расулуллоҳ: «Шундай дунё амаллари борки, улар ниятнинг чиройилигидан, яхшилигидан охират амалига айланади. Яъни дунё амали учун савоб мукофот олади, баъзи гуноҳларга каффорат бўлади. Шундай охират амаллари борки, улар ният ёмонлигидан, нотўғрилигидан дунё амалига айланади ва соҳибининг зарарига қоим бўлади».

Кўринадики, ибодатларни, хайр-эҳсонларни хўжакўрсинга, одамлар гапирсин учун, менга ҳавас қилсин дея қилганда, инсон фақат ўзига зарар қилади. Демак, ҳалол меҳнатимиз намоз, рўза каби ибодатларга тенг, закотда хайр-эҳсон билан тенг, хатокамчилик, гуноҳларимизга ҳам каффорат бўлишга яроқли амал экан.

Аммо бу мулоҳазалардан улар бир-бирининг ўрнини босади, деган хулоса чиқмайди. Шаръий ҳаётимизда ҳар бирининг ўз ўрни, мавқеи бор.

«Жавомиул-калим»² асарида осмон ва ердаги барча махлуқотлар, фаришталар ўз меҳнатидан топган маблағни ўзига, аҳли аёл-фарзандларига, ортиқчасини эса хайрли ишларга сарфлайдиган кишини олқишлаб, ҳаққиға истиғфор айтишлари ва дуо қилишлари ҳақида Расулуллоҳдан ривоят қилинади.

Ҳар бир нарса меҳнат билан рўёбга чиқади. Яшаш учун меҳнат қилиш керак. Илм ҳам меҳнат билан ўрганилади. Бойликка ҳам меҳнат билан эришилади. Энг буюк ишлар ҳам меҳнат орқали рўёбга чиқади.

Меҳнатдан қочмайлик. Астойдил меҳнат қилайлик. Ҳеч бир дақиқамиз бўш ўтмайдиган шаклда меҳнат қилайлик.

¹ Каффорат – тўлов, яъни қилинган гуноҳ ёки ичилган қасамлар эвазига адо этиладиган тўлов.

² Жавомиул-калим – «Сўзлар тўплами». Бу ибора кўпроқ ҳадисларга нисбатан ишлатилади. Зеро, ҳадисларнинг таркиби қисқа, лекин мазмуни кенгроқдир.

Меҳнат қилган киши ҳам ўзига, ҳам оиласига, ҳам миллатига, ҳам бола-чақасига нисбатан хайрли, фойдали бир инсон бўлади. Шунингдек, меҳнат билан топилган таом беминнат бўлади. Шунинг учун ҳам Саъдий Шерозий инсон кадр-қиммати меҳнатда, хунарга таянишда эканини таъкидлаб ўзининг «Гулистон» асарида:

Ўз меҳнатида нон еган киши,

Ҳотам миннатида озод ёз-қиши, - деб ёзган эди.

Ахлоқлари ёмонлашган одамлар фақат ўзларини биладилар, ўз манфаатлари учунгина ҳаракат қиладилар. Бундай одамларнинг кўнгиллари қорайиб боради. Инсонликдан узоқлашиб борадилар. Шунингдек, ҳадиси шарифда «Ҳалол касбдан хориб ёки ҳалол меҳнат талабида чарчаб, кечқурун ўз ётоғига қайтиб ухлаган одам гуноҳлари кечирилган ҳолда тунайди», деб марҳамат қилинган.

Алишер Навоийнинг:

Боқмаса деҳқон чаманин туну кун,

Нахли тарин¹ англа қуруган ўтун, – деган мисраларида ҳам меҳнат билан ҳаёт мавжудлиги «хурмо дарахти» мисолида таъкидланган.

Демак, барчамиз мазмунли ҳаёт кечиришимиз, баркамол авлодни ворис қилиб қолдириш учун фарзандларимизни касб-хунарли қилиб тарбиялашимиз, ҳалол меҳнат қилиб, унинг нашидасини суришимиз лозим.

Такрорлаш учун саволлар:

1. “Меҳнатнинг таги роҳат” иборасига қандай ҳаётий мисоллар келтира оласиз?

2. Ҳозирги даврда “излаган имкон топади” деган ибора кўп ишлатилади. Сиз ўзини ўзи банд қилиш борасида ўз имконият ва ҳудудингиздан келиб чиқиб қандай таклифлар бера оласиз?

МАВЗУ: ОНА ТАБИАТ – ГЎЗАЛЛИК МАНБАИ

1. Табиатни асраш.

2. Ҳаракат (бадантарбия) қилиш тадбири.

¹ Нахли тар – кўкариб турган хурмо.

Калит сўзлар: инсон, табиат муҳофазаси, меҳнат, фароғат, гўзаллик, ҳайвонот олами, ҳаво, тозаллик, раҳм-шафқат, сув танқислиги, исроф, неъмат, тежамкорлик, соғлом турмуш тарзи, бадантарбия.

Табиатни асраб-авайлаш ҳақидаги фикрлар инсон ўзлигини англай бошлаган пайтдан бери мавжуд десак, хато қилмаймиз. Чунки табиатга доир қарашларни энг қадимий халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, муқаддас китоблардаги кўрсатмаларда ҳам учратиш мумкин. Қуръони карим ва ҳадисларда бу масалага алоҳида эътибор берилган. «Пок шаҳар ерининг гиёҳи Парвардигорнинг изни-иродаси билан (осон) униб чиқур. Нопок (яъни шўр, тошлоқ) ерники эса фақат қийинчилик-машаққат билангина чиқур. Шукр қиладиган қавм учун оят-аломатларимизни мана шундай баён қилиб берурмиз», деган ояти ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Шунингдек, Аллоҳ боғ яратган, ён-атрофни кўкаламзорлаштирган, ҳайвонларга эгалик қилган ҳолда уларни рисоладагидек парваришлаган инсонларга беназир ажру мукофотлар ваъда қилганини ҳам ёдда тутиш лозим. Шунинг баробарида, кимда-ким зулмкорлик йўлини тутса, ўсимликларни синдириб, кесиб, ҳайвонларни қийноққа солса гуноҳкор бўлиб, қиёмат кунда берган азобидан ўн баробар ортиқ микдорда қаттиқ азобланиши ҳам ваъда қилинган.

Имом Бухорий ва Муслим асарларида ушбу ҳадиси шариф келтирилади: Бир хотин мушукни қамаб қўйди-да, ўзи айлангани чиқиб кетди. Мушук очликдан ўлаёзди. Бу хотин жаҳаннамга кирди, у ерда азоб чекди. Фаришта унга «Сен у мушукни қамаб қўйган пайтда унга овқат бермадинг, сув ичирмадинг, ташқарига чиқармадинг. Энди жаҳаннамда азоб чекишинг, ўтда ёнишинг шундандур» деб, аёлнинг гуноҳи мушукни қамаб, овқат бермагани эканини билдирди.

Табиатга, ўсимлигу ҳайвонларга озор беришликнинг оқибати нечоғлиқ оғир бўлишини қуйидаги ривоятдан янада чуқурроқ англаш мумкин. Бир одам «Ё Раббий, ўзинг барча нарсага қодирсан, ўзинг мадад бер!» деб доимо дуо қилар экан.

Кунлардан бир кун ул одамнинг қорнига пўлат қозик санчдилар. У шундай ўлим жазосига буюрилган эди. У одам қорнига санчилган темир қозик азобидан бақириб-бақириб ўлар экан: «Ё Раббий, неча кунлар дуо қилдим, адолатни истадим, қабул этмадинг», деди. Ул одамнинг қулоғига ғойибдан қувватли бир сас келди: «Эй инсон, сенинг дуойинг қабул бўлди. Сен дуо қилаётганингда Аллоҳнинг адолатини истардинг. Аллоҳ адолати худди шу. Чунки сен пашшаларнинг қорнига игна санчар эдинг, у гуноҳсиз жонворларнинг қийналиб ўлишидан завқланардинг. Дуойинг қабул бўлди, ўша гуноҳсиз маҳлуқларни қандай ўлдирган бўлсанг, ўзинг ҳам ана шундай ўлим билан жазоланасан. Жониворларнинг қасоси олинди».

Айни пайтда ўсимликлар ва ҳайвонларга ғамхўрлик, улуғ инсоний фазилатлардан ҳамда савоб келтирувчи амаллардан ҳисобланади. «Наводирул жавоҳир» китобида берилган ана шундай ибратли воқеа қуйида келтирилган.

Ривоят қилинишча, икки йигит мадрасада тўлиқ илм ҳосил қилиб бир мавқега етганларидан сўнг, билганларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида йўлга тушдилар. Тоғда кетаётганларида, бир кичик ғор кўринди. Шунда йигитларнинг бири шу ерда қолиб, фақат тоат-ибодат билан машғул бўлиб, Аллоҳнинг розилигини топишни мақсад қилади. Шериғи эса, йўлида давом этади. Орадан бир неча йиллар ўтгандан сўнг, ғорда қолган йигит Аллоҳ томонидан берилган кўп фазилатларга эришиб, қуш ва ҳайвонлар, қурт-қумурсқаларнинг тилларига тушунадиган мақомга эга бўлади. Сўнггра биродаримдан бир хабар олай, деб йўлга тушади.

Йўлида бир боғга дуч келади. Боғ жуда обод бўлиб, ундаги ҳамма дарахт, қуш, қурт-қумурсқалар бу боғ эгасини дуо қилиб, Аллоҳ унинг гуноҳларини кечиришини ва унга кўп яхшиликлар ато этишини сўрардилар. Боғнинг эгаси бу дўсти эканини билгач, унга жуда ҳаваси келади. Бу сирни махфий тутиб, биродарини топиб, ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг унинг боғини сотиб олмоқчи эканлигини айтади. Боғнинг эгаси уни дўстига шундоқ бермоқчи бўлди. Дўсти рози бўлмай, боғни ўз пулига сотиб олади. У боғни сотиб олиб, унга эга бўлсам, қушлар менинг ҳаққимга дуо

қилсалар керак, деб ўйлайди. Аммо орадан қанча вақт ўтишига қарамай, қушлар ҳамон аввалги эганинг ҳаққига дуо қилардилар.

Қиссадан ҳисса шуки, ҳалол меҳнат билан боғ яратиш, она табиатдаги ҳайвоноту ўсимликларни асраш, уларга ғамхўрлик қилиш энг эзгу инсоний фазилатлардандир.

Ҳаракат (бадантарбия) қилиш тадбири. «Кучли (бадантарбия) қилма ва (уни) жуда ташлаб ҳам қўйма. Балки, ўртача ҳолатда бўл! Аъзога ёмон хилт¹ йиғилишидан қўрққанингда унга ёрдам бериш учун риёзат қилдир. Истасанг (уни) нафас тезлашгунча пиёда юриш ёки кураш тушириш билан (қил).

Ориқ кишиларни риёзат қилдирма, токи таҳлил (бўшатиш) ортиб кетмасин. Ёғи кўп ва семиз одамни риёзат қилдир, агар қоринли бўлса унга белбоғ боғлат. Ёз фаслида чарчатадиган (ҳаракатларни) камайтир, чунки сен терлаш билан бўшашиб кетасан.

Мен назарий қисмда бадан учун сен муҳтож бўладиган нарсалар тадбирини айтиб ўтдим. Улар (бадандаги) чиқиндиларни бўшатиш, чиқариш ёки тўхтатиш ва нафснинг сен истайдиган (бошқа) хоҳишларидан иборатдир».

Буюк бобомизнинг бадантарбия ҳақидаги фикрлари, қонун-қоидалари унинг нақадар фойдали эканини яна бир бор тасдиқлади.

Демак, инсон хоҳ бадантарбия, риёзат, хоҳ жисмоний меҳнат билан бўлсин ўз соғлиғини сақлашга ҳаракат қилиши лозим.

Такрорлаш учун саволлар:

1. “Табиат – бизнинг уйимиз, асраш – бизнинг бурчимиз” мавзусида фикрларингизни баён этинг.

2. Бадантарбия тушунчасининг том маъноси ҳақида нима дея оласиз?

МАВЗУ: РИВОЯТДАГИ ҲИКМАТЛАР

1. Аждодлар хазинаси

2. Ҳикоя ва ривоятлар ҳикмати

¹ Хилт – қон, сафро, балғам каби инсон ичидан тушадиган моддаларининг ҳар бири тиббиётда шундай деб аталади.

Калит сўзлар: мерос, аждодлар мероси, умумбашарий қадриятлар, маънавий хазина, маданий ёдгорликлар, урф-одат, анъана, ўғит, панду насиҳат.

Аждодлар хазинаси. Халқимизнинг турли эртак, ҳикоя, ривояту мақоллари фарзандларимизни маънавий баркамол, маърифатли ва ахлоқли қилиб тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Зеро, уларда эзгулик, меҳр-муҳаббат, софлик, кишиларнинг бир-бирларига дўстона муносабатлари, қабих ва ярамас ишлардан қочиш каби юксак инсоний фазилат ва қадриятлар тараннум этилади. Шунинг учун ҳам кишилар улардан руҳий озуқа олади, қай бир жиҳатларидан кўнгилга хотиржамлик топадилар.

Қуръони Каримнинг ўзи панду насиҳатлардан иборатлиги барчага яхши маълум. Дин эса инсонларни покликка, эзгуликка ва тўғрилиқка етаклайди. Зеро, Расулуллоҳ «Дин насиҳатдир» деганлар. Пайғамбарлар тарихи, хусусан, ислом дини ривожига ва шон-шавкатига беназир ҳисса қўшган азиз авлиёлар, пиру устозлар, уламою фузалоларнинг кундалиқ ҳаётларида юз берган қизиқарли ва ибратли воқеалар билан яқиндан танишиш ҳам инсоннинг маънавий камолоти ва ахлоқий баркамоллигига хизмат қилади. Уларда, аввало, яратганга муҳаббат маҳорат билан ифодаланади.

Ҳикоя ва ривоятлар хилма-хил мавзуларга бағишланган бўлиши мумкин. Шунга кўра, уларни бир неча гуруҳларга тақсимласа бўлади.

Ривоятлар мазмунига кўра, меҳнатсеварлик, ростгўйлик, меҳр-шафқат, аҳил-иттифоқлик, ватанга, ота-онага муҳаббатни тарғиб қилувчи, шунингдек, оилавий муносабатлар: эр-хотин, қайнона-келин, ота-она ва фарзандлар, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғлар муносабатларига бағишланган бўлиши мумкин.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, ўз ривожланиш йўлини белгилагани сабабли, халқимиз узоқ ўтмишида эъзозлаб фойдаланган мўътабар манбалар яна қайтадан жаҳон юзини кўраяпти. Буларнинг маҳсули ўлароқ, кўплаб асарлар чоп этилмоқда. Улар қаторида «Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони», «Жавоҳирул ҳикоят», «Ақл билан давлат», «Ҳикматли ҳикоялар»,

«Яссавий йўли», «Тазкиратул авлиё», «Турондан чиққан авлиёлар», «Донишнома», «Саодатнома» ва бошқа шунга ўхшаш кўплаб китобларнинг номини санаб ўтиш мумкин.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Аждодларимиз хазинаси деганда кўпроқ қайси манба назарда тутилади?
2. Қайси ҳикоя ва ривоятларни ўқигансиз?

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

МАВЗУ: ИНСОН ҚАДРИ

1. Инсон учун муқаддас туйғу – умр қадрини билиш
2. Ота-она жасорати
3. Фарзанд бурчи
4. Ота-онага ҳурмат

Калит сўзлар: инсон, ҳаёт, умр, болалик, ўрта ёш, кексалик, илм олиш, касб-ҳунар ўрганиш, одоб, юксак инсоний фазилят, ота-она ризоси, ота-онага ҳурмат, бурч, масъулият.

Инсон учун муқаддас туйғу – умр қадрини билиш. Аллоҳ Қуръонда «Биз инсон болаларини азиз ва мукаррам қилдик ва уларни барру-баҳрда, яъни қуруқлик ва денгизда (от-улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик ва уларни ўзимиз яратган жуда қўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик», деб марҳамат қилади.

Умрни бекор ўтказмаган киши бир куни унинг ширин мевасидан баҳраманд бўлади. Ҳар қандай илмни билиш учун ўқиш, ўрганиш керак. «Бекорчидан ҳамма безор», дейди доно халқимиз.

Улуғ мутафаккир бобокалонимиз Баҳоуддин Нақшбанддан шогирдлари сўрабдилар: «Эй устоз, одамзоднинг ҳайвондан фарқи нимада? Кўринишидами, жонидами, тил-забони ёки соқоли, кийим боши ёки шакл-шамоилидами?» Шунда ҳазрат айтган эканлар: «Эй, шогирдларим, одамзоднинг ҳайвондан фарқи унинг жонида эмас, чунки эшакнинг ҳам, чувалчангнинг ҳам жони бор. Унинг соқолида ҳам эмас, эчкида ҳам соқол бор. Унинг сўзлашида ҳам эмас, чунки тўти қуш ҳам ўргатилса, сўзлайди. Одамзоднинг ҳайвондан фарқи фаҳм-фаросатида» деган эканлар. Бинобарин, инсон фаҳм-фаросатда етук бўлиши керак.

Буюк мутафаккир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари ҳар бир одамни бу дунёнинг қадрига етишга, берилган қисқа вақт ичида инсонларга мурувват кўрсатишга, яхши ном қолдиришга чақириб ушбу мисраларни ёзганлар:

*Давлатга этиб меҳнат элин унутма,
Беш кун учун ўзингни аср этма.
Борганни кел энди ёд қил, эй дўст,
Бориш-келишинг лутф этиб ўқситма.*

Ҳар бир инсон бу бебаҳо умрни илмга, касб-ҳунарга, халққа, Ватанга фойда келтирувчи ишларга сарф қилмоқлиги нақадар саодат эканини ҳис этмоғи зарур.

*Эл учун тер тўкса агар одамзод,
Бир умр эл-ичра номи бўлар ёд.
Қуёшга бир қара, доим хизматда,
Шунинг-чун катта-ю кичик ундан шод.*

Маҳмуд Ҳасаний

Ота-она жасорати. Она – кенгликда осмон, чексизликда денгиз кабидир. Дунёдаги жами яхлитлик ва бутунлик она биландир! Ўрмалаган жоннинг бари онага юзланажак, онам деб ундан нур, мадад олажак.

Она Аллоҳ яратган неъматларнинг мўъжизасидир.

Қуръони каримда Тангри: «Сен менга ва ота-онангга шукр қил!» деган буйруғи орқали бизнинг дунёга келишимизга сабабчи бўлган зотлар мақомини белгилаган.

Оналар уйнинг чироғи, болаларнинг боғбонидир.

Она уйга кириб келиши билан уй тўлади, ҳамма нарса чаманга айланади. Она бор уйнинг дастурхони ҳамиша тўкин ва тотли бўлади. Онанинг фарзандларига бўлган меҳри шу қадар юксакки, уни ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Бошингни онангнинг кўксига қўйган заҳотинг бутун жисми жонинг билан унинг ҳароратини, қалб кўрини ҳис қиласан.

Қуёшдан сўрабдилар:

– Сенинг ҳароратингдан зўрроқ ҳарорат борми?

Қуёш:

– Бор. Бу – Она меҳри. У менинг тафтимдан кучлироқ.

Ўлимдан сўрабдилар:

– Сенга бас келадиган куч борми?

Ўлим дебди:

– Бор. Бу – Она меҳри. У мени ҳам чинакам чекинтиришга қодир.

Расулуллоҳ ҳам: «Аллоҳ наздида энг яхши амал – намозни ўқимоқ, ота-онага яхшилик қилмоқ ва уларга ёрдам бермоқдир», деганлар. Бу муборақ сўзларда ота-онага хизмат қилмоқнинг намоз ўқишдан кейиноқ зикр этилиши уларга яхшилик қилишнинг Аллоҳ наздида нақадар улуғ амал эканини кўрсатиб турибди.

Оилада ота гўё подшоҳ бўлса, она вазирдир. Фарзандлар тарбиясида ота билан она ҳамиша ҳамнафасдир. Ўзбек халқининг сеvimли шоири Абдулла Орипов ўзининг «Она» шеърида қалбларни тўлқинлантирувчи қуйидаги сатрларни битган:

Кимдир савол берди: - Айтгил Муҳаммад,

Ёлғиз сен расулсан буткул оламга,

Кимга кўп яхшилик қилай, ўзинг айт,

Ота-онамгами, ёхуд боламга?

Расул жавоб қилди: - Тингла биродар,

Гапимни уч бора қулоққа илгил,

Имкон топа олсанг дунёда агар

Энг аввал онангга яхшилик қилгил.

Бу ҳикмат шарҳини ўйладим узоқ,

Ростдан, она эрур қиблаи олам,

Гарчи барчамиз ҳам падармиз, бироқ

Онадан тугилган пайғамбарлар ҳам.

Ҳа, азизлар оналаримиз бизларни вояга етказиш учун меҳру муҳаббатини ишга солиб оромидан кечиб, кечалари ухламай, бизларни тарбиялаш билан машғулдир. Агар боласи хафа бўлиб қолса ёки бирор нарсадан ранжиса атрофида парвона бўлади. Тоби қочиб қолса, ҳузур ҳаловатини йўқотади. Оналарнинг фарзандларига бўлган меҳрини ҳеч қандай кучга, меҳрга, тенглаштириб бўлмас.

Шунинг учун фарзанд бир дақиқа бўлса ҳам, она меҳрини эсдан чиқармаслиги, ҳар вақт онасини рози қилишга уриниши даркор.

Ота жасорати. Тарихдан маълумки, оталар фарзандлари учун жасорат рамзи бўлиб келганлар. Яъни Ватан, халқ бошига бир иш тушганда улар биринчи бўлиб Ватан ҳимоясига отланганлар. Ўз жонларини қурбон қилиб бўлса-да, она юртларини душмандан ҳимоя қилганлар, ўз заминига уларнинг нопок қадамини

қўйдирмасликка ҳаракат қилганлар. Оталар ўз фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялаб, ўз оиласи, маҳалласи ва бутун Ватанини кўз қорачиғидек асрашга ўргатганлар. Фарзандлар ҳам улардан ибрат олишлари, ўз оталари каби Ватанларига содиқ ва муносиб фарзанд бўлишлари лозим. Ота юрган йўлдан бориб, у амалга оширишга улгурмаган ишларни фарзанди якунига етказиши керак. Шунда ота ўз зурриётининг комил инсон бўлганидан рози бўлади. Бу эса, Аллоҳнинг ҳам фарзанддан рози бўлишига сабаб бўлади. Доно халқимиз «Ота рози – худо рози» деб бежиз айтмаган.

Фарзанд бурчи. Ота фарзандга яхши йўл кўрсатувчи раҳнамодир. Шунинг учун оталар улуғланиб, «падари бузруквор» деб юритилади, чунки ҳар бир ахлоқли инсон учун отадек улуғ ва қадрдон киши йўқ.

Ота фарзандлари учун керак бўлса жонини-борини фидо қилувчи жасоратли улуғ зотдир.

Фарзанд билиб-билмай отасига жабр, зулм етказганда ҳам шу фарзандининг бахту саодатини ўйлайди. Уни тўғри йўлга бошлашга ҳаракат қилади. Бундай ҳаракат-истакларда ҳам оталарга хос жасорат ўзлигини намоён қилади. Отанинг фарзанди бахту иқболи йўлидаги бундай жасорати Абдулла Ориповнинг қуйидаги шеърида ўз ифодасини топган:

Фарзанд

*Бир куни ранжитди отани фарзанд,
Ота ўз уйидан бош олиб кетди.
Лекин Аллоҳ меҳри бўлиб сарбаланд,
Ота Маккатуллоҳ васлига етди.
Ота фигон чекар Каъба қошида,
Гўё унут бўлган аламлар бари.
Нажот чарх урса ҳам гарчанд бошида
Сира кетолмайди бир гапдан нари.
Каъбага сигинар экан кекса чол
Армонин ошкора айтди оламга.
Деди: - Ибодатим бўлса ҳам увол,
Фақат саодат бер ўша боламга.*

Ота-она меҳрининг қудрати, фарзандлик бурчининг юки қуйидаги мисраларда ҳам чиройли ва ўринли тавсифланган.

*Отанинг отасин, она онасин,
Қил қиёс ушбуларга сен бобосин.
Она ўрнини ота тутмас ўғлига,
Ки, мумкиндир ўғил бўлмоқ отасиз.*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

*Иста ато йўлида жон фидо қилмоқ,
Қуллуқ, анога ҳам унга имкон қилмоқ.
Зухри адаб истасанг фаровон қилмоқ.
Бил они ато-аного эҳсон қилмоғ.*

Алишер Навоий

Фарзанд истиқболи. Фарзанд – одамзод кўзининг нури, ҳар бир ота-онанинг суянчи ва таянчидир.

Фарзанд Аллоҳ томонидан инсонга ато этилган энг азиз ва лазиз неъматдирки, Аллоҳ Қуръони каримда: «Қиёмат кунида ҳар бир неъматдан албатта сўраласизлар», деб огоҳлантиради. Демак, ҳар бир неъмат қатори фарзанд неъматидан ҳам сўралар эканмиз, аввало унинг шукронасини қилишимиз ва бу борадаги масъулиятимизни тўла ҳис этишимиз, фарзандларимизни эл-юртга нафи тегадиган, баркамол инсон қилиб тарбиялашимиз зарур.

«Биз фарзандларимизни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига эришишдек олий мақсадларимиз руҳида тарбиялашимиз, уларни ана шу мақсадлар сари етаклашимиз керак. Агар биз бу масалада сусткашликка, бепарволикка йўл қўйсак, болаларимизни бошқа кучлар етаклайди. Чунки ҳаётга энди-энди қадам қўяётган ёш қалб, ёш инсон ҳамиша маънавий етакчига, мураббий-устозга муҳтож бўлади».

Бу сермаъно, илҳомбахш сўзлар муҳтарам Президентимиз томонидан айтилгандир.

Болаларимизни Ватанга садоқатли, имонли қилиб тарбиялашда ота-оналарнинг ўрни беқиёсдир.

Фарзанднинг ота-она олдида бурчи бўлгани каби, ҳар бир ота-онанинг ҳам фарзанд олдида бурчи бордир. Яъни, фарзандга яхши ва чиройли исм қўйиш, эсон-омон туғилгани шукронасига бир қўй сўйиб эҳсон қилиш, илм-ҳунар ўргатиш, уйлантириш ёки турмушга бериш.

Ота-она ўз фарзандини ҳамиша ҳалол ризқ билан ўстириши, ҳаромдан ҳазар қилишга ўргатиши лозим.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жомий шундай ҳикоя қиладилар:

Бир куни Молик ибн Динор уйида йиғлаб ўтирган экан. Буни кўрган одамлар:

– Нега йиғлаяпсан? – деб сўрадилар.

У эса:

– Яккаю ягона қизим бор, гапдан-гап чиқиб менга: «Эй, ота, менга ҳаром овқат бергандан кўра, очдан ўлдирганингиз афзалроқ», деди. – Мен бу ишнинг уддасидан чиқармиканман деб, йиғлаб ўтирибман, – деб жавоб берди.

Эй, инсонлар! Ота-оналарингизга меҳрибон бўлсангиз, билмасдан қилган гуноҳларингизни Аллоҳ албатта мағфират қилур.

Бир донодан сўрашди:

– Фарзандларингиз ҳаммаси одобли, баъзи тенгқурларига ўхшаб такаббур эмас, исрофгарчилик қилмайдилар. Илм-маърифатга юз тутган, бунинг сабаби нимада?

Доно жавоб қилди:

1. Туғилганларидан бошлаб то ҳозиргача назоратим остида.
2. Мактабга борганларида ортиқча пул бермадим. Яхши илм олишларини ҳамиша назорат қилиб турдим.
3. Ҳамма болаларимни тенг кўрдим, фақат тўғри гапиришларини талаб қилдим. Ортиқча эркаламадим. Бориға кўниб яшашга ўргатдим, деб фарзандларидан фахрланибди.

Фарзанднинг оила қувончи, ота-она таянчи, бахти, иқболи, бебаҳо бойлиги экани «Яхши фарзанд – оила кўрки», «Фарзанд – белнинг қуввати» каби ҳикматларда тараннум этилиши ҳам шундан.

Биз ҳаётнинг маъно-моҳиятини, умрнинг мазмунини юксак эътиқодли, теран билимли, оқил фарзандларимиз тимсолида кўрамиз. Расулуллоҳ айтадилар: «Сизларнинг ҳар бирингиз бамисоли чўпондирсизларким, ўз қўл остингиздагилар учун катта масъулият бўйинларингизга юклангандир».

Демак, фарзандларимизни ҳаёт сўқмоқларидан эсон-омон олиб ўтиш, шиддаткор замоннинг бўйрону тўфонларидан ҳимоя

қилиш, тўғри йўл кўрсатиш мана шу юрт эгаси бўлган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак.

Яхши ота фарзанди соғлиғини ўйлайди,

Ҳаётида, ҳар бир ишда иқболини кўзлайди.

Қуръони Каримда кўп ўринда ота-она ҳаққи, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш вожиб экани уқтирилган: «Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик».

Ота-онасини ранжитган ва уларни норози қилганлар инсонийликни, ҳаётдаги ўрни ва вазифасини англамаган ҳисобланади. Ота-онага итоат этиш Аллоҳ наздида энг афзал ибодат кабидур. Саҳобалардан бири «Эй Расулуллоҳ, солиҳ амаллар ичида энг яхшиси қайси?» деганида, Пайғамбаримиз «Фарз қилинган намозни ўз вақтида адо этиш» деганлар. «Ундан кейин-чи?» – деб сўраганларида «Ота-онага итоат ва яхшилик қилиш», деганлар. Ота-онасини рози қилган фарзанд Аллоҳни рози қилган бўлади. Ал-Исро сурасида «Агар улар сенга бирор иш буюрса, зинҳор ўзингга оғир олма ва рад этма. Уларга яхши гапир ва ширин сўзлар билан кўнгилларини ол. Улар учун меҳрибонлик, хорлик қанотини паст тут, хокисор бўл ва уларга раҳм-шафқат қил» (ҳақларига дуо қил) дейилган. Шунинг учун фарзандлар улар билан доимо хушмуомалада бўлишлари, эринмай уларнинг хизматларини адо этишлари, тирикликларида дуо ва розиликларини олиб қолишлари шарт. Дунёдан ўтганларидан кейин эса, фақат яхши амаллари билан эслаб, савоб ишлар қилиб, уларнинг руҳларини шод этиш зарур.

Ҳазрати Алидан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: «Кимки ота-онасининг ҳаққини адо этмаса, мен бундай одамлардан узоқда бўламан. Яъни, менинг шафоатимдан баҳраманд бўлмайдилар». «Уларга (яхшилик қилиш учун) уларнинг моддий нарсаси бўлмаса-чи, ё Расулуллоҳ», деб сўрадилар. «Уларнинг сўзларини эшитса – қулоғим сизда, хизматингизга тайёрман, десинлар ва ҳеч қачон уларнинг сўзларига «уф» демасинлар, уларни жеркимасинлар. Уларга фақат гўзал сўзлар айтсинлар», - дедилар. Буларнинг ҳаммаси фарзанднинг бурчи ҳисобланади.

Жаҳондаги кўплаб халқлар каби ўзбек халқи ҳам қадим-қадимдан ота-онани оламда энг улуғ, мўътабар зот деб билган. Бу

фарзанд учун меҳрибон, ғамхўр, мададкор бўлган ота-онани бир умр иззат-хурмат қилиш, уларга яхшилик қилиб, олқишу дуосига сазовор бўлмоқлик зарурлиги ҳақидаги халқ мақоллари, ҳикматларида, улуғ мутафаккирлар асарларида ўз ифодасини топган.

Алишер Навоийнинг:

Фарзанд ота қуллигин одат қилгай,

Ул одат ила касби саодат бўлгай, – деган пурмаъно мисралари,

«Ота – оламнинг фаҳри, она – олам қувончи».

«Ота – ақл, она – идрок».

«Олтин-кумушнинг эскиси, ота-онанинг баҳоси бўлмас» каби халқ мақоллари бунинг исботидир.

Ота-онага хурмат. Ота-онанинг ўз фарзандига қилган хизмати беқиёс ва беминнатдир. Уларнинг фарзандларига қилган яхшиликларини ҳеч ким инкор эта олмайди. Ота-она фарзандни дунёга келтиргач, оромидан кечиб, тунлари мижжа қоқмай, бор меҳрини сарфлаб уни тарбиялайди. Баркамол, жамияти ва халқи учун фойдали инсон бўлиб етишиши йўлида куч-қувватини аямайди. Уларнинг муваффақиятларидан қувониб, мағлубиятларидан эзилади, емай едиради, киймай кийдиради. Ота-она то фарзанди келмагунча ўзига уйқуни раво кўрмайди. Ҳатто фарзанд дунёга келгунча она бир неча машаққатли ойларни бошидан ўтказади. Аммо, онаизор чидайди, фарзанди учун барча қийинчиликларни ўз зиимасига олади.

Шундай экан, биз фарзандлар уларни асраб-авайлаб, эринмай хизматларида бўлишимиз, дуоларини олиб, дунё неъматларидан имкон қадар баҳраманд қилиб, рози бўлиб яшашларини таъминлашимиз керак.

Шу билан бирга инсон ўз ота-онасига яхшилик қилиши билан, энг аввало, ўзига ҳам эзгулик тилашини унутмаслик лозим. Чунки киши ота-онаси билан қандай муомалада бўлса, келажакда фарзандлари ҳам у билан шундай муомалада бўладилар.

Абу Саид ал-Худрий айтадилар: «Бир киши Ямандан Расулуллоҳнинг олдиларига келди. Ул Зот: «Сенинг ота-онанг борми?» деб сўрадилар. У «Ҳа» деб жавоб берди. Сарвари олам:

«Сен улардан изн сўраб келдингми?» дедилар. У «Йўқ» деб жавоб қайтарди. Шунда Сарвари олам: «Ота-онангнинг олдига бориб, улардан изн сўра, улар рухсат беришса кел, агар беришмаса, қўлингдан келганича уларга яхшилик қил», дедилар.

Кўриниб турибдики, ҳар қандай шароит ва вазиятда фарзанд ота-онага нисбатан ҳурмат сақлаши, сўзларини қайтармаслиги ва ҳақларига дуолар қилиши вожибдир. Зеро, ота-онага муҳаббат барча яхши фазилатларнинг асосидир.

Ота-она билан муомала қилишдаги ўттиз беш одоб:

1. Ҳузурларида қўл телефонларини ўчириб қўйиш.
2. Гапираётганларида жим туриш.
3. Раъйларини қайтармаслик.
4. Гапларини маъқуллаб туриш.
5. Уларга ўзини хокисор тутиб қараш.
6. Уларга доим мақтов, мадҳ айтиб туриш.
7. Уларга хурсандчилик хабарларини улашиш.
8. Ёмон хабарларни олдиларида гапирмаслик.
9. Улар яхши кўрган кишиларни ва дўстларини мақташ.
10. Эришган ютуқларини доим эслатиб туриш.
11. Агар қайта-қайта такрорласалар ҳам гапларини тасдиқлаб кўнгилларини кўтариб туриш.
12. Ўтмишдаги аламли ўринларни зикр қилмаслик.
13. Отиқча гаплардан четланиш.
14. Олдиларида ҳурмат сақлаб ўтириш.
15. Фикрларини паст ва ноқис санамаслик.
16. Гапларини тугатмасларидан олдин эшитмасдан туриб кетмаслик.
17. Ёшларини ҳурмат қилиш ва набиралари билан уларни безовта қилмаслик.
18. Олдиларида набираларини жазоламаслик.
19. Ҳамма насиҳату-фикрларини қабул қилиш.
20. Ҳузурларида уларга эҳтиром кўрсатиш.
21. Уларга овозни кўтармаслик.
22. Улардан олдин ёки олдиларидан юрмаслик.
23. Таомга улардан олдин қўл узатмаслик.
24. Уларга тикилиб қарамаслик.

25. Улар билан фахрланишлик, агар улар шунга лойиқ иш қилишмаган бўлса ҳам.

26. Олдиларида оёқ узатмаслик ёки уларга орқа қилмаслик.

27. Сўқилишларига сабаб бўлмаслик.

28. Ҳар доим уларнинг ҳақларига дуо хайр қилиш.

29. Олдиларида чарчоқ ва хафаликни зоҳир қилмаслик.

30. Улардан содир бўлган хатоларга кулмаслик.

31. Ўзлари талаб қилишларидан олдин хизматларини бажариш.

32. Доимий равишда уларни зиёрат қилиб туриш ва уларга ғазаб қилмаслик.

33. Улар билан гаплашганда чиройли сўзларни танлаб ишлатиш.

34. Ўзларига ёқадиган исмлар билан мурожаат қилиш.

35. Уларни ҳамма нарсадан ва ҳамма одамлардан устун қўйиш.

Албатта, жаннатга кириш, дунёдаги муваффақият, хотиржамлик, мўл ризқ келиши ва балоларни даф қилиниши – ота-онага яхшилик қилиш миқдорига боғлиқдир.

Топширик

“Бу – менинг отам”, “Онамга мактуб” мавзусида ҳикоя ёзинг.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ота-оналар ҳақида қандай ҳадисларни биласиз?
2. Ота-онанинг фарзандида қандай ҳақлари бор?
3. Сиз билган ибратли оила ҳақида сўзлаб беринг.

МАВЗУ: ЯХШИ СЎЗНИНГ ЗИЙНАТИ

1. Сўзлашув одоби
2. Андиша.
3. Оқиллик ва хушмуомалалик
4. Ўз қадрини билмаган, ўзга қадрин билмас
5. Кулиш маданияти

Калит сўзлар: маданият, муомала маданияти, ростгўйлик, тўғрисўзлик, ширинсўзлик, ҳушмуомалалик, андишалилик, оқиллик, кулиш маданияти, табассум.

*Дунёда топайин десанг омонлик,
заррача бировга қилма ёмонлик.*

Халқ мақоли

Сўзлашув одоби. Инсон, аввало, якка ҳолда яшай олмайди. У жамиятда яшар экан, табиийки, турли одамлар билан мулоқот қилишга мажбур. Халқимиз ҳаммага баробар яхши муносабатда бўлиш, яхшилиқ қилиш, кечиримли, сабр-бардошли, чиройли хулқ эгаси бўлишга интилишни талаб қилади. Буни қуйидаги ҳадислар ва ибратли фикрлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

«Агар биров сизларга салом берса, сизлар унга ундан ҳам яхшироқ ёки ўшандай салом ила жавоб қайтаринглар».

«Дўзах ўтидан ҳеч бўлмаганда яримта хурмони эҳсон қилиб бўлса ҳам, агар уни топа олмасангиз бировни хурсанд қиладиган бир яхши сўз айтиб бўлса ҳам сақланинглар».

«Кимки Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирса, яхши сўзни гапирсин ёки жим турсин».

«Мусулмоннинг дини гўзаллигининг белгиси – бефойда сўзларни гапирмаслиги».

«Ортиқча сўзни ушлаган ва ортиқча молни нафақа қилган кишига жаннат бўлсин».

«Қиёмат куни гуноҳи энг катта одам – ботил¹, нопок ёмон сўзни кўп гапирган одамдир».

«Ёмон, уят, фахш сўзларни айтувчини Аллоҳ ёмон кўради».

«Мўмин киши лаънат айтувчи бўлмайди».

(Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Бундан кўринадики, алломаларимиз инсонларни бу дунё ва охираат учун яхши, манфаатли сўзларни гапиришга даъват қилишган ва, аксинча, зарарли сўзлардан қайтаришган.

Ривоят қилишларича, ҳазрати Абу Бакр бировга ёмон ёки бефойда сўз гапириб қўймай деб, кўп ҳолларда оғизларига тош солиб юрарканлар. Зеро, кўп гапирмаслик, яхши, фойдали сўзларни гапириш мўминнинг хислатларидандир.

¹ Ботил – ёлғон, нотўғри, бефойда.

Бир улуғ зотдан сўрадилар:

«Биз қайси амал билан жаннатга кирамиз?»

Ул зот: «Гапирмасангиз жаннатга кирасиз», дедилар.

«Биз гапирмай юролмаймиз-ку», дейишди.

Ул зот: «Ундай бўлса фақат яхши сўз гапиринг», дедилар.

Мўмин одамнинг тили қалбининг орқасида бўлади, яъни ҳар бир айтаётган сўзини аввал қалби билан тафаккур қилиб, ўша сўздан манфаат, савоб бўлса гапиради. Акс ҳолда гапирмайди. Мўмин одам тилини жиловлаб олмоғи лозим. Чунки тиғ билан етказилган жароҳатни тузатса бўлади, лекин тил билан етказган жароҳатни тузатиб бўлмайди. Шунинг учун ислом дини бу масалада ҳам, яъни тилни яхши сўзга одатлантириш, уни ёмон сўздан жиловлаш масаласида кўрсатмалар бериб бошқа инсонларга азият етказишни ҳаром қилиб қўйди.

Ҳатто ҳайвонларни ҳам, жони йўқ нарсаларни ҳам лаънатлаш дуруст эмас. Шунингдек, ислом дини бировни сўқишни, мазах қилиш, паст санаш, сирини фош қилиш, чақимчилик қилиш, ёлғон ваъда бериш, ёмон гапириш, ёлғон қасам ичиш, бошқаларни ғийбат қилиш (ортидан гапириш) ва шунга ўхшаш ўзгаларга азият етказадиган сўзларни ҳам ҳаром қилди.

Шубҳасиз, сўз буюк нарса. Зеро, у одамларни бирлаштириши, хайрли ишларга сафарбар қилиши, уларни бир-бирига душман қилиб, адолатсизликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун эзгу сўзларни сўзлаб, ёмон сўзлардан тийилиш инсонга хос фазилатдир. Бу ҳолат халқ мақоллари, улуғ аجدодларимиз яратган бебаҳо меросда ҳам ўзининг ифодасини топган.

Яхши сўзга илон инидан чиқар, ёмон сўзга одам динидан чиқар. (Халқ мақоли)

Билимли киши нималарни сўзлайди, сен унга қулоқ сол, адаблар боши тилдир, уни тиймоқ зарурдир.

Сўзни ўқиб сўзла, гапирма (кераксиз, ярамас) сўзингни яшир, ярамас гапинг туфайли кейин бошингни яшириб юрма.

Аҳмад Югнакий

Сўзни кўнгилда пиширмагунча тилга келтурма,

Ҳар неким кўнгилда бор – тилга сурма.

Оқил чин сўздан ўзгани демас,

Аммо барча чинни ҳам демак – оқил иши эмас.

Алишер

Навоий

“Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ўзингдан”,

“Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ўз тилингдан”, деб отабоболаримиз бежиз айтмаганлар.

Қуръони каримда: (Эй инсон) Аллоҳ яхши сўзга (яъни имон калимасига) қандай мисол келтирганини кўргин, сўз худди бир асл дарахтга ўхшайдики, унинг илдизи ер остига маҳкам ўрнашган, шохлари эса осмонда бўлиб, Парвардигорнинг изни иродаси билан мудом мева берур».

Яхшилик кўпроқ сўзда ўз ифодасини топади. Лекин яхшиликни ҳамма ўз ақли, касб-корига қараб тушунади.

Расулуллоҳ ҳам: «Сизларнинг яхшироғингиз илм ўрганиб уни бошқаларга ўргатганингиздир», дея илмнинг фазилатига эътибор қаратади. «Мунаббихот» китобида келтирилишича: “Илм афзалми, одоб?” деб сўрадилар. Шунда Пайғамбар: “одоб афзал”, дедилар. “Одоб нима?” деганларида, “Одоб – илмига амал қилиш, билганларига риоя қилиш”, деб жавоб бердилар.

Демак, дунёдаги энг яхши нарсa илм, ҳикмат ва билганларига амал қилиш экан.

Юнон файласуфи Сукрот: «Барча жоҳиллик ва ёмонликларнинг боши илмсизликдир», деган экан. Дарҳақиқат, ҳар қандай ёмонлик асосида илмсизлик, адабсизлик, жоҳиллик ётишини кўрамиз.

«Таълимул мутааллим» китобида инсон нечоғлик катта обрў, ҳурмат, мартаба топган бўлса, қанча чуқур илм эгаллаган бўлса, фақатгина илм билан, илмни ва илм аҳли, устозларни ҳурмат қилиш билан, одоб билан топибди. Ва ким нимани йўқотган бўлса, обрў, даража топа олмаган бўлса, фақатгина илмни тарк этгани учун, беодоблик ва устозларни ҳурмат қилмагани учун шундай бўлади, деб баён этилган.

Куч – бу ҳар хил тоифа инсонлар наздида турлича баҳоланувчи нарсадир. Баъзилар уни инсонларга эминлик берувчи ва ўзини ҳимоя қилиш ҳамда ўз ҳурмати, обрўси топталмаслиги учун керак бўлган ҳимоя воситаси деб тушунадилар. Айримлар эса, бутун инсониятни ўзига қул қилиш,

бутун коинот кулини кўкка совуриш учун восита бўладиган нарсани куч дейдилар.

Бу иккала таъриф ҳам тўлиқ ва бутунлай тўғри бўлмаса-да, уларда битта умумий жиҳат бор. Бу ҳам бўлса, кучни моддий омил билан боғлашдир. Аммо ислом дини мезонига кўра, инсоннинг моддий имконияти бўлса ҳам, аммо жаҳл-ғазаб оловида қовурилаётган вақтида ўзини сабр билан тия билса, у ҳақиқий кучли ҳисобланади.

Бу ҳақда Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ шундай дейдилар: «Курашда кураги ерга тегмаган кучли ҳисобланмайди, балки ғазаб келганда ўз нафсини (ёмон оқибатларга келтирувчи нарсалардан) тия олган кучли ҳисобланади».

«Жаҳлу ғазаби авж олган киши тик турган бўлса ўтириб олсин, ўтирган бўлса ётиб олсин», деб таълим берадилар Расулуллоҳ. «Жаҳл чиқса ақл кетар», дейди доно халқимиз. Демак, жаҳлни доимо ақл билан енгиб юриш зарур экан.

Инсоннинг жуда кўп эҳтиёжи бўлиб, улар қаршисида ҳолати ҳам турличадир. Аллоҳ инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини турлича миқдорда, ўлчовда қондирган. Албатта, бунинг ўз ҳикматлари мавжуд. Улардан бири бу Дунё имтиҳон дунёси эканлигидир. Ва агар уларнинг эҳтиёжлари баробар қондирилса, ҳаётда тараққиёт бўлмаслигидир.

Инсоннинг еб-ичиш, кийиниш, шунингдек, бир қатор бошқа эҳтиёжлари бор. Табиатан фақат ўзинигина ўйловчи инсон, бошқаларга ҳеч нарса бермасликни кўзлайди, Қуръон тили билан айтганда: «Нафслар қизғанишга ҳозир нозир бўлиб туради».

Аммо мўмин инсонлар биладиларки, қўлларидаги барча бойликни Аллоҳ уларни йўқсилларга бериш-бермаслигини имтиҳон қилмоқ учун ҳам берган. Айни пайтда «Не бир нарсани эҳсон қилсангиз, (Аллоҳ) унинг ўрнини тўлдиради» деган оят бунга далолатдир. Шунинг учун ҳам мўминлар ўзларида бўлган неъматни бошқаларга ҳам, ҳатто агар уруш ҳолати бўлмаса, бошқа диёрдаги инсонларга ҳам беришга буюрганлар.

Демак, барҳаёт эканмиз, дунёда барча яхшиликларимизни аямасдан яшашимиз керак.

Андиша. Инсонни инсон қилиб кўрсатувчи бу унинг ички ва ташқи гўзаллигидир. Ташқи гўзаликка кишининг қадди-қомати, бир сўз билан айтганда, жисмоний гўзаллиги киради.

Ички гўзаликка эса кишининг поклик, мулойимлик, саховат, шижоат, илмлилик, камтарлик каби ёқимли хулқларини қамраб олади. Бундай сифатларга эга инсонларни оддийгина қилиб, андишали инсонлар деб ҳам аташади.

Инсон ўзига андиша деган фазилатни касб қилиб олиши керакки, атрофидаги одамларнинг арзимас гуноҳлари учун улардан юз ўгирмасин! Уларни андиша ва марҳамат нури билан баҳраманд этсин!

Андишали киши Ҳумо қушига ўхшайди, андишасиз киши эса қузғун кабидур.

*Ҳар кимсада бўлса андиша агар,
Ҳар иллатга унда топилар даво.
Андишасизлар эрур мисоли қузғун,
Ундан келур даво ўрнига вабо!*

Ҳикоя қилишларича, бир оқила аёл тўрт боласи билан эридан эрта бева қолибди. Болаларини едириб, кийинтириш учун ҳар қандай меҳнатдан қочмабди. Натижада болаларини эл қатори кийинтириб, ўқитиб яшай бошлабди.

Буни кўрган ишёқмас, ғийбатчи қўшни аёллар, унинг орқасидан маломат қилишибди.

Аёл қўшниларининг маломатларини эшитса-да, парво қилмабди. Қўшни аёлларга бўлган самимий муомаласини ўзгартирмабди. Орадан йиллар ўтиб ўғил-қизлари оналаридек меҳнатсевар, оқила, андишали бўлиб вояга етибдилар. Оналарини азиз қилиб бошларига кўтарибдилар.

Ғийбатчи қўшни аёллар эса, ўзларининг сўзларидан, билиб-билмай қилган маломатларидан уятга қолишибди.

Қуръони каримда: «Эй мўминлар, айтган сўзларингиздан, қилган гуноҳларингиздан ҳақиқий тавба қилинглар», деб буюрилган.

Ўзимиз илм олсак ва фарзандларимизга ҳам илм берсак, жамиятимизда жоҳиллар, ғийбатчилар учун жой қолмайди. Илмли, андишали инсонлар кўпайса юртимизда ҳамиша яхшиликлар бўлади.

Оилада ёки жамиятда содир бўладиган катта-кичик жанжаллар диққат билан кузатилса, кўпинча уларга кўпол сўз ёки ёмон муомала сабаб бўлганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бир киши ўйламасдан гапириб қўйса, бошқасига бу гап ёқмайди ва натижада бекордан-бекорга жанжал чиқади.

Оқиллик ва хушмуомалалик. Юсуф Таваслийнинг «Ҳикматлар хазинаси» номли асаридаги оқиллик ва хушмуомалаликнинг ҳикмати ҳақидаги қуйидаги ҳикояси эътиборга лойиқ.

Бир кун Султон Сулаймонхон аркони давлат ила сайрга чиқди. Сайрда Султон Сулаймонхон кучли ёққан ёмғирда қолди ва яқин орадаги бир қишлоқдаги уйга кирди. Подшоҳнинг меҳмон бўлганидан мамнун қишлоқ одами яхшилаб ўт ёқди ва подшоҳни иситди.

Бу одам ёққан ўт подшоҳга кўп хуш ёқди. Шоҳ мезбонни хурсанд қилиш учун:

– Бу сен ёққан олов минг олтинга арзийди. Минг олтинга! - деб илтифот қилди.

Меҳмон бўлган аркони давлат уйдан чиқаётиб қўлидан келганича илтифот кўрсатган деҳқонга :

– Ота, бизнинг бирор бурчимиз борми? - деди.

Деҳқон:

- Бурчингиз бир минг бир олтин, подшоҳим, - деди.

Подшоҳ хайратга тушди ва:

– Бу ниманинг пули? Нега мунча кўп пул сўраяпсан? - деди.

Деҳқон кулиб:

– Подшоҳим, мен овқат учун бир олтин сўрайман. Оловни эса сиз «минг олтинга арзийди» дедингиз.

Подшоҳга деҳқоннинг жавоби кўп хуш ёқди, завқланиб кулди ва минг бир олтин беришни буюрди.

Деҳқон:

– Мен ҳазил учун, шунчаки айтиб қўйдим, пул керак эмас, - деди.

Кўринадикки, деҳқон ўзининг оқиллиги ва хушмуомаласи билан подшоҳни мамнун қилди. Унинг бу ақл-заковати, мулойимлиги, олижаноблиги, яхшилиги, сахийлиги бўлмаганида

эди, подшоҳни бунчалик хурсанд этолмаган, ўзи эса минг бир олтинга эга бўла олмасди.

Ҳар бир кишининг инсонийлик даражаси энг аввало унинг муомаласи орқали белгиланади. Шундай экан, халқимизнинг «Ширин сўзинг бўлмаса, молу давлатинг бекор» деган нақлини ёддан чиқармаслик зарур.

Ўз қадрини билмаган, ўзга қадрин билмас. Халқимизда «Ўз қадрини билмаган, ўзга қадрини билмас» деган нақл бор.

Қадим замонда Абдумалик исмли бир шаҳар ҳокими асир тушган ақлли, доно бир одамга бўлмағур айб қўйиб жазо бермоқчи бўлиб турганида, унинг кичик ўғли кириб келади. Отасига «Муаллимим мени жазолади», деб йиғлаб-йиғлаб шикаят қилди.

Абдумалик жуда ғазабланиб, дарҳол муаллимни чақиртириб, ҳузурига келтирди. Боласини жазолагани учун бечора муаллимни қаттиқ койиди. Буни кўриб турган доно асир Абдумаликка қараб:

– Муаллимни бекорга койидингиз, у бечорада айб йўқ. Айб ўғлингиздадир. Муаллимлар маънавий отадирлар. Ўз шогирдларининг ақлли, тарбияли бўлиб етишмоқларини истайдилар. Ўғлингиз дарсларини пухта тайёрламай, маъносиз йўлларда юра бошлаганини кўргач, муаллим бир неча марта насиҳат қилса ҳам фойда бўлмагач, енгилгина бир жазо берган бўлса керак. Энди ўғлингиз «Отам бор экан, нима хоҳласам қилавераман» деган фикрда бўлиб, номаъқул ишларни яна ҳам кучайтиради. Натижада одобсиз фарзандга эга бўлиб қоласиз. Сиз бунга розимисиз?

Абдумалик асирга хитоб қилиб:

– Ўз бошингга нима воқеа келишини унутдингми? Менинг ишларимга нега аралашасан? - деган эди, асир шундай жавоб берди:

– Эҳтимол, мени ўлдиришга буюрарсиз. Ҳақиқий, чин инсон ўз айбини яшириши айбдир. Менинг сўзларим сиз учун ҳам, барча ота-оналар учун ҳам фойдалидир. Ўлимим олдидан бир эзгулик қилишни истардим. Эзгуликни яширишни виждоним қабул қилмайди.

Абдумаликка асирнинг «Ўз қадрини билмаган одам, ўзгалар қадрини билмас» деган сўзлари таъсир қилиб, ўғли ва ўз айбини тушуниб, уни озод этди. Муаллимга ҳам эҳсон бериб, узр сўради. Ўғлини одобли, хушмуомалали, ширинсўз қилиб тарбиялашга ваъда берди.

Демак, ўз айбини англаш, қўполлик қилмаслик, ҳақиқатни тушуниш, ширинсўзлик, олижаноблик, ўзгалар қадрига етиш яхши фазилатдир.

Қуйидаги халқ ҳикматлари ва ҳадис намуналари инсоннинг ўз қадрига етиши билан ўзгаларни ҳам азиз билиши зарурлиги ҳақидадир.

Кимки бировнинг қадрига етмаса, бошқалар ҳам унинг қадрига етмайди.

Бошқалардаги камчиликни кўриб, ўзини тузатган одам саодатлидир.

Одамларга етадиган яхшиликлардан миннатдор бўлмайдиган одам Аллоҳнинг неъматларига ҳам шукр қилмайди.

Қадрини билган одам ўз иззатини ҳам билиши керак. Иззатини билиш: ўзгалар билан муомалада ўйлаб гапириш, чақирган жойга бориш, дўстини ҳурматлаш, шодлик ва қайғуларини баҳам кўриш, меҳр-шафқатли бўлишликдадир.

Инсон феъли кенглиги, меҳнатсеварлиги, камтарлиги, бировни камситмаслиги билан элда азиздир.

Кулиш маданияти. Кулги – хурсандчилик, кайфи чоғлик белгиси. У инсон руҳий ҳолатининг яхшилиги, кайфиятининг чоғлигидан далолат берувчи ҳис-туйғулар тўлқинидир. Яхши кулгу руҳий соғломликнинг белгисидир, дейилиши ҳам шундан бўлса керак.

Одатда, кулги самимий ва сохта бўлади. Самимий кулганда киши яшариб, кўнгил яйрайди, чеҳраси гулдек очилади. Сохта кулгидан юз буришади, одам тиржайгандек бўлади. Бундай киши мулозамат учун, йўлига, кимнингдир кулгисига мажбуран қўшилиб кулади. Чин кулгини донолар қакраб ётган ерга ёққан ёмғирга қиёслайдилар. Зеро, сув қакроқ ерни қондирса, самимий кулгу одамзодга ҳузур бағишлайди.

Ўзбек халқи қадимдан кулгуни яхши кўради. Аския, латифа айтишлари, лофчилик киши сўз бойлигининг ошиши,

ҳозиржавоблик, ўткир мушоҳада ва зеҳни ўстириш билан бирга кўнгил очар кулгу манбаи бўлиб хизмат қилган.

Кулгу яхши, лекин кулгу ва ҳазилнинг ўз ўрни, меъёри бор.

Халқда «одамнинг кимлигини нимадан кулаётганига қараб билса бўлади», деган гап бор. Бошқаларни камситиш ва кеккайиш ҳисобига кулиш кулгу эмас, балки кишилар дилини ранжитиш, тўғрироғи, ҳаёсизликдир.

Камолиддин Биноий ҳазил одоби ҳақида қуйидаги мисраларни баён этади:

*Эй биродар, ҳазилга ҳеч очма лаб,
Агар очсанг бўлгин унда соз одоб,
Ҳазил одам обрўсини тўқар бил,
Ҳазилни қўй, обрўингни тўкмагил.
Сенинг жонингга хуш ёққан ҳазил,
Ўзга дилга наштардек деб бил.*

Абу Хурайра ривоят қилган экан: «Расулуллоҳ шундай деган эдилар»: «Товуш чиқариб кулишни кам қил! Чунки кўп ва бесамар кулиш дилни ҳалок (вайрон) қилади».

Албатта, бу ҳадисда жуда катта ҳикмат ва ибрат бор. Зеро, бемаъно кулгидан ҳам бемаънироқ нарса йўқ. Таъзияда ўтирган кишилардан бири ҳадеб гапираверса, бунинг устига кулаверса, одобдан эмас, албатта. Ёки транспорт, кўча-кўйда кетаётганда баралла сўзлаб, атрофдагиларга беписандлик билан қараб, ҳаддан ташқари кулиш ҳам ўта хунукдир.

Кулгу чиройли, меъёрида бўлиши лозим. Инчунун, оғзини катта очиб, тупук сачратиб, беўхшов кулиш ҳам одобдан эмас.

Кулгу шундай қудратли кучки, самимий кулгу одамларнинг баҳри дилини очиб, сихатига малҳам, руҳиятига ором бағишлайди, шундай кулгилар борки, одамларни ёмон иллатлардан сақлайди.

Демак, хушчақчақлик, ўйин-кулги ва дилкашлик ҳам инсон саломатлиги учун дармондоридир.

Хушмуомалалик, ширинсўзлик – муваффақиятлар омили. Яхши сўзларни айтиш, мулойим гапни ишлатиш инсоннинг обрўсини орттиради, дўстларини кўпайтиради, халқнинг ҳурматига сазовор қилади.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ ширинсўз, мулойим бўлишга чақиради: «Менинг бандаларимга айт, яхши сўзларни сўзласинлар. Албатта, шайтон уларнинг орасига душманлик солиб туради». Бошқа бир оятда шундай дейилади: «Ва одамларга яхши сўзларни айтинг». Аллоҳ паст овоз билан сўзлашга ундайди. Чунки ширин сўзлик шуни тақозо қилади. Овозини баралла қўйиб бақириб-чақириб сўзлашни эса эшакнинг ханграшига ўхшатади: «Ва овозингни паст қил. Албатта, овозлар ичида энг ёқимсиз эшакнинг овозидир».

Аллоҳ кишилар билан сўзлашаётганда, муомала қилаётганда очик юзли бўлишни буюради ва қўполликдан қайтаради. Аллоҳ Муҳаммад пайғамбарга шундай дейди: «Аллоҳ берган раҳмат туфайли уларга мулойимлик қилдинг. Агар қўпол, қалби қаттиқ бўлганингда эди, улар атрофингдан тарқалиб кетар эдилар». Демак, хушмуомалалик, ширинсўзлик ҳаётда тинчлик ва бахт-саодат қарор топишининг зарурий шартидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳазиллари

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ё Расулуллоҳ! Сиз биз билан ҳазил-мутуйиба қиласиз», дейишди.

«Мен ҳақдан бошқани гапирмайман», дедилар».

Имом Бухорий ривоят қилишларича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг пайғамбари, хотамул анбиё бўлишлари билан бирга оддий банда ҳам эдилар. Бошқалар каби одамлар билан суҳбатлашар, ҳазил-мутуйиба қилар эдилар. Аммо ҳазиллари рост бўлган, зеро, ҳазил қилганда ҳам ёлғон гапиришга ижозат йўқ.

Ҳозирда баъзи кишилар ёлғонни роса гапиришади-да, ортидан ҳазиллашдим, деб қўшиб қўяди. Бу мутлақо мумкин эмас!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазил қилишлари доим ҳам бўлмаган ва ҳар кимга ҳам ҳазил қилавермаганлар. Мен ҳазилкаш кишиман, деб рост гап билан бўлса-да, доим ҳазил қилавериш кишининг виқорини йўқотади ва бошқа кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин. Қуйида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қай ўринларда ҳазил қилганларини баъзи мисоллар орқали келтириб ўтамиз.

Ёш болаларга ҳазил қилганлари хусусида

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ул зотни бир кун «Эй икки қулоғли» деб чақирибдилар.

Имом Термизий ривоят қилган.

Маълумки, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу 10 ёшларидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хизматларида бўлганлар. У зот Анаснинг ёш болаликлари эътиборидан шундай ҳазил қилганлар ва, албатта, сўзлари ҳақ сўздир.

Заиф кишиларга ҳазил қилганлари

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига улов сўраб келди. Шунда у зот: «Бўпти, сени туянинг боласига миндириб қўямиз», дедилар.

«Туянинг боласини нима қиламан?» деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулиб: «Ахир туя ҳам туянинг боласи бўладими?» дедилар».

Имом Бухорий ривоят қилган.

Бир кишидан бирор нарса сўраб борган одам, албатта, хижолат бўлади, ўзини заиф ҳис қилади. Сўралувчи киши яхши муомала қилса, ўзига яқин олиб, бироз ҳазил қилса, сўровчининг кўнгли кўтарилади. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай кишиларга баъзида ҳазил қилган эканлар ва, албатта, сўзлари ҳақ сўздир.

Аёлларга ҳазил қилганлари

Халқимизда «Аёл киши ширин сўзнинг гадосидир» деган нақл бор. Бу бежиз эмас, албатта. Аёллар нозик табиатли, бир оғиз ширин сўздан бахтиёр бўладиган, салгина қўпол ҳаракат, гап-сўздан кўнгиллари бузиладиган хилқатдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллар билан қилган муомалалари ҳам бизга гўзал намунадир. У зот алайҳиссалом баъзи вақтларда аёлларга ҳазил қилар эдилар. Улардан бир кампир «Мен ҳам жаннатга кираманми?» деб сўраганида «Жаннатга кампирлар кирмайди», деганлари ёки оналаримиз ва бошқа баъзи аёлларни шишага ўхшатиб, туяларни ҳайдаб юрувчи кишига «Шишаларга сарбон бўлганингда оҳиста бўл» деганларини мисол келтиришимиз мумкин.

Биринчи ҳолатда кампир киши аёл экани, заифалиги эътиборидан ҳазил қилганлар. Кейин «Жаннатга кампирлар кирмайди», деганларини изоҳлаб, ёш ҳолда кирилишини айтиб, оятдан далил ҳам келтирадилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли аёллари ила ҳазиллашиб туришлари бошқа ўринларда ҳам бўлган. Шариатимизда оила аъзолари билан кўнгилхушлик қилиш, уларнинг кўнглини кўтариш учун ҳазил қилишга рухсат бор. Албатта, ҳазил рост ва меъёрида бўлиши шарт қилинади. Бу каби мисоллар бизга атрофимиздаги одамлар билан муносабатда ўта хушёр бўлишни, улар ўзларини қулай ҳис қилишлари учун шароит яратишимиз, такаббурликдан сакланишимиз кераклигини уқтиради.

Хушмуомалаликнинг қоидалари инсоф, ақл, яхшилик, шукр қилиш, олижаноблик, сахийлик, мулойимлик, меҳр-шафқатлиликдир. Ушбу қоидалар бир-биридан ажралмас бўлиб, яхлит бир дарахтнинг илдизи, танаси, шохлари ҳамда меваси мисолида тасаввурга эга бўлишлик лозим.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Сўзлашув одобига қандай талаблар киритилган?
2. “Яхшилик ҳам ёмонлик ҳам ўзингдан” деган фикрни қандай шарҳлайсиз?
3. “Андишанинг оти кўрқоқликми?” Мазкур ибора ишлатилган вазиятга мисол келтиринг, муносабатингизни билдиринг.
4. “Яхши сўз – жон озиғи” мақолини қандай тушунасиз?
5. Кулги ва унга қўйилган меъёрлар ҳақида қандай фикрдасиз?

МАВЗУ: НАФСНИ АҚЛ БИЛАН БОШҚАРИШ

1. Ҳалолни ҳаромдан фарқлаш одоби
2. Саломатлик кушандалари
3. Зарарли хулқ ва одатлар
4. Лоқайдлик, бепарволик – ёмон иллат

Калит сўзлар: нафс, ҳалол ва ҳаром, саломатлик, зарарли одатлар, ёмон хулқ, лоқайдлик, бепарволик, иллат, нафсни тийиш, хушёрлик.

Ҳалолни харомдан фарқлаш одоби. Нафс – инсон танасининг жисмоний талабларини қондиришга интилишдир. Инсоннинг ҳайвондан фарқи ҳам ўз нафсини идора қила олиши, тия билишидадир.

Улуғ кишилар нафсни тия билиш, уни идора қила олиш зарурлигини қуйидагича таърифлайдилар:

«Нафсни тия билмаслик бориб-бориб кишини нобуд қилади. Баднафслик эртами-кечми иморатни кулатадиган пойдевор остидаги кўринмас сувдир».

Пайғамбаримиз «Эй Парвардигоро, Менинг нафсимга тақво ато эт ва уни покла, сен поклагувчиларнинг энг хайрлисидурсан» деб қилган дуоларида инсонни разолат ботқоғига тортгувчи нафс назарда тутилиб, ўз умматига таълим бўлсин учун, гўёки, агар Аллоҳ нафсга тақво бермас экан, у жуда кўплаб ёмонликларга сабаб бўлишини тушунтиргандек бўлади.

Абдухолиқ Ғиждувоний қуйидаги мисралари орқали нафс балосига гирифтор бўлишнинг оқибатларидан огоҳлантиради.

*Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур.
Нафсинг сени охир дамда гадо қилгай,
Дин уйини ғариб қилиб адо қилгай.
Оқил эрсанг нафси бандин бўлгил безор!*

Имом Байҳақий «Шуабул иймон» номли китобида Расулуллоҳнинг «Аллоҳнинг тоатида бўлмоқ учун нафсга қарши жиҳод қилган кимса ҳақиқий мужоҳиддир, хато ва гуноҳлардан ҳижрат қилган кимса эса ҳақиқий муҳожирдир», деган сўзларини келтирган.

Демак, бошқа ҳадислар билан солиштириб кўрилганда нафсга қарши курашмоқ буюк интилиш экани маълум бўлади. Модомики, нафс ақлнинг ўрнига инсон қалбида ҳоким бўларкан, инсонлар ҳиёнаткорлик, биродаркушлик каби иллатлардан қутула олмайдилар.

*Нимаики ўзингга бўлмайди даво,
Бошқага ҳам уни кўрмагил раво.
Ёмон нафсингни одобга гулом қил,
Одобсизни одобинг бирла ром қил.*

Нафс қули

Доктор Али Вардий "Ироқ тарихидан ижтимоий лавҳалар" китобида шундай ҳикоя қилади.

1917 йилда Ироқ ҳудудларидан бирига кирган инглиз генерали Стенли Муд қўй боқувчи чўпон билан кўришиб қолди. У чўпонга итларидан бирортасини сўйса, бир фунт стерлинг бермоқчи эканини таржимон орқали билдирди.

Ит чўпоннинг қўйларини бўрилардан ҳимоя қиладиган, унга қўй боқишда ёрдам берадиган ва хатарни сезиши билан огоҳлантирадиган жуда муҳим ҳамроҳ эди. Лекин генерал берадиган пулга мавжуд қўйларнинг ярмини сотиб олса бўларди.

Чўпон қўйлардан бирини ушлаб қурбон қилишга қарор қилди ва генералнинг оёғи остида бўғизлади. Генерал бунга кўнмади, итини сўйишни буюрди. Чўпон итини сўйди. Генерал чўпонга итнинг терисини шилиш бадалига яна бир фунт ваъда қилди. Чўпон пулни олиб, унинг айтганини қилди.

Генерал Муд чўпон итни бўлаклаб ташласа, яна бир фунт бермоқчи бўлди. Чўпон итни майда-майда бўлакларга бўлди.

Генерал учинчи фунтни бериб, кета бошлади. Чўпон сакраб туриб:

- Яна бир фунт берса, бўлакларни ейишга тайёрлигини айтди.

Генерал Муд:

- Мен сизларнинг табиатингизни билмоқчи эдим, холос. Билдимки, нафсингизга қул экансиз! Сен уч фунт стерлинг учун энг вафодор дўстингни бўғизладинг, терисини шилдинг ва бўлакларга бўлдинг. Тўртинчи фунтга уни ейишга ҳам тайёрсан. Мен билишим керак бўлган нарсa шу эди, - деди.

Сўнг аскарларига юзланиб:

- Билингки, бу ерда шу каби ақл эгалари бор экан, ҳеч нарсадан қўрқмасангиз бўлади, - деди.

Бу ҳолат мол-дунё учун ҳар нарсага тайёр заиф нафсларнинг жамиятда мавжудлиги, ҳар қандай душманга ўша жамиятни парчалаб, мустамлака қилишига кўмаклашишини англатади.

Ҳалолни ҳаромдан фарқлаш одоби. *Ҳалол* (арабча сўз бўлиб, «рухсат этилган, тоза» деган маъноларни англатади) – мусулмонлар учун, уларнинг ҳаёти ва диний фаолияти учун рухсат этилган хатти-ҳаракатлар ва ишлар, шунингдек, тоза ва пок ҳисобланган емишлардир.

Ҳаром (арабча – «тақиқланган») деганда Аллоҳ томонидан қатъий тақиқланган хатти-ҳаракатлар, амаллар, истеъмол қилиниши натижасида одамларга зарар етказадиган, уларни инсонийлик чегарасидан чиқариб юборадиган турли озиқ-овқат, ичимлик ва гиёҳванд моддалар каби нарсалар англанади.

Аллоҳ ҳалол ва ҳаромни инсонларга манфаат бўлиши ёки улардан зарарни даф қилиш учун белгилаган ва уларга амал қилиб боришни буюрган.

Ҳалолга амал қилиш, ризқ топиш ва ҳалол бўлган ишларга ўз маблағини сарфламоқлик исломнинг қатъий талабларидан ҳисобланади. Аллоҳ таоло ҳатто ўз пайғамбарларидан ҳам ҳалол ризқ ахтаришни талаб қилиб шундай дейди: «(Юборган барча пайғамбарларимизга шундай дедик): Эй пайғамбарлар, ҳалол-пок таомлардан енглар ва яхши амаллар қилинглар...»

Исломдаги ҳалол ва ҳаром тушунчаси шуниси билан аҳамиятлики, истеъмол қилинадиган ёки фойдаланиладиган нарса ҳалол меҳнат ва пешона тери билан топилмаган бўлса ёки бировнинг ҳаққи бўлса ҳам ундан фойдаланиш ман қилинган.

Ҳалоллик тўғри фаолият ва турмуш тарзида, кўпчилик манфаатини кўзлаб ишлашда, ростлик ва самимий муносабатда, меҳр-мурувват кўрсатишда намоён бўлади. Шундай экан, дунёда ҳалол одамдан улуғроқ зот бўлмайди, деб айтиш мумкин.

Саломатлик кушандалари. Тозалик ва поклик инсоннинг муҳим ва асосий фазилатларидан биридир. Инсонларнинг маънавий ва жисмоний покликка эришишларига алоҳида эътибор берилади. Жисмоний поклик инсоннинг ботиний поклигидан аломат бўлганлиги учун ҳам барча замонларда аввало маънавий покликка даъват этилган.

Масалан, Ҳазрати Мусо ҳақидаги оятлардан бирида Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: «Эй Мусо, сен Фиръавннинг олдида бор, чунки у (куфру исён билан) ҳаддидан ошди. Бас, (унга) айт «Сенинг (куфр иллатидан) покланишга рағбат-

хоҳишинг борми?» Шундан ҳам маълум бўладики, инсоннинг маънавий пок бўлиши биринчи ўринда туради ва унинг муҳим фазилати ҳисобланади.

Жисмоний поклик масаласи ҳам исломда муҳим ўрин эгаллайди.

Расулуллоҳ ҳам ҳадиси шарифларида «Поклик имоннинг ярмидир» (Имом Муслим ривояти), ҳазрати Усмондан қилинган ривоятда эса «Ким таҳоратни мукаммал, чиройли қилиб олса, унинг гуноҳлари жасадида, ҳатто тирноқларининг остларидан ҳам чиқиб кетади» (Бухорий ва Муслим) дея берган башоратларида жисмоний ва маънавий покизаликни назарда тутганлар.

Маълумки, жисмоний ва маънавий пок бўлган кишининг соғлиги, саломатлиги ҳам яхши бўлади. Соғлик ҳам Аллоҳ таоло ато этган неъматнинг энг афзали бўлиб, уни сақлаш, жисмни керакли озуқа ва моддалар билан таъминлаш вожибдир.

Яхши еб-ичмаслик, сурункали оғир меҳнат ҳам киши саломатлигига катта зарар етказди.

Бундан ташқари кейинги пайтда «аср вабоси» дея аталаётган гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш, спиртли ичимликлар ичиш ҳам саломатликнинг асосий кушандаларидандир.

Бу нарсалар кишининг соғлиғига зарар етказибгина қолмай, унинг онгини ҳам заҳарлайди, фарзандларнинг акли заиф, турли айбу нуқсон билан туғилишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш мақсадида Пайғамбар қуйидаги кўрсатмаларни берганлар:

«Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаром»;

«Ҳар ким ўзини ўзи заҳар билан ўлдирса, қиёмат куни жаҳаннам ўти билан азобланади» (Имом Термизий ривояти)

Хулоса қилиб айтганда, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби иллат-касалликлар инсон бошига қанчадан-қанча фожиалар солгани, энга жойиб, энг улуғ орзу-ниятларнинг барбод бўлишига олиб келгани, не-не даҳоларнинг умрини хазон қилганини ёддан чиқармаслик лозим.

Зарарли хулқ ва одатлар. Айрим одамлар нафсини тия олмаслик оқибатида қимматли умрини бузуқ ишларга сарф қиладилар.

Қимор ўйинига мубтало бўлсанг, иззат ва жон мулкига қирон келтирасан, оз фурсатда бор-ўғингни, ҳурмат ва обрўйингни қўлдан бой берасан. Қиморнинг инсон ҳаётига нечоғлик таҳдид солиши халқ оғзаки ижодининг қуйидаги намунасида ўзининг ёрқин ифодасини топган:

*Қоч, ўйнамагил қимор ҳаргиз,
Йўқ бу каби нобакор ҳаргиз.
Бундан яна бир ёмон бало йўқ,
Бир дард эрур, унга даво йўқ.*

Зарарли хулқ ва одатлардан яна бири – бировнинг молига кўз тикиш – ўғрилиқдир. Ҳамма тинч, фароғатда яшаса, ўғри доимо хавфда, изтироб ва алам билан яшайди. Ўғри охир-оқибатда одамлар нафратига учраб, умрини хазон қилади.

*Берма озор кишига, қилма ўғрилиқ зинҳор,
Ўғри доим чекадур ранжу-уқубат бисёр.*

(Халқ оғзаки ижоди)

Ўғрилиқ ҳам ҳар хил бўлади. Унинг ўзига хос кўриниши дўстлик ва меҳрибонликни ўғирлаш – чақимчилик ва ифвогарлик қилишдир.

Ўғрилар мол ўғирласа бундай кишилар одамлар орасидаги дўстликни, тинчликни, меҳру муҳаббатни ўғирлаб, фитна-фасод кўзғатадилар. Бундай ўғриларнинг қиммати ҳам мол ўғрилариники билан бир хилдир.

*Чинакам мусулмон – мўмину қобил,
Хулқидан эл топар осойиш, роҳат.
Кимки одамларнинг тинчини бузса,
Жазосини топгай рўзи қиёмат.*

Анвар Ҳожиаҳмад

Лоқайдлик, бепарволик – ёмон иллат. Лоқайдлик ҳамма даврларда мисли кўрилмаган зарарли оқибатларни келтириб чиқарган. Лоқайдликка йўл қўймаслик масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган, Ушбу иллатдан ҳоли бўлишга даъват қилинган.

Хусусан, Пайғамбар ҳадиси шарифларидан бирида «Кимки мусулмонлар иши билан қизиқмаса, уларга нисбатан бепарво бўлса, биздан эмас» деб марҳамат қилинган.

Ушбу ҳадисдан инсонлар жамоатчилик ишига бепарво бўлмасликлари, кўпчиликка алоқадор ишларни бирлашиб, биргаликда ҳал қилишлари кераклиги маълум бўлди. Баъзан учраб турадиган «Мен сенга тегмайман, сен менга тегма» деган муносабат эса чинака инсонларга хос эмасдир.

Ислоннинг асосий фарзларидан бири бўлган амру маъруф¹ наҳий мункар, яъни кишиларни яхши ишларга тарғиб қилиб, ёмон ишлардан қайтаришни талаб қилади. Чунончи, Қуръони каримда Аллоҳ шундай дейди: «(Эй Мухаммад) одамлар учун чиқарилган умматларнинг энг хайрлиси бўлдингиз. Зеро, Сиз яхши амалларга буюрасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз».

Албатта, амру маъруф жамиятнинг диний ва дунёвий илмлардан бохабар, ундаги камчилик, айбу нуқсонларга муносиб баҳо, кишиларга руҳий озуқа бера оладиган, сўзамол вакиллари томонидан қилинади.

Кунлардан бир куни, Расулуллоҳнинг ҳузурларига Зайд ибн Ҳориса номли саҳоба келиб, баъзи бир инсонлар томонидан қилинаётган ўғрилиқлар ҳақида айтди. Пайғамбар бунга бепарволик билан қарамай, дарҳол масжидга одамларни жамлашни буюрдилар. Ул зот жамоа олдига чиқиб, «ўғрилиқ ёмон иллат, агар ўғри Мухаммаднинг қизи Фотима бўлса ҳам қўлини кесган бўлардим» дедилар. Бу ҳаракатлари билан умматларига ўрнатилган кўрсатиб, бошқаларни ҳам ўз ишига масъул бўлишга, лоқайдлик, бепарволикдан узоқ бўлишга чақирганлар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ислонда ҳалол ва ҳаром қандай фарқланади?
2. Зарарли ҳулқ ва одатларга нималар киради?
3. Сиз ўғрилиққа қандай жазо қўллашни лозим деб ўйлайсиз?

¹ Амру маъруф – арабчада «ал-амру бил-маъруф» кўринишида бўлиб, «шариат буюрган ишларга чақириш» маъносини билдиради.

МАВЗУ: ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

1. Тарихни билиш – ўзликни англаш демакдир
2. Виждон эркинлиги
3. Фаровонлик – ҳаёт кўрки
4. Миллатлараро тотувлик

Калит сўзлар: тарих, келажак, ўзлик, истиқлол, виждон эркинлиги, фаровон ҳаёт, толерантлик, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик.

Тарихни билиш – ўзликни англаш демакдир. Ҳар бир халқнинг, шу жумладан, ўзбекларнинг ҳам ўз ўтмиши, ўз тарихи билан қизиқиши табиий ҳол. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимида таъкидлаганидек, «Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Янги таҳдидлар, жумладан, „оммавий маданият“ хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, кадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда».

Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимиз тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, унинг сарчашмалари узоқ мозийга бориб тақалишини кўрамиз.

Мутахассислар фикрича, юртимиз ҳудудида бундан 700-500 минг йил бурун ҳам одамлар жамоаси яшаган. Мовароуннаҳр номи билан тилга олинган бу ўлкада Ватан учун Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Торобий каби кўплаб халқ қаҳрамонлари кураш олиб бордилар.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Замахшарий, Форобий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур

сингари буюк сиймолар юртимиз доврўғини бутун дунёга таратдилар.

Ўтмиш тарихни эслаш, ўқиб ўрганиш биз учун жуда фойдали.

«Мозийга қайтиб иш кўриш хайрликдир», деб ёзган эди буюк адибимиз Абдулла Қодирий.

Бу хайрлилик йўқотишлару ютуқлар, юксалишлару таназзулларга тўла тарих саҳифаларини ўқиб, ундан зарур хулосалар чиқара билишдадир. Ана шундагина муваффақиятсизликлар, хато ва камчиликларнинг олди олинади, кўзланган мақсадларга эришиш учун мустаҳкам замин яратилади.

Виждон эркинлиги – истиқлол берган буюк неъмат. 1991 йили Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритиши янгиланиш ва юксалиш учун йўл очди. Бу ўзгаришлар, динга, диний қадриятларга бўлган муносабатда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топа бошлади.

Республикаимизнинг барча фуқаролари ҳақиқий диний эътиқод эркинлигини ҳис эта бошладилар. Давлатимиз атеистик мафкурадан воз кечиб, асосий эътиборни турли миллатлар истиқомат қилувчи аҳолининг эмин-эркин эътиқод қилиши, масжидлар, мадрасалар, синагога, черков ва бошқа диний ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйишга қаратди.

Айни пайтда фуқароларимизга 2000дан ортиқ исломий диний ташкилот (Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ислом институти ҳамда масжид ва мадрасалар) ва 170дан ортиқ ноисломий диний ташкилотлар (епархия, диний жамият ва жамоалар, шунингдек, черков, синагога¹, семинария, собор, ибодатхоналар) хизмат қилмоқда. Рўза ва Қурбон ҳайитлари расман дам олиш куни қилиб белгиланиб, кенг нишонланмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев турли анжуманларда сўзга чиққан чоғи ислом динини тўғри ташвиқот қилишимиз, халққа етказа олишимиз зарурлигини, бошқа давлатларда Ислом динини ўзига ниқоб қилиб, бебош йўлларга юраётганлар, терроризм, диний ақидапарастлик каби нарсалар бизга ёт бўлиши кераклигини бир неча бор таъкидлагани бежиз эмас.

¹ Синагога – Яхудий динига хос диний ибодатхона.

Истиқлол ислом маданияти, дунё динлари тарихи, диншунослик, манбашунослик каби йўналишларда илмий изланишлар олиб бориш учун ҳам йўл очди. Жаҳон цивилизациясига ўзининг маънавий-маърифий тухфалари билан ҳисса қўшган ватандошларимиз номи тикланмоқда, улар яратган ноёб дурдоналар халқимизга қайтарилмоқда, кўплаб илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда. Хусусан, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Имом Мотуридий, Бурҳонуддин Марғиноний каби буюк алломаларнинг юбилейлари нишонлангани фикримизнинг далили бўла олади. Уларнинг илмий мероси ҳақида кўплаб илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда. «Дин ва демократия» ва «Имом ал-Мотуридийнинг ислом дини ва маданиятига таъсири», «Жаҳон динлари: тинчлик маданияти йўлида» мавзуларидаги халқаро динлараро конференция ва семинарлар шулар жумласидандир.

Диёримиздаги мусулмонларнинг муқаддас эътиқоди бўлмиш ислом динига оид бой маънавий ва маданий меросни авлоддан авлодга етказиш, улуғ бобокалонларимиз қолдирган асарларни ҳар томонлама илмий ўрганиш, таҳлил этиш, шу соҳа бўйича етук мутахассислар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон халқаро ислом академияси (Тошкент ислом университети) ташкил этилиши, Ислом цивилизацияси маркази барпо этилиши таҳсинга лойиқ. Ушбу бетакрор мажмуа халқимизнинг асрлар давомида жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини намоён этади. Имом Мотуридий илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш борасида бошланган саъй-ҳаракатлар ҳам мана шу хайрли ишларнинг узвий давомидир.

Мустақиллик туфайли турли диний конфессия¹ вакиллари эътиқод эркинлиги билан бир қаторда ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз анъаналари, қадриятларини қайта тиклаш, турли тадбирлар ўтказиш имкониятига эга бўлдилар. Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг 145_йиллиги, Марказий Осиёдаги Евангел-лютеранлар жамоасининг юбилеи кенг нишонланганлиги, «Пасха», «Рождество», «Яблочный спас»,

¹ Конфессия – диний йўналиш.

«День святого духа», «Масленица», «Шаббат» каби диний байрамлар эмин-эркин ўтказилаётганлиги ҳам бунинг далилидир.

Темурийлар тарихи музейи. Амир Темури Кўрагон ибн Амир Тарағай Баҳодир 1336 йилнинг 9 апрелида ҳозирги Қашқадарё вилоятининг Яккабўғ туманидаги Хўжа илғор қишлоғида таваллуд топган.

Амир Темури – йирик давлат арбоби, жанг санъати ва қонунларини ишлаб чиққан машҳур лашкарбоши, енгилмас саркарда.

Амир Темури давлатни мустаҳкамлашда савдогарларга, ҳунармандларга, шайхларга ва ислом динига таянди. Ички ва ташқи савдони йўлга қўйди, илм-фан, адабиёт, санъат тараққиёти учун қулай шароитлар яратди, турли мамлакатлардан олиму фузалолар, илоҳиётчилар, санъат намояндаларини Самарқандга олиб келди. Натижада меъморчилик, рассомчилик, наққошлик юксак чўққиларга кўтарилди. У Самарқандни жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантди. Франция, Испания, Германия, Англия билан алоқалар ўрнатди.

1996 йил Амир Темури йили деб эълон қилинди. «Темури тузуклари» бир неча тилларда чоп этилди. Қисқа давр ичида – 6 ойда бунёд этилган Темурийлар тарихи давлат музейи 1996 йил 18 октябрда тантанали очилди.

Бизнинг тарихимизда Амир Темуридай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду насихатлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасликка, таърифламасликка, тарғибот қилмасдикка ҳаққимиз йўқ. Амир Темури – бизнинг фаҳримиз, ифтихоримиз, ғуруримиз! - деб таъкидлаган эдилар, биринчи Президентимиз Ислон Каримов.

Ушбу сўзларда улуғ бобомиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш борасида олиб борилаётган ишларга баҳо бериш билан бир қаторда, олдимизда турган улкан вазифалар ҳам белгиланган.

Фаровонлик – ҳаёт кўрки. Қуръони Карим: «Бас, аллоҳнинг неъматларини эслангиз ва ерда бузғунчилик қилиб санқиб юрмангиз!» деб инсонларни тинч-тотув яшашга чорлайди. чунки юрт тинчлиги бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. ўзбек халқи шунинг учун ҳам тинчликни юксак қадрлайди, уни ўз орзу-

интилишлари, мақсад-муддаолари рўёбга чиқишининг шарти деб билади. шунинг учун яратгандан доимо тинчлик ва омонлик тилайди.

Юрт тинчлиги – Ватан озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бировга қарам бўлган халқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун ҳам мустақиллик ва тинчликни асраш, мамлакатимизни тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз лозим.

Мустақиллик, тинчлик неъматни ўз-ўзидан келмайди. Бу неъматни орзу қилиб, унинг учун курашиб, жонларини қурбон қилган қанчадан-қанча аجدодларимиз ўтиб кетди. Халқимиз ўзининг бой маънавияти, ақлу заковати ва меҳнати туфайли доимо ҳуррият ва эрк сари интилиб яшади. Унинг миллий ғурури, миллий онги бугунги истиқлолимизнинг пойдевори бўлди. 1991 йил 31 август куни халқимизнинг асрий умидлари рўёбга чиққани эълон қилинди. Ер юзига Ўзбекистон мустақиллиги ҳақидаги хушхабар ёйилди.

Бугунги кунда жаҳонда тинчлик бўлишини ёқловчи, халқининг фаровонлиги учун турли ислохотларни ҳаётга татбиқ этаётган мамлакатимиз, унинг оқил раҳбари билан ер юзидаги кўплаб давлатлар дўстона алоқаларни ривожлантирмоқдалар.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фарзанди ўз эркини қўлга киритган, ўз бойликларига ўзи эгалик қилиш бахтига эришган шонли халқимиз шавкатини кўкларга кўтариб, Ватанимиз равнақи учун хизмат қилувчи ўғил-қизлар бўлишимиз, мамлакатимиз сарҳадларида бунёдкорлик, яратувчилик ишларини олиб боришимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Бу борадаги ушбу мақолларни ёдга олиб ўтиш жоиз:

Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас.

Булбул чаманни севар, одам Ватанни.

Она юртинг – олтин бешигинг.

Миллатлараро тотувлик. Ҳар бир миллат Яратганнинг мўъжизасидир. Бу – оламдаги табиий ранг-баранглик билан жамиятдаги миллий ўзига хослик диалектикасини ифодалайди.

Бир ҳадисда шундай дейилган: (Энг камида) 3 киши бўлиб сафарга чиқсанглар ҳам, ичинглардан бир кишини бошлиқ қилиб

сайланглар. Агар бошлиқ қора хабаш бўлса ҳам унга итоат қилинглари.

Бундан келиб чиқадики, барча инсонлар миллатлари ва ирқларидан қатъи назар, яратган Парвардигорлари ҳузурида тенгдирлар.

Миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди. Шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳудудида қадим-қадимдан кўплаб миллат ва элатлар ҳамжиҳат истиқомат қилади, улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг, ушбу заминдаги аҳолининг бағрикенглигини кўрсатади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда. Шу боис турли миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш истиқлол мафкурасининг асосий мақсадларидан биридир.

Миллатлараро тотувлик ғояси – бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир. У ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шароит яратади.

Ривоят қилинадики, Расулуллоҳ: «Бир-бирингиз билан аччиқлашманг, ҳасад қилманг, тескари қараб кетманг, бир-бирингиз билан ака-ука бўлинглар...», дедилар.

*Суннат эрмиш, ҳеч кимсага берма озор,
Кўнгли қаттиқ дилозордан худо безор.*

Аҳмад Яссавий

Такрорлаш учун саволлар:

1. Виждон эркинлиги ҳақида қадай тушунчага эгасиз?
2. “Темур тузуклари” китоби ҳақида нималарни биласиз?
3. Хорижлик меҳмонларга ўзбеклар ҳақида тушунча бериш керак бўлса, айнан қайси жиҳатларимизни кўрсатасиз?
4. Юрт тинчлиги қандай омилларга боғлиқ?

5. Юртимизда динларга бўлган муносабат ҳақида нима дея оласиз?

ХОТИМА

Мустақиллик улуғ ва эзгу ниятларимизнинг амалга ошиши, улкан имкониятларимизнинг воқеликка айланиши учун шароит яратди ва бу борада ҳал этилиши зарур бўлган вазифаларни аниқ белгилаб берди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурди.

Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди.

Бу масъулиятли ва серқирра вазифани ўзаро ҳамкорликда амалга оширишимизга, эртанги кунга, келажакка мустаҳкам пойдевор қура олишимизга ишонамиз.

Қўлингиздаги қўлланма ана шу вазифани бажариш йўлидаги уринишларнинг кичик бир натижасидир. У ўзида халқ мақоллари, аллома аждодларимиз ўғитлари, Қуръони карим оятлари, ҳадиси шарифлар, Президентимиз асарларидан иқтибослар, ривоятлар, буюк инсонлар ҳаётидан келтирилган намуналарни мужассамлаштиргани учун ҳам диний ўқув юртлари ўқитувчиларига ва маҳалла фуқаролари Кенгашидаги диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар учун беминнат ёрдамчи бўлиши шубҳасиз.

Қўлланмадан фойдаланиш жараёнида ўқувчиларнинг ёши, билим савияси, характери, шунингдек, ўқитувчи-ўқувчи, ота-она ва фарзанд муносабатлари қандай ҳолда эканига эътибор қаратиш айтилиши мумкин бўлади.

Мазкур қўлланма фарзандларимиз қалбида ўз ота-онаси, яқинлари, устозлари, қолаверса табиат, ҳайвонот дунёсига, парранда-ю дарранда, ўсимлигу ҳашаротларга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларни асраб-авайлаш, эҳтиётлаб сақлашга ундайди. Шунингдек, уларда жамиятимизга ёт бўлган ғояларга қарши фикр билдира оладиган билим ва иммунитетнинг шаклланишига хизмат қилади. Натижада ёш авлод халқимиз орзу қилган пок ниятли, соф қалбли, фикри теран, жисмонан соғлом, ҳар томонлама гўзал хулқ-атворли, доно, билимдон, комил инсон бўлиб етишишига ўз ҳиссасини қўшади. Яхшини кўриб ибрат олиш, ёмондан нафратланиш - ҳаётнинг мазмунига айланишини ўргатади.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма нафақат диний муассасаларнинг ўқитувчи-мураббийлари, балки диний уламолар, маҳаллаларда диний-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда оилалар ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш борасида фаолият олиб бораётган соҳа мутахассисларининг билим доираларини кенгайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, ундаги материаллардан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг «Зиё» студияси ва Ўзбекистон телеканали «Ҳидоят сари» рукни кўрсатувларини тайёрлашда манба сифатида фойдаланиш мумкин бўлади деган умиддамиз.

СЎЗЛАР ИЗОҲИ

А

Абу Лайс Самарқандий – олим, тафсир, фикҳ ва ҳадис бобида ёзган асарлари билан машҳур.

Абу Ҳурайра – Муҳаммад Пайғамбардан энг кўп ҳадис ривоят қилган саҳоба.

Ажр – мукофот.

Алайҳиссалом (а.с.) – «Унга саломлар бўлсин», бу пайғамбарлар исмига доимо қўшиб айтиладиган тилаклардан бири.

Алҳамдулиллоҳ – «Аллоҳга ҳамду сано (мақтов)лар бўлсин» деб, ўз миннатдорчилигини мақтов ила изҳор қилиш.

Амру маъруф – арабчада «ал-амру бил-маъруф» кўринишида бўлиб, «шариат буюрган ишларга чақириш» маъносини билдиради.

Анас – Муҳаммад Пайғамбарнинг замондоши (саҳоба), энг кўп ҳадис ривоят қилганлардан бири.

«Ан-ниаму бадъаз-завол» – Неъматларнинг кадр-қиммати улар йўқ бўлганидан (заволга учраганидан) кейин билинур.

Асҳоб – саҳобалар («саҳоба» сўзининг кўплиги).

Асҳоби киром – улуғ саҳобалар.

Б

Бадавий – кўчманчи, чорвадорлик билан шуғулланувчи киши, саҳройи одам.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим – «Меҳрибон раҳмдил Аллоҳ номи билан бошлайман» деган маънони англатади.

Ботил – ёлғон, нотўғри, бефойда.

В

Вожиб – қилиниши зарур амал, бурч.

Воиз – насиҳатгўй, насиҳатчи.

Д

Довуд - Сулаймон Пайғамбарнинг отаси бўлиб, у ҳам пайғамбар бўлган.

Ж

Жавомиул-калим – «Сўзлар тўплами». Бу ибора кўпроқ ҳадисларга нисбатан ишлатилади. Зеро, ҳадисларнинг таркиби қисқа, лекин мазмуни кенгрокдир.

Жабҳа – соҳа, йўналиш, шароит.

З

Замзам – Байтуллоҳ (Макка шаҳридаги Каъба) яқинидаги чашма ва унинг суви.

И

Иброҳим - улуғ пайғамбарлардан бири. Ҳалилуллоҳ лақаби билан машҳур. Отаси Озар буттарош, мушрик бўлган. Иброҳим ёшлигидан бутларга қарши чиқиб, отаси ва бошқа бутпарастларни тўғри йўлга, якка Аллоҳга ибодат қилишга даъват қилган. Ҳукмдор Намруд уни оловда куйдирмоқчи бўлганда Аллоҳ нажот берган. Пайғамбарлик ато этилгандан кейин иккинчи хотини – Хожардан Исмоил, катта хотини – Сорадан Исҳоқ туғилганлар. Муҳаммаднинг насаби шарифи Исмоилга бориб етади.

Иқтибос – келтирилган цитата.

К

Каззоб – ёлғончи.

Каффорат – тўлов, яъни қилинган гуноҳ ёки ичилган қасамлар эвазига адо этиладиган тўлов.

Конфессия – диний йўналиш.

М

Макруҳ – ҳаром билан ҳалол ўртасидаги ҳукм.

Мазҳаб – арабчада «йўналиш» маъносини билдириб, ислом терминологиясида бирор диний масала, муаммо бўйича муайян уламо фикрига эргашиш, «унинг юрган йўналишидан бориш»ни билдиради. «Мазҳаб» атамаси ислом динининг деярли барча соҳаларида – ақида (калом), фикҳ, ҳадисшунослик, фалсафа, тасаввуфда баробар ишлатилади.

Мубоҳаса – баҳс, суҳбат.

Мужтаҳидлар – ислом динининг тўртта асосий манбалари (Қуръон, Ҳадис, ижмоъ, қиёс) асосида шариат ҳукмларини ишлаб чиқиш қудратига эга олимлар.

Муҳаддис – ҳадисларни жамловчи инсон.

Н

Наботот – ўсимликлар.

Нахли тар – кўкариб турган хурмо.

Номаи аъмолларига – (қилинган) ишларнинг сарҳисоб китоби.

О

Ойша – Расулуллоҳнинг рафиқалари, Халифа Абу Бакр Сиддиқнинг қизи.

Осори атиқалар – қадимий ёдгорликлар.

Р

Равзаи жаннати жинон – «жаннат боғларидан бири» маъносида.

Ранж – қийинчилик.

Ровий – ривоят ёки нақл қилгувчи.

Рўзвонлар – жаннат ҳурлари.

С

Садақаи жориялар – савоби доимий равишда ёзилиб турадиган амал.

Сарват – мева.

Сахо – саховатлилик.

Саҳоба – Пайғамбарнинг замондоши ва издоши

Силаи раҳим – қариндошлар билан қалин алоқада бўлиш ва уларга ёрдам қилиб туриш.

Синагога – Яҳудий динига хос диний ибодатхона.

Солиҳ фарзанд – Исломда ўз йўлини тўғри белгилаган, имон-эътиқодли, одоб-ахлоқли фарзанд («солиҳ» – арабчада «тўғри», «яхши», «эътиқодли», «фойдали» маъноларини англатади).

Соъ – 4 килограммга яқин оғирлик ўлчови.

Суннат – Пайғамбар қилган ва буюрган амаллари.

Ф

Фақиҳ – қонуншунос, «фиқҳ» илми (Қуръони карим, ҳадис, ижмо – етук ислом уламолари яқдиллик билан қабул қилган фикр, қиёс – Қуръон ва ҳадисларда қайд этилмаган масалаларни ўхшашларига қиёслаш орқали ҳал қилиш)ни мукаммал эгаллаган ва улар асосида ҳукм чиқаришга қодир инсон.

Х

Халифа Али – Муҳаммад пайғамбарнинг куёвлари, Абу Бакр, Умар, Усмонлардан кейинги тўртинчи халифа.

Хилқатида – яратилишида.

Хилт – қон, сафро, балғам каби инсон ичидан тушадиган моддаларининг ҳар бири тиббиётда шундай деб аталади.

Хоссатан – хусусан.

Ш

Шаҳид – ҳақ йўлида ҳалок бўлган марҳум.

Шовинистик – миллатчилик.

Я

Ярҳамукаллоҳ ва яшфийк – Аллоҳ сенга раҳм қилсин ва шифо берсин.

Қ

Қаддасаллоҳу сароҳу – Аллоҳ ётган жойини муқаддас қилсин.

Ҳ

Ҳадис – ислом динидаги Қуръондан кейинги муқаддас манба бўлиб, Муҳаммад (а.с.) ҳаёти, фаолияти ва кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлар.

Ҳаддида – чегарасида, меъёрида.

Ҳамд – мақтов.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз: Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: «Ўзбекистон», 2016.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак: Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т.: «Ўзбекистон», 2017.

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” 2017

5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. - http://uza.uz/uz/politics/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbekiston-respublikasi-musta-31-08-2020?sphrase_id=20134244

6. Каримов И.А. *Маънавий юксалиш йўлида.* – Т.: Ўзбекистон, 1998.

7. Каримов И.А. *Адолатли жамият сари.* – Т.: Ўзбекистон, 1998.

Қонун ҳужжатлари

8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 1992.

9. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билль (қонун). – Т.: Ўзбекистон, 1992.

10.«Болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция. – Т.: Адолат, 1998.

11.Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартномалар.

Нашр этилган манбалар

12.Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2001.

13.Абдуллоҳ ибн Зайд. Ал-ҳикам ал-жомиа. – Қатар, 1988.

14.Аҳмад Фарид. Тазкия. – Қоҳира, 1993.

15.Аҳмад Ҳодий Мақсудий. Шифоҳия дарслиги, 50-дарс. - Т., 1992.

16.Валиюддин Абу Абдуллоҳ ал-Хатиб ал-Бағдодий. Мишкат ал-масобиҳ. – Қоҳира, 1989.

17.Жамъул фавоид (3-жилд). – Байрут, 1987.

18.Жавомиъул калим (Бухорий, Абу Довуд ривоятлари). – Қозон, 1989.

19.Жалолиддин ас-Суютий. Ал-жоме ас-сағир. – Қозон, 1909.

20.Зиёуддин Мақдисий. Фазоилул аъмол. – Мадина.

21.Имом ал-Ғаззолий. Ихё улум ад-дин. – Байрут, 1982.

22.Имом ал-Ғаззолий. Хулкул муслим. – Байрут, 1989.

23.Имом Бухорий. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ. – Байрут, 1968.

24.Имом Муслим. Саҳиҳ Муслим. – Қоҳира, 1991.

25.Имом Термизий. Сунани Термизий. – Қоҳира, 1991.

26.Имом Байҳақий. Шайбул-имон. – Байрут, 1980.

27.Ибн Ҳожар ал-Асқалоний. Мунаббихот. – Қозон, 1909.

28.«Мутун» мажмуъаси. – С.-Петербург, 1894.

29.Муҳаммад Алий Собуний. Мин кунузис сунна. – Байрут, 1986.

30.Муҳаммад Шайх Абдураззоқ. Канзус самин фи аҳадисан наби ал-амин. – Қоҳира, 1968.

31.Муҳаммад Шайх Абдураззоқ. Ал-аъмол ас-солиҳа. – Қоҳира, 1985.

32.Мусо Шоҳин, Абдул Ол Аҳмад. Манхалул ҳадис. – Қоҳира, 1992.

33.Муҳйиддин Набавий. Риёзус-солиҳин. – Байрут, 1996.

- 34.Муҳаммад бин Муҳаммад ал-Мағрибий. Жамъул-фавоид (4-жилд). – Байрут, 1988.
- 35.Одобус Солиҳин. – Қозон, 1871.
- 36.Ризоуддин ибн Фахруддин.Жавомиул калим шарҳи. – Қозон,1989.
- 37.Саййид Ализода. Шарҳ шаръиятул ислам. – Қоҳира, 1994.
- 38.Сунани Байҳақий. Китобуд-даъва. – Байрут, 1981.
- 39.Таълимул мутааллим. – Т.: Порцев босмахонаси, 1902.
- 40.Шайх Табризий. Мишкотул-масобих. – С.-Петербург, 1893.
- 41.Ҳидоя ал-бидоя. Китоби солат, имомат боби. – Байрут, 1990.

Адабиётлар

- 42.Алишер Навоий. Хамса, биринчи дoston. – Т., 1960.
- 43.Алишер Навоий. Асарлар тўплами. 15-том. – Т., 1968.
- 44.Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т., 1984.
- 45.Абу Райҳон Беруний. Жавоҳирот. – Т., 1991.
- 46.Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1, 2-жилдлар. – Т.: Маънавият, 1998.
- 47.Абу Лайс ас-Самарқандий.Танбеҳ ал-ғофилин. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000-2001.
- 48.Абдурахмон Коя. Ислом ахлоқи. – Т., 1997.
- 49.Аҳмад Югнакий. Хиббат ул-ҳақойиқ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1971.
- 50.Аҳмад Турсун. Яхшилар одоби. – Наманган, 1995.
- 51.Аҳмедов Б. Амир Темур. – Т., 1995.
- 52.Аҳмедов Б. Амир Темур ўғитлари. – Т., 1992.
- 53.Бухорий – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. ал-Жоми ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам): 4 жилдли. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999.
- 54.Бухорий – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. ал-Адаб ал-муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
- 55.Баҳоуддин Нақшбанд. – Т., 1994.
- 56.Бобомуродов А. Ислом одоби ва маданияти. – Т., 1995.
- 57.Бобохонов Ш. Великие мухаддисы о мире и дружбе между народами. – Т., 1998.

58.Бобохонов Ш. Сихохи ситтада саломатлик, тинчлик ва хайру саховат. – М.: Внешторгиздат, 1986.

59.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Чўлпон, 1989.

60.Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.,1996.

61.Ибодати Исломия. – Т., 1992.

62.Кайковус. Қобуснома. – Т., 1994.

63.Комилов Н. Боқирғон китоби. – Т., 1997.

64.Мансуров А. Рўза ва ҳайит намозлари. – Т.,1991.

65.Мансур А. Минг бир ҳадис. – Т.: Мовароуннаҳр, 1992.

66.Маънавият юлдузлари. – Т.: Халқ мероси нашриёти, 1999.

67.Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Т.,1994.

68.Муҳаммад Комил. Мусулмон аёлларга маслаҳатлар. – Т., 2000.

69.Муҳаммад ал-Хузарий. Нурул-яқин. – Т., 1992.

70.Мусулмонлар таквим китоби. – Т., 1999.

71.Наводирул Жавоҳир. – Т., 1993.

72.Насруддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. – Т., 1990.

73.Ойбек. Навоий. Танланган асарлар, 3-том. – Т., 1957.

74.«Оила ахлоқи ва одоб»и мажмуаси. – Т., 1995.

75.Пайғамбаримиз ва ашъарайи мубашшара. 1-китоб. – Т.: Мовароуннаҳр, 1995.

76.Ризоуддин ибн Фаҳриддин. Насихат. – Т., 1993.

77.Садриддин Салим Бухорий. Дилда ёр. – Т., 1993.

78.Собиров Ф. Жума ўғитлари (Ислом-эзгулик дини). – Т.: Мовароуннаҳр, 1999.

79.Сўфи Оллоҳёр. Саботул ожизийн. – Т., 1996.

80.Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.

81.Термизий – Абу Исо ат-Термизий. аш-Шамоил ан-набавийа / Арабчадан У.Уватов таржимаси. – Т.: Чўлпон, 1993.

82.Термизий – Абу Исо Муҳаммад Ат-Термизий. Саҳиҳ Термизий. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1993.

83.Термизий – Абу Исо Муҳаммад Ат-Термизий. Сунани Термизий. – Т.: Адолат, 1999.

84.Умар Ҳайём. Рубоийлар. – Т., 1991.

85. Хўжаев Ғ. Бобур – гуманист-маърифатпарвар. – Т., 1995.
86. Холмирзаева С. Ақл ва давлат. – Т., 1995.
87. Холиқов Ҳ. Олис-яқин юлдузлар. – Т., 1990.
88. Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Т., 1990.
89. Юсуф Товаслий. Ҳикматлар хазинаси. – Т., 1994.
90. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т., 1990.
91. Ҳасанов С. Жавоҳирул ҳикоят. – Т., 1992.
92. Ҳасаний М. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. – Т., 1994.
93. Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик – тараққиёт омили. – Т., 2001.
94. Ҳасанбоева О. Педагогика тарихи. – Т., 1998

МУНДАРИЖА	
КИРИШ	3
ОДОБ – ИНСОННИНГ КЎРКИ	
.....5	
Саломлашиш одоби.....	
.....6	
II. ОИЛА – МУҚАДДАС	
ДАРГОҲ.....	9
III. ОНА ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ	
МУҚАДДАСДИР.....	17
IV. ЯХШИ ВА ЁМОН	
ОДАТЛАР.....	21
V. ТАБИАТНИ АСРАШ ВА	
ЭЪЗОЗЛАШ.....	26
VI. АЙБ ВА	
ТАВБА.....	29
VII. ИЛМ ВА ҲУНАРНИНГ ҲОСИЯТИ ХАҚИДА	
ДОНОЛАР ЎГИТЛАРИ.....	
.....31	
Одоб-инсон кўрки	
.....35	
2-қисм	
.....	
...36	
I. ЎЗБЕКИСТОН-МЕНИНГ	
ВАТАНИМ.....	36
IV. УСТОЗ ВА	
ШОГИРД.....	42
Устоз – улуғ зот	
.....42	
Устоздан шогирд ўзар	
.....45	
Устоз – отадек улуғ	
.....46	
Раҳм ва шафқат	
.....47	

V. БИЛИМ – АҚЛ	
БУЛОҒИ.....	51
VI. Сахийлик ва бахиллик	
.....	53
VII. ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ	
ОДОБИ.....	57
VIII. МЕҲМОН – ОТАДЕК	
УЛУҒ.....	68
Меҳмон кутиш одоби	
.....	68
Меҳмонга бориш одоби	
.....	69
Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак	
.....	71
3-қисм	
.....	
...71	
II. БОЛАЛИК– БУҒУБОРЛИК, ҚАРИЛИК –	
ДОНОЛИК.....	73
Болалик - беғуборлик	
.....	73
Қариллик - донолик	
.....	76
III. ТЕЖАМКОРЛИК– ЯХШИ	
ФАЗИЛАТ.....	79
Тежамкорнинг иши бежамли	
.....	79
Исрофгарчилик – ёмон иллат	
.....	79
Нон сеҳри.....	82
IV. МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК-ТУРМУШ БЎЛАР	
ЧИРОЙЛИК.....	
...84	
VII. ОНА ТАБИАТ-ГЎЗАЛЛИК	
МАНБАИ.....	87
Ҳаракат (бадантарбия) қилиш тадбири	

VIII. РИВОЯТДАГИ	
ХИКМАТЛАР.....	90
II. ИНСОН	
ҚАДРИ.....	91
Инсон учун муқаддас туйғу – умрқадрини билиш.....	91
Ота-она жасорати	
.....	92
Фарзандлар	
бурчи.....	94
Ота-онага	
хурмат.....	99
IV. ЯХШИ СЎЗНИНГ	
ЗИЙНАТИ.....	101
III. Сўзлашув одоби	
.....	102
Андиша ..	106
Оқиллик ва	
хушмуомилалик.....	107
Ўз қадрини билмаган, ўзга қадрин билмас	
.....	108
VII. НАФСНИ АҚЛ БИЛАН	
БОШҚАРИШ.....	114
Ҳалолни ҳаромдан фарқлаш одоби	
.....	114
Саломатлик кушандалари	
.....	117
Зарарли хулқ ва одатлар	
.....	118
Лоқайдлик, бепарволик – ёмониллат	
.....	119
VIII. ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ	
.....	121
Тарихни билиш - ўзликни англаш	
демакдир.....	121
Виждон эркинлиги – истиқлолберган буюк	
неъматдан.....	122

IX. Фаровонлик – ҳаёт кўрки	
.....	124
Миллатлараро тотувлик	
.....	126
ХОТИМА.....	130
НОТАНИШ СЎЗЛАР	
ИЗОҲИ.....	130
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	
РЎЙХАТИ.....	134

Ш. МИРЗИЯТОВ, И. МИРЗИЁТОВ

**Маърифат: Одоб ва тарбияга оид ҳикматлар
(ҳикматли дунё)**

(ўқув-услубий қўлланма)